

ЧЧД  
1948/2

# ШАРК ЮЛДУЗИ

Ч

2

---

1948  
ТОШКЕНТ



# ЮШАРҚ ЎЛДУЗИ

ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА САН·АТ ЖУРНАЛИ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ

Ч

№ 2

ФЕВРАЛЬ



ТОШКЕНТ

1948

465592

2001

## **В. МУРАДЕЛИНИНГ „УЛУҒ ДҮСТЛИК“ ОПЕРАСИ ТҮФРИСИДА**

**ВКП(б) Марказий Комитетининг 1948 йил 10 февраль қарори**

ВКП(б) Марказий Комитети шунита'кидлайдики, ССР Иттifoқи Большой театри томонидан Октябрь революциясининг 30 йиллиги кунларида саҳнага қўйилган „Улуг дўстлик“ операси (В. Мурадели музикаси, Г. Мдивани либреттоси) музикә жиҳатидан ҳам, сюжет жиҳатидан ҳам яроқсиз бўлиб, ғайри бадиий асардир.

Операнинг асосий камчиликлари даставвал операнинг музикасидadir. Бу операнинг музикаси ёрқин эмас, қашшоқ. Бу операда эсда қоладиган бирорта оҳанг ёки ария йўқ. У оҳангдор эмас ва ғализдир, нуқул диссонанслар, қулоққа дағал өшитилучи товушлар асосига қурилган. Оҳангдордек бўлиб өшитилган ба'зи мисра'лар ва саҳналар қулоққа асло ёқмайдиган ва тингловчиларнинг ғашини келтирадиган пойма-пой шовқин-сурон блан бирдан узилиб қолади. Операда музика ва воқианинг бориши орасида ҳечқандай узвий angler'a йўқ. Операнинг вокал қисми — хор, якка ашуалалар ва умумий ашуалалар — жуда ёмон таассурот қолдиради. Шу сабабли, оркестр ва апнулачиларнинг қобилияtlаридан тўла фойдаланимай қолинади.

Композитор ҳалқ куйлари бойлигидан, ашуалалар, лапарлар, рақс ва ўйин оҳангларидан фойдаланмаган. Ҳолбуки ССР ҳалқлари ижодиёти мана шундай куй ва оҳангларга жуда бойдир, айниқса операда тасвирланган воқиа бўлиб ўтадиган Шимолий Кавказда яшовчи ҳалқлар ижодиёти мана шундай оҳанг ва куйларга бойдир.

Композитор Мурадели музикада сохта „оригиналлик“ орқасидан қувиб, умуман классик операнинг энг яхши ан'аналари ва тажрибасини, хусусан рус классик операсининг энг яхши ан'аналари ва тажрибасини инкор қилган. Рус классик операси ички мазмунга, оҳангларга бойдир, кўлами кенгdir, ҳалқилдиr, музика шакли нафис, гўзал ва равшандир. Бу фазилатлар рус операсининг жаҳондаги энг яхши опера бўлишига, музиканинг кенг ҳалқ оммаси севадиган ва фойдаланадиган жанри даражасига кўтарилишига имкон берди.

Операда тасвирланган воқиа тарихий жиҳатдан сохта ва сун'ийдир. Бу опера 1918—1920 йилларда Шимолий Кавказда совет ҳокимияти ва халқлар дўстлигини ўрнатиш учун олиб борилган курашни кўрсатмоқчи бўлади. Опера одамларда нотўғри тасаввур қолдиради, гўё грузинлар blaъ осетинлар каби Кавказ халқлари ўша вақтда рус халқига душман бўлган эмишлар. Бу тарихни сохталаштиришдир. Чунки, ўша вақтда Шимолий Кавказда халқлар дўстлигини ўрнатишга ингушлар ва чеченлар тўсқинлик қилганлар.

ВКП(б) Марказий Комитети шуни та'кидлайдики, Мурадели операсининг муваффақиятсизликка учраши совет композитори ижодиёти учун қалбаки ва ҳалокатли бўлган формалистик йўл натижасидир. Ўртоқ Мурадели мана шу йўлга кириб қолган.

Совет музикаси арбобларининг ВКП(б) Марказий Комитетида ўтказилган кенгашни Мурадели операсининг муваффақиятсизликка учраши тасодифий бир ҳол эмаслигини кўрсатди, бу аҳвол ҳозирги замон совет музикасининг кўнгилдагидек юксак савида эмаслиги, совет композиторлари орасида формализм оқими тарқалганлиги оқибатидир.

1936 йилдаёқ, Д. Шостаковичнинг „Мценск уездининг Макбет хоними“ деган операси майдонга чиқиши мунёсабати блан, ВКП(б) Марказий Комитетининг органи „Правда“да Д. Шостакович ижодиётидаги халққа қарши, формалистик хатолар кескин таңқид қилинган ва бу оқимнинг совет музикаси ривожланиши учун зарарли ва хавфли эканлиги фош этилган эди. Ўша вақтда „Правда“, ВКП(б) Марказий Комитетининг кўрсатмаси блан мақола ёзиб, совет халқининг ўз композиторлари олдига қўйган талабарини аниқ ифодалаб берган эди.

Мана шу огоҳлантиришларга, шунингдек ВКП(б) Марказий Комитети томонидан „Звезда“ ва „Ленинград“ журнallари ҳақида, „Катта ҳаёт“ кинофильми ҳақида, драма театрларининг репертуари ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида чиқарилган қарорларда берилган кўрсатмаларга қарамай, совет музикасида ҳечқандай ўзғариш юз бермади. Ба'зи совет композиторларининг халқ ичida севиб айтиладиган ва кенг ёйилган янги ашуаллар яратиш, кино учун музика яратиш ва бошқа соҳаларда эришган айrim муваффақиятлари бу соҳада жиддий бурилиш ясалганини кўрсатмайди. Айниқса, симфоник музика ва опера ижодиёти соҳасида аҳвол ёмондир. Бу ерда гап халққа қарши, формалистик оқимга амал қилаётган композиторлар тўғрисида бораётir. Бу оқим композиторлардан Д. Шостакович, С. Прокофьев, А. Хачатурян, В. Шебалин, Г. Попов, Н. Мясковский ва бошқа ўртоқларининг асарларида айниқса яққол кўринмоқда, уларнинг ижодиётида совет халқи ва унинг бадиий завқига ёт бўлган формалистик хатолар, музикада демократияга қарши бўлган майлар айниқса равшан кўринмоқда. Классик музиканинг асосий принципларини инкор этиш, фализ оҳангларни, ёқимсиз товушларни ва оҳанглизикни тарғиб қилиш шундай музиканинг характерли аломатларидир. Бундай нуқсонлар гўё музика шаклининг ривожланишида

„ОЛГА ИНТИЛІШ“ ва „ЯНГИЛИК ЯРАТИШ“ әмиш. Музика асарининг оҳанг каби муҳим асосларини рад этиш, асабга тегдиган ғализ товуш уйдирмаларига берилиш, музикани какофонияга, тартибсиз товушлар тўпламига айлантириш ҳам мана шундай музиканинг аломатларидир. Бу музикадан Европа ва Америкада мавжуд бўлиб, буржуа маданиятининг тушкунлигини ифодалайдиган, музика сан'атини тўла инкор этадиган, унинг боши берк кўчага кириб қолганлигини кўрсатадиган ҳозирги замон буржуа модернистик музикасининг руҳи анқиб туради.

Бир қатор мустақил оҳангларининг бир вақт ичида боғланиши ва ривожланишига асосланган ранг-баранг музика ва куйдан бош тортиш ҳамда бир хил, зерикарли, кўпинча сўёсиз музика ва куйга берилиш, бунинг орқасида бизнинг ҳалқимизга хос бўлган кўп овозли музика — куй сан'атини бузиш формализм оқимиининг муҳим аломатларидан бўлиб, бу ҳол музиканинг қашшоқланишига ва тушкунлигига олиб боради.

Кўп совет композиторлари, рус ва фарб классик музикасининг энг яхши ан'аналарини поймол этиб, бу ан'аналарни „эскирган“, „кўҳна“, „консерватив“ деб рад қилдилар ва классик музика услугубларини сидқидил блан ўзлаштиришга ва ривожлантиришга ҳаракат қилаётган композиторларни „ибтидоий ан'анабозлик“ ва „элигонлик“ тарафдорлари деб, кибр блан масҳаралаб, сохта тушунилган янгилик яратучилик орқасидан қувиб, ўз музикаларидан совет ҳалқининг талаблари ва бадиий завқидан ажralиб қолдилар, тор доирадаги мутахассислар ва музикашунослар бўлиб қолдилар, музиканинг юксак ижтимоий ролини пасайтирдилар ва қуруқ сан'атга берилган якка шахсларнинг бузук завқларини қондириш блан кифояланиб, музиканинг аҳамиятини тушириб юбордилар.

Совет музикасидаги формалистик оқим бир гурух совет композиторлари орасида чолғулар учун ёзилган сўёсиз симфоник музикага биртомонлама берилиб кетишини ҳамда опера, хор музикаси; кичик оркестрлар, ҳалқ чолғулари, вокал ансамблълар ва бошқалар учун оммабоп музикалар каби музика жанрларини камситишга интилишни кучайтирди.

Буларнинг ҳаммаси сўёсиз шунга олиб келадики, вокал мадавияти ва драма сан'атининг асослари йўқолиб қолади, композиторлар ҳалқ учун ёзишдан чиқиб қоладилар, сўнгги вақтда рус классик операси савиясида турадиган бирорта совет операси яратилмаганлиги шундан далолат беради.

Совет музикаси ба'зи намояндаларининг ҳалқдан ажralиб қолгани шунга олиб келдики, уларнинг орасида чиркин „назария“ тарқалди, бу „назария“га кўра, ҳозирги замондаги кўп совет композиторлари яратган музикага ҳалқнинг тушунмаслигига, ҳалқ гўё бу мураккаб музикани тушуниш даражасига „ўсиб етмаган“, ҳалқ бу музикани юз йилдан кейин тушуна олади, шунинг учун, ба'зи музика асарлари тингловчиларга бориб етмаса таажжублашиб керак әмас, деган важлар кўрсатилмоқда. Ҳалққа қарши, тамомила шахсиятларастлиқдан иборат бўлган бу назария ба'зи

композиторлар ва музикашуносларнинг халқдан, совет жамоатчилиги танқидидан қочишга, ўз қобигига ўралиб қолишга олиб келди.

Мана шу ва шунга ўхшаган фикрларнинг тарғиб этилиши совет музика сан'атига жуда катта зарар етказади. Шу фикрларга ғоят ә'тиборсизлик блан йўл қўйилиши совет музика маданияти арбоблари орасида мана шу маданиятга ёт бўлган, музиканинг ривожланишини боши берк кўчага олиб кириб қўядиган ва музика сан'атини йўқ қиласидиган майлларнинг тарқалишига имкон беради.

Совет музикасида халқа қарши, пуч, формалистик оқимнинг мавжуд бўлиши бизнинг консерваторияларимиэда, биринчи навбатда, Москва консерваториясида (директори ўртоқ Шебалин) ёш композиторларни тайёрлаш ва тарбиялашга жуда ёмон та'сир кўрсатмоқда. Москва консерваториясида формалистик оқим ҳукм сурмоқда. Студентлар онгига рус ва ғарб классик музикасининг ёнг яхши ан'аналарига ҳурмат қилиш руҳи синг'дирилмаётир, улар халқ ижодиётига, демократик музика шаклларига муҳаббат руҳида тарбияланмаётирлар. Консерваторияларда та'лим олган кўп кишиларнинг ижодиёти Д. Шостакович, С. Прокофьев ва бошқаларнинг музикасига кўр-кўронга тақлиддан иборат.

ВКП(б) Марказий Комитети совет музика танқидчилигининг мутлақо чида бўлмас аҳволда эканини қайд қиласи. Танқидчилар орасида рус реалистик музикасининг душманлари, тушкун, формалистик музиканинг тарафдорлари етакчилик қилмоқдалар. Бу танқидчилар Прокофьев, Шостакович, Мясковский, Шебалинларнинг навбатдаги ҳарбир асарини „совет музикасининг янги ютуғи“ деб ә'лон қиласидилар ҳамда бу музикадаги субъективизм, конструктивизм, ўтакетган индивидуализмни, музика тилининг ҳаддан ташқари оғирлаштириб юборилганлигини, я'ни қаттиқ танқидга учраши лозим бўлган нарсаларни кўкка кўтариб мақтайдилар. Музика танқидчилари, социалистик реализм принципларига ёт бўлган заарли фикр ва назарияларни ер блан яксон этиб юбориш ўрнига, ўз ижодиётида сохта ижодий йўлга кириб қолган композиторларни „илғор“ композиторлар деб мақтаб, мана шу заарли фикр ва назарияларнинг тарқалишига йўл очиб бермоқдалар.

Музика танқидчилиги совет жамоатчилигининг фикрини, халқ фикрини изҳор қилмай қўйди ва айрим композиторларнинг минбарига айланиб қолди. Ба'зи музика танқидчилари, принципиал, холосона танқид ўрнига, ошна-оғайнингарчилик алоқалари андешасига бориб, айрим музика раҳбарларига лаганбардорлик ва хушомадгўйлик кўрсатиб, уларнинг ижодиётини ҳа деб мақтамоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси бир гуруҳ совет композиторлари орасида ҳозирги замон Фарбий Европа ва Америка тушкун музикасининг та'сиридан илҳомлананаётган буржуа мафкурасининг сарқитлари ҳали йўқотилмаганини кўрсатади.

ВКП(б) Марказий Комитети совет музика фронтида мавжуд бўлган бу кўнгилсиз аҳвол СССР Министрлар Совети ҳузури-

даги Сан'ат ишлари комитети ва Совет композиторлари союзининг ташкилот комитети томонидан совет музикаси соҳасида олиб борилаётган нотўғри йўл натижасида юз берди, деб ҳисоблади.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Сан'ат ишлари комитети (ўртоқ Храпченко) ва Совет композиторлари союзининг ташкилот комитети (ўртоқ Хачатурян) классик мероснинг, хусусан рус музика мактаби ан'аналарининг катта тараққийпарварлик ролини э'тироф этишга, мана шу меросдан фойдаланиш ва уни бундан кейин ривожлантиришга, музикада чуқур мазмунни музика шаклиниң бадиий камолоти блан боғлаб олиб боришга, музиканинг ҳаққонийлиги ва реаллигига, унинг ҳалқ блан ва ҳалқ музика ҳам ашула ижодиёти блан чуқур узвий алоқасига, айни бир вақтда содда ва тушунарли бўлган музика асарининг юксак сан'атига асосланган реалистик оқимни совет музикасида ривожлантириш ўрнига, аслда совет ҳалқига ёт бўлган формалистик оқимни рафбатлантириб келдилар.

Совет композиторлари союзининг ташкилот комитети бир гурӯҳ формалист композиторларнинг қурулига айланиб қолди, формалистик хатоларнинг асосий макони бўлиб қолди. Ташкилот комитетида ярамас вазият пайдо бўлди, унда ижодий муносавалар ўтказилмайди. Ташкилот комитетининг раҳбарлари ва уларнинг атрофига тўплангандар музикашунослар реализмга қарши бўлган ва қўллаб-қувватлашга арзимайдиган қалбаки асарларни кўкларга кўтарадилару, ўзининг реалистик руҳи блан, классик меросни давом этдириш ва ривожлантиришга интилиши блан ажралиб турдиган асарларни эса иккинчи даражали асарлар деб ҳисоблаб, назарга илмайдилар ва камситадилар. Музика соҳасидаги „яғилик яратучилиги“, „ўтакетган инқилобчилиги“ ҳақида жарсолучи композиторлар эса Ташкилот комитетидаги фаолиятларида қолоқ ва ярамас консерватизм тарафдорлари бўлиб майдонга чиқмоқдалар, кичик бир танқидга ҳам чидаш бермай, кекайиб юрмоқдалар.

ВКП(б) Марказий Комитети шуни та'кидлайдики, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Сан'ат ишлари комитетида ва Совет композиторлари союзининг ташкилот комитетида ҳукм сурган бундай вазият ва совет музикаси вазифаларига бундай муносабатга ортиқ чидаш мумкин эмас, чунки бундай вазият ва бундай муносабат совет музикасининг ривожланишига жуда катта зарар етказади. Совет ҳалқининг маданий талаблари ва бадиий завқи сўнгги йилларда жуда ўсиб кетди. Совет ҳалқи композиторлардан барча жанрларда—опера, симфоник музика соҳасида, ашула ижодиётида, хор ва рақс музикасида сифат жиҳатидан ва гоявий жиҳатдан юксак савиядаги асарлар кутмоқда. Бизнинг мамлакатимиизда композиторларга ижод қилиш учун бениҳоя катта имкониятлар яратиб берилган ва музика маданиятининг барқ уриб яшнаши учун барча зарур шароит вужудга келтирилган. Совет композиторлари ўтмишда бирорта композиторнинг хаёлига ҳам келмаган кўп тингловчилар оммасига эга. Шу бениҳоя катта имкониятларнинг ҳаммасидан фойдаланмаслик ва ўз ижодиётини

тўғри реалистик йўлга солиб юбормаслик кечирилмайдиган бир ҳол бўлур эди.

ВКП(б) Марказий Комитети қарор қилади:

1. Совет музикасида халқа қарши бўлган ва аслда музиканинг йўқотилишига олиб келадиган формалистик оқим қоралсансин.

2. Марказий Комитет Пропаганда ва агитация бошқармасига ҳамда Сан'ат ишлари комитетига совет музикаси соҳасидаги хато ва нуқсонларни тузатиш, Марказий Комитетнинг шу қарорида кўрсатилган камчиликларни йўқотиш ва совет музикасининг реалистик оқим блан ривожланишини та'минлашта эришиш таклиф этилсин.

3. Совет композиторлари совет халқининг музыка ижодиётига бўлган юксак талабларини чуқур англаш, музикамизни кучсизлантирадиган ва унинг ривожланишига халал берадиган барча ғовларни йўлдан супириб ташлаб, ижодий иш соҳасида катта юксалишни та'минлашга да'ват этилсин. Бу ижодий юксалиш совет музыка маданиятини тез сур'атлар блан ривожлантиради ва музыка ижодиётининг барча соҳаларида совет халқига муносиб бўлган мукаммал, сифат жиҳатидан юксак асарлар яратилишига олиб келади.

4. Тегишли партия ва совет органларининг музыка ишини яхшилашга қаратилган ташкилий тадбирлари ма'қуллансансин.

## ШАЙХЗОДА

### ЮЛДУЗ

Дурахшон бир юлдуз, бақинг — бу юлдуз,  
Барча юлдузлардан яқин бу юлдуз,  
Күриқлар ўлканинг ҳаққин бу юлдуз—  
Мағрур жилваланиб әл байроғида.

Лоларанг шу'лалар унинг ёрги,  
Қизил аскарлиқдир шонли та'рихи,  
Беш қирра юлдуздир исми — та'рифи  
Тугилди Ватанинг саҳар чоғида.

Чўқмасдан, у дашту-дар'ёдан ўтди,  
Зулматни парчалаб офтобни кутди,  
Умри ўттизинчи баҳорга етди,  
Жилоси тобланди ҳарб синоғида.

У қанот бўлдию осмонда учди,  
У орден — дил бўлди кўкракка тушди,  
Мардликнинг рамзики, — ёв-ла урушди  
Нақш әди аскарнинг жанг қалпоғида.

Кунларнинг томири ва қонида у,  
Хурликнинг, инсофнинг маконида у,  
Генералиссимус погонида у —  
Бешқирра юлдузнинг расми ҳувайдо.

Дурахшон бир юлдуз, боқинг — бу юлдуз,  
Барча юлдузлардан яқин бу юлдуз,  
Доҳийдан нур олган ёрқин бу юлдуз —  
Мағрур жилваланар әл байроғида.

Н. ОХУНДИЙ

## ЭРК ПОСБОНИ

Үттиэ баҳор күрган ватанинг яшар.  
Озодлик қушини, яшна юлдуздак.  
Бугун сени құтлар меңнаткаш башар,  
Салютлар чалади осмонда қарсак.

Сенинг байробингга ёзилган ҳикмат:  
Азиз, мұ'табардир азалдан инсон!  
Агар душман таслим бўлмаса, албат,  
Янчилар дарранда каби беомон.

Ленин берди ҳалқлар қалбига қанот,  
Раҳнамо Сталин доҳи шуури.  
Совет армияси деган шонли от,  
Бўлди ҳалқимизнинг шуҳрат гуури.

Сенда инсонликнинг муқаддас бурчи,  
Сенда адолатли элнинг қиличи.  
Сенда зулматларни ётар өрк ўчи,  
Сенда Стalinнинг даҳоси, кучи.

Юртга согланида душман таҳлика,  
Сенинг ғазабингдан титради замин.  
Фармон берганида жангга эл, ўлка,  
Ғолиб келишининг биз әдик амин.

Париждан, Лондондан, Вашингтондан,  
Яна ҳуарар итлар тонг юлдузига.  
Нур қояси каби сени кўришиб,  
Чаррандалар ин оқтарар ўзига.

Ҳали кетмасидан кўзлардан оққан —  
Гўдакларнинг қайноқ ёшлигин тапти,  
Сабил қолган Гитлер қиличин таққан  
Маршалл ялогини Черчиль ялапти.

Парижда ҳукмрон „сиёсатчилар“,  
Деголь блан Бидо дейди башарга:  
Эмиш одамзодга эрк беручи·зар,  
Трумэн келармиш унга ҳашарга.

Нақл бор: унутса одам онасин,  
Она оқ сутлари уни қилар күр.  
Шунда номард фарзанд ўз соғонасин  
Бойўғлидек ўзи мадҳини ўқур.

Озод Париж — дея ҳалок бўлганлар  
Бир сиқим тупроғи тилга келса·гар,  
Сотқин Бидо, Трумэнлар, Дегольлар,  
Бир тун каби ўчар, ёришар саҳар.

Ўттиз ёшар йигит, новқирон посбон,  
Сендан олсам дейди инсонлар умрин.  
Азиз бўлмоқлиққа ҳақлидир инсон,  
Оlamга соч Сталиннинг шуурин!

1948 йил

А. УЙГУН, ИЗЗАТ СУЛТОН

## АЛИШЕР НАВОИЙ

Беш парда, ўн кўринишили драма

### ИШТИРОК ҚИЛУЧИЛАР

Навоий	— буюк ўзбек шоири.
Жомий	— улуғ форс шоири.
Соҳибдоро	— шоир.
Хондамир	— муаррих.
Беҳзод	— рассом..
Султонали	— хаттор.
Абулмалиҳ	— Навоийнинг ошпази.
Гули	— Навоийнинг севгилиси.
Қулмуҳаммад	— бастакор. Гулининг отаси.
Хосият	— Гулизинг онаси.
Қуқудуз	— Гулининг ўртоғи.
Энага	— Гуливинг энагаси.
Хусайн	— шоҳ.
Мажиддин	— вазир.
Музаффар	— } беклар.
Қутбиддин	— } беклар.
Убайдулло	
Мансур	— Музаффарининг ўғли.
Биноий	— шоир.
Абулвосе'	— латифачи.
Жалолиддин	— Ме'мор.
Турдибой	— Навкар.
Муминмирзо	— Хусайнинг нашибаси.
Мунажжим.	
Шайхулислом.	
Чол.	
Олимлар, шоирлар, беклар, амирлар, наవкарлар, мулозимлар, со- заидалар, ҳалқ.	

# БИРИНЧИ ПАРДА

## БИРИНЧИ КҮРИНИШ

Навоийнинг Ҳирот ташқарисидаги боғи. Ўртала икки қабатли шипонг. Узоқда Ҳирот ва унинг қўргони, қаласи кўриниб туради.

Шипонгнинг бир ёғи мармар ҳовуз, атрофи гулзор. Нарида мевали ёғочлар чўзилиб кетганлар.

Тонг пайти. Навоий шипонгда ўтириб, ше'р ёзиш блан машгул.

**Навоий — (ўқийди):**

Эй, насимий субҳ, аҳволим дилоромимга айт!  
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимга айт!

**Гули —** (пайдо бўлади, Навоийни тинглайди. Сўнг илова қиласи).

Ла'ли ранггиш, лабзи ширин, шўх худ комимга айт.

**Навоий —** Кўзимнинг нури кел. Тоза гулим кел!  
Кўнгул бодигида, сайроқ бўлбулим кел!

**Гули —** Кўриб гулзор ичида сизни ёлғиз.  
Сўроқсиз, индамай, мен беҳаё қиз,  
Кечиргайсиз, келишга жур'ат этдим.

**Навоий —** Кўнгул армони кел? Мақсадга етдим.  
Нечук безовтасан! Барвақт турибсан?

Малак янглиғ ўзинг танҳо юрибсан?

**Гули —** Саҳар чоғи туриб ширин газалдин.  
Эшитмак одатим бўлган азалдин.

**Навоий —** Қулоқ солдингми?  
**Гули —** Ёлғиз мен эмас, гул

Само, ер, коинот, афтода булбул —  
Бутун жонлик ва жонсиз тинглади жим.  
Фазалдин бу каби завқ олмаган ким?  
Фазалким, сўзлагай меҳру вафодин.  
Фазалким, сўзлагай ишқдин, сафодин.  
Фазалдин бу каби, завқ олмаган ким?

**Навоий —** Кўнгул илҳомчиси сенсен, азизим.  
Буларнинг барчаси сенга отолғон.

**Гули —** Худо билсин, сўзингиз, балки ёлғон.  
**Навоий —** Неҷук? Ҳўш?

**Гули —** Сўнғи чоғда камнамосиз.  
Фарид бечора мен ер, сиз самосиз.

**Навоий —** Ёнингда бўлмоқ орзум эртаю-кеч.  
Фақат, найлай, иложин топмадим ҳеч.  
Ариқ қозмоқдамиз, чўлларда иш кўп.  
Работу, мадраса, йўлларда иш кўп.  
Юмуш, дер, ердаги ҳар зарра тупроқ.  
Юмуш, дер, боғдаги ҳар тоза япроқ.  
Кимики бўлса инсон, бўлса одам  
Халойиқнинг гамин ейдур дамодам.

**Навоий** — Вафодорим, шунинг чун комнамоман  
Олур вақтимни бу ишлар тамоман.  
**Гули** — Алишер! Чинданам шерсиз. Буюк шер!  
Улуғ ишларни қилмоқ истагая эр,  
Бўлур шердай жасур, қайтмас изидин,  
Қилич келганда ҳам қайтмас сўзидин.  
Фақат кўбдур, эсиз, кўб душманингиз.

**Навоий** — Енгур зулматни нур, албатта, шаксиз.

**Гули** — Броқ, ҳозирча зулматнинг кучи кўп,  
Ҳақиқат нурини сўндиргучи кўп.  
Кеча кўрган эдим, мен бир ёмон туш  
. У тушни эсласам бошдин учар ҳуш...

**Навоий** — Нечук туш?

**Гули** — Сўрамангиз.

**Навоий** — Сўзла, аэзизим!

**Гули** — Тилим бормайди ҳеч, қалбим тўла бим...  
Ётибсиз ерда сиз қўл бўйни боғлиқ  
Ва сизни қўршамиш•бир, тўп пичоқлиқ.  
Ёзиб, мең, соchlаримни йиғлар эрдим.  
Жафо тифила бағрим тиғлар эрдим.  
Чўчиб уйғондиму, билдим баногоҳ  
Туш эркан. Шул маҳалдин нолаю оҳ  
Эзар бағримни қаттиқ, ўртанур дил,  
Мисоли ўтка тушкан бир узик қил...

(Навоий Гулининг сўзлоридан қаттиқ та'сирланади. Аммо  
та'сирланганини яширишга тиришиб, Гулини овитабошлиайди).

**Навоий** — Гулим, беҳудага безовта бўлма,  
Ўзингни қийнама, ғамларга тўлама.  
Дадил бўлсанг ваҳмнинг ранги сўлгой.  
Ишон, одатда тушнинг акси бўлғой.  
Мени шерсиз дединг, ёвлар қуёndур.  
Куёnlарнинг иши сенгга аёndур.

**Гули** — Дуруст, шерсиз .. фақат... занжири банд шер...

**Навоий** — (оят та'сирланаб, оғир).  
Ажаб, занжири банд шер, енгаман, дер.

**Гули** — Эсиз, мен сизни ранжитдим...

**Навоий** — Йўқ, асло!

**Гули** — Жаҳаннам ўтлари қашимда пайдо.  
Кўнгулда борини айтдим, нечора.

**Навоий** — Яширсам, айтмасам дил пора-пора...

**Гули** — Етар, бас! Чекма ғам! Кўнглингни шод эт!  
Севишган, баҳатиёр кунларни ёд эт!

**Навоий** — Мени девонани занжири банд қил.  
Қаро зулфингни бўйнимга каманд қил.

**Гули** — Висол ошиқ учун кундур у, тонғғи.

**Навоий** — Жафокаш айрилиқ тундур қоронғи.

**Гули** — Мени тун қўйнида қолдирманг асло.

**Навоий** — Фами ҳижрон ила толдирманг асло.

**Навоий** — Қилиб тўй, сўнг бўлурмиз бирга доим.

Сени күп күрмасин менгга худойим.  
Мени девона қилган нозанин ҳур,  
Малак сиймо, париваш, күзлари нур,  
Юзи гул, ла'ли хандон, тишлари дур,  
Насиб этсин худойим менга...

Ташқаридан овоз — Мансур!

Навоий — Бирор келди чамамда...

Гули —

Мен кетай...

Навоий —

Сабр.

Гули — Яна ҳижронга ташлаб қилмангиэ жабр.

Навоий — (ўзининг янги девонини Гулига тақдим этади).  
Ўқирсен.

Гули — (девонни олиб). Жон блан.

Навоий — Янгги битилган.

Сенинг ишқинг блан ўскан, етилган.

(Гули кетади. Навоий Гулини кузатиб чиқади. Абулмалиҳ кириб шипонгни йигиштира бошлайди).

Абулмалиҳ — Фурбатда ғаріб шодмон бўлмас эмиш.

Эл ангга шафиқу, меҳрибон бўлмас эмиш.

Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,  
Булбулга тикондек Ош'ён бўлмас эмиш.

(Мансур киради)

Мансур — Қани, байтингни қўй! Туш пастка!

Абулмалиҳ — Шошма!

Қулоқ сол бетамиз!

Хаддингдан ошма!

Абулмалиҳ — Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса  
Булбулга тикондек ош'ён бўлмас өмиш!

Мансур — Навоийдан.

Абулмалиҳ — Бали! Қандай бама'ни!

Мансур — Қафас зиндон әрур булбулга.

Абулмалиҳ — Я'ни —

Яшашдан юз аср олтин қафасда —

Яшаш афзал бир ой эркин нафасда!

Мансур — Бали! Калланг дуруст. Хўш, катта шипонг!

Абулмалиҳ — Муҳайё!

Соз.

Абулмалиҳ — Ҳали мудрар эди тонг.

Туриб мен ишта тушкан чоғда... тайёр. (Кетади).

Мансур — Бало ошпаз, бало. Ўлгунча айёр.

Ўзи қулваччаю идроки юксак:

Шу важдин кўб яқин шоирга бу сак...

„Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,

Булбулга тикондек ош'ён бўлмас эмиш”.

Қафасга тушмасин халқим, әлим дер

Вазир, олим, буюк шоир Алишер.

Бу шернинг панжасига панжа урмоқ,

Уруш дулдулларин майдонга сурмоқ  
Қийин иш... Беңаә Маждиддин эрса,  
Қулай пайт топсаю тез зарба берса.  
Хаәл, муфсид хаәл... Мен истамайман  
Евузнинг илкида ханжар бўлишни.  
Илоҳим билмасин умри сўлишни.  
Бу ше'р доҳосига минг йил умр бер!  
Бу элнинг фахридур, шоир Алишер.

(Кўлида қоғоз ўқиб Навоий киради.)

Навоий — Эшит, Мансур!  
Мансур — Бутун жисмим қулоқдур.  
Навоий — Юракдан.  
Мансур — Чунки у ше'ри бўлоқдур.  
Навоий — (ўқиади):

Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур,  
Не ажаб, чун, сарви нозим ўн сакиз ёшиндадур.  
Деса бўлгойким, яна ҳам ўн сакиз йил ҳусни бор,  
Ўн сакиз ёшинда мунча фитнаким, бошиндадур.

(Жомий кириб мароқ блан Навоийни тинглайди).

Жомий — Ўн сакиз йил демангиз, юз йил умр сурса нетовнг  
Ҳусн шоҳи, бу балоларким, кўзу қошиндадур.  
Навоий — Келинг пиrim! Келинг, мавлоно Жомий!  
Жомий — Ажойиб бир ғазал, дилбар, тамоми  
Сиҳрдор! Офарин!  
Навоий — Ортиқча мақташ.  
Жомий — Гуҳардур ҳар сўзи, ҳар ҳарфи оташ.  
Самимийдир сўзим.

Навоий — Раҳмат.  
Жомий — Ишингтиз?  
Навоий — Ёмон эрмас пиrim, севган кишингтиз  
Мадад бермакдадур.

Жомий — Шоҳ?  
Навоий — Балли, ҳар он.  
Жомий — Шаҳаншоҳ бир қадар ишратда.  
Навоий — Нуқсон.

(Навоий блан Жомий боғни айлангани чиқиб кетадилар.)

Мансур — Самимий икки дўст, бу икки доҳи,  
Ше'р осмонининг офтоби, моҳи.

(Маждиддин блан Мунажжим киради.)  
Буюрсинлар

Маждиддин — Қани, меҳмонларингтиз?  
Мансур — Келурлар. (Шипонгдан жой кўрсатиб.) Марҳамат!  
Маждиддин — Хўш.  
Мансур — Дам олингтиз.  
Маждиддин — (атроғни тамоша қилиб).  
Бу бир жаннат... У ким?

Мансур — Мавлоно Жомий  
 Маждиддин — Адоват, фитна, кин, найрангга ҳомий.  
 Мансур — Амир!  
 Маждиддин — Оғзингни юм! Құрқоқ!  
 Мансур — Амир!  
 Маждиддин — Күл!  
 Мансур — Гуноҳим?  
 Маждиддин — Ақли пас! Олтин, кумуш, пул  
                   Ва мансаб берсаму, ноз айласанг.  
 Мансур — Бас!  
                   Хақорат қилманғыз!  
 Маждиддин — Сен мисли бир хас.  
                   Кичик ел турса тез учгунг ҳавога.  
                   Ишим тушмай қосин сен бедавога.  
 Мансур — Амир, шафқат қилинг, мен мубталога.  
 Маждиддин — Навоий билмасин. Қолғунг балога.  
                   Қулоқ сол яхшилаб...  
 Мансур — Йўқ менда тоқат.  
                   Улуг шоир учун мендан садоқат —  
                   Зарурдир. Мен уни устоз дегавман.  
 Маждиддин — Дуруст Мансур, дуруст, содиқ экансан.  
                   Синаб кўрмоқчи бўлдим.  
 Мунажжим — Балли сизга!  
 Маждиддин — Қани бор, яхшилаб гул терчи, бизга!  
                   (Мансур та'зим блан чиқиб кетади.)  
                   Муғамбир, барибир тушгуси қўлга.  
 Мунажжим — Ҳали ёшдур, кейин киргуси йўлга.  
                   Не гаплар бор?  
 Маждиддин — Қиляч қўзғолди қиндан.  
 Мунажжим — Муҳаммад Ёдгор пойлар биқиндан.  
                   Секин! Келмакдалар.

(Навоий блан Жомий киради.)

Навоий — О... Марҳамат! Соз!  
 Жомий — Салом дўстлар!  
 Маждиддин — Салом, покиза устоз!  
 Мунажжим — (кўтарилиб келаётган қуёшни ва Жомий  
                   блан Навоийни кўрсатиб.)  
                   Фалакнинг халқумин соҳир сиқибдур:  
                   Қарангзиз, уч қуёш бирдан чиқибдур.  
 Жомий — Мунажжимлик,  
 Маждиддин — (Навоий блан Жомийни кўрсатиб.)  
                   Фақат анжумда кўзлар.  
 Навоий — Латофатлик, нуқул дурдона сўзлар.  
                   (Меҳмонлар: Ҳиротнинг олимлари, шоирлари, Султонали,  
                   Соҳибдоро, Ҳондамир, Беҳзод, Биноий ва Кулмуҳаммад бошлиқ  
                   созандалар кирадилар.)

Навоий — Азиэлар, хуш келибсиз! Балли! Раҳмат!  
Биноий — Бўлинг хушвақт, чекманг зарра заҳмат.  
Соҳибдоро — Қилиб оламшумул сан'атни бун'ёд  
Кетирмиш сизга туҳфа уста Беҳзод.

(Беҳзод та'зим блан, шоҳига ўралган расмни Навоийга узатади. Навоий расмни шипонгнинг устинига илади. Расм: чиройлик боғ. Навоий мармар ҳовуз бўйида, қўлига вазирлик асосини ушлаб турибди; олдида олтин тўлдирилган кумуш товоқ; атрофида очилган гуллар, шоҳида булбуллар. Ҳамма ҳайрат блан тамошо қиласди).

Биноий — Балли! Юз офарин сан'атга бундоқ!  
Соҳибдоро — Бу сан'ат оламида гавҳари тоқ!  
Маждиддин — Бу ноёб шоҳ асан!  
Мунажжим — Бу бир доҳодур!  
Қулмуҳаммад — Бу ўлмас му'жизал  
Хондамир — Умри бақодур.  
Навоий — Бу сан'ат шоҳининг бошига гултоҷ.  
Жомий — Асрлар бўлмиш әрди бунга муҳтоҷ.  
Биноий — Бу рангги лавҳани кўрган замони  
Бўлур минг қатла қул Беҳзодга Мони.  
Жомий — (сўз ўйини бошлайди).  
Узуб бир гулни, хоҳлардимки, боқсам.  
Бўлуб хурсанд ани чаккамга тоқсам.

(Ҳамма мороқ блан жилмаяди).

Маждиддин — Агар қўл чўзсангиз гулларга, бирдан  
Учиб кетмасмикин қушлар чамандан?  
(Кулишади).

Биноий — Пирим, қўлларни кўб қўзғатмасинлар:  
Алишер жаҳл ила сўз қотмасинлар.  
(Кулки кучаяди).

Навоий — Гўзал сўзлар учун, бу янгли дилдор,  
Азиэлар, шубҳасиз, арзийди минг бор,  
Ташаккур билдириб наққошингизга  
Нисор этсам, бу зарни бошингизга!  
Соҳибдоро — Кетирмиш ҳад'яким, Султонали ҳам,  
Бунингдек му'жиза ғоят бўлур кам.

(Султонали та'зим блан девонни Навоийга узатада. Навоий девонни очади, ҳамма тамошо қиласди).

Кулмуҳаммад — Гўзал! Ғоят нағис!  
Маждиддин — Минг бора яхши!  
Хондамир — Хиди анбардин ўткур.  
Навоий — Турфа нақши  
Музайян, жилвагар товус патидин.

**Мунажжим** — Аторуд дарс олур кўрса хатидин.  
**Жомий** — Газалларким демиши шоир Навоий  
 Муҳаббат аҳлининг тенгсиз давоий.  
**Биноий**, сиз недирсиэ?  
**Биноий** — Тўғри, ғоят  
 Гўзал, равнақ, нафис, олий ниҳоят.  
 Эрур жон озуғи ҳарбир ғазал, соз.  
 Фақат тил туркидур шул айби бироз.  
**Навоий** — Тағин сиз эски бахсни бошладингиз.  
**Соҳибдоро** — Арога ноўрин гап ташладингиз.  
**Биноий** — Ҳақиқий шे'р? фақат форсида бўлғай.  
**Соҳибдоро** — Бу сўздин сўзламанг, жоним ўтанғай.  
**Биноий** — Нафисдур форси тил, турки қўполдур.  
**Лазиздур** форси тил, турки тўполдур.  
**Навоий** — Емон тил, яхши тил йўқ, барча тил бир,  
 Улуғлар олдида бу гап эмас сир.  
 Жаҳонга шоҳ асарлар тақдим эткан,  
 Бутун дун'ёга шуҳрат, донғги кеткан.  
 Фақат форслар эмас, ҳиндулар, араблар.  
 Хитой, Юнон, бўлаклар ҳам. Бу гаплар  
 Аёндур кун каби. Биз сўзлаган тил  
 Шу тиллар синггари бойдур ва қобил.

(Мулозимлар блан Мўминмирзо киради).

**Мумин** — Салом!  
**Навоий** — Шаҳзода Муминга саломлар!  
 (Ҳамма шаҳзодага та'зим қиласди).  
**Мумин** — Салом эй, муҳтарам ширин каломлар!  
**Жомий** — Улуғ парвардигор бўлсун мададкор.  
**Абулмалиқ** — (Кириб). Азиزلар, марҳамат! Ноништа тайёр!

(Жомий бошлиқ меҳмонлар чиқабошлидилар. Узоқдан чопиб келган отларнинг туёқ товуши эшишилади. Саҳнада Навоий, Маждиддин ва Мунажжимдан бўлак ҳамма чиқиб кетади. Навкар киради).

**Навкар** — Шаҳриёр заминузамон, хусравий соҳибқирон, Абулғозий сulton Ҳусайн Баҳодирхон ташриф буюрурлар.

Навоий — Ажабо! Шаҳаншоҳ Богижоҳонорода истироҳатга машғул эди. Кутимаган бир фурсатда бунда келишларига не боис бўлди экан?

**Маждиддин** — Зиёфатингизга келган бўлимлари мумкин, амири.

(Бирнечча навкарлар блан ташвишли Ҳусайн Бойқаро кириб келади, ҳамма та'зим қиласди).

Навоий — Шаҳаншоҳнинг бунда ташриф буюришларидин ғоят хурсандмиз.

Ҳусайн — Миннатдорман, Алишер. Муҳим бир ҳодиса бизни бунда келишга мажбур этди.

**Навоий** — Улуғ миўзони не ҳодиса бозовта қилди экан?

**Ҳусайн** — Пойтахтда ис'ён! (*Ҳамма ҳаяжонда*).

**Мунажжим** — Ис'ён!

**Навоий** — Талаб ва мақсадлари?

**Ҳусайн** — Кечаги хирожни бекор қилишни талаб этар әмшшлар.

**Навоий** — Яна қандай хирож?

**Маждиддин** — Жаноби амирнинг хабарлари йўқ, Ҳирот бекларининг илтимосларига биноан халқдан янги хирож олиш борасида кеча фармони олий берилган эди.

**Навоий** — Бу халққа жабр эмасми, шоҳим?

**Ҳусайн** — Алишер, ҳозир бундай мулоҳизаларнинг фурсати эмас. Мен бунда ис'ёнга қарши чора кўриш бобида маслаҳатлашгали келдим. Муҳтарам амирлар не тадбирни маслаҳат кўрасиз?

**Маждиддин** — Фикри ожизимча, тездан ис'ёнчилар устига қўшун тортмоқ зарур.

**Навоий** — Менингча халқнинг ҳақли талабларига одилона қулоқ осмоқ лозим.

**Ҳусайн** — (асабийланади, бир қарорга келалмай *Мунажжимга мурожсаат қиласди*). Ҳўш, самовий мавжудотлар нимани талқин этадилар?

**Мунажжим** — Бугун кечаси, бешинчи фалакда Ноҳид юлдузининг авзори бузук кўринди. Самовий мавжудотлар қилич ялан-гочлаб қон тўкишин талқин этадилар, шоҳим.

**Ҳусайн** — Таангрим худди шу фикрни дилимга солиб турган эди. Мушкулимизни яна қилич ва қон ҳал этади. Мен у бебошлиларга Темур авлоди қиличининг қудратини яна бир бор кўрсатай!

**Навоий** — Халқнинг тақдирини Мунажжимларнинг шубҳали қур'аларига қараб эмас, балки ақл ва идрокнинг талабига кўра ҳал этмак зарур.

**Ҳусайн** — Мамлакатимизнинг ақли ҳисобланмиш, соҳиби тадбир, доно Навоийнинг букун басит ва саёз мулоҳизалар юритишининг боиси не бўлса экан?

**Навоий** — Шоҳим, дўстлик ҳурмати, мамлакатимиз ва салтанатимизнинг осойишталигидин бўлак муддаом йўқдур.

**Ҳусайн** — Алишер дўстлик ҳурмати, дейсиз... аммо дўстларимнинг дўстлари тахти-бахтимга чанг солсалар, мен энди кимга ишонай?

**Навоий** — Аччиқ фикрларнинг очиқ айтилмоғи яхши.

**Ҳусайн** — Ис'ёнчилар бошида мемор Жалолиддин турган эмиш.

**Навоий** — (*ҳаяжонда*). Уста Жалолиддин?

**Маждиддин** — Яқин дўстингиз, хунувк бўлубди.

**Навоий** — Халқ ҳақисизликка қарши бош кўтарар экан, унга кимдур раҳнамо бўлиши муқаррар. Бас, Жалолиддин бўлмаса бошқа бир кишивнинг ис'ёнга бош бўлиши ҳәттимолдин ҳоли эмас эди.

**Ҳусайн** — (захарханда блан). Улуғ Навоийнинг самимий маслаҳатлари учун ғоят миннатдормиз... Амир Маждиддин, беклар-

га хабар қилинг, ис'ёнчилар устига қўшун тортсинлар! (*Маждиддин чиқабошлийди*).

Навоий — Сабр! (*Маждиддин тўхтайди*). Шоҳим, мамлакатимизнинг асил фарзандлари тарафидин яратилмиш муҳташам бинолар, шифохоналар, кутубхоналар кул парча бўлсуя учун яратилганимди?

Ҳусайн — Мен учун тожи-тахни сақлаш ҳар нарсадин муҳим.

Навоий — Пойтахт тинчланмас экан, Ёдгорбек устидин гала-ба қозониш ва тожи-тахни сақлаш мушкул.

Маждиддин — Ўринсиз ҳавф.

(*Кўчадан чопиб келган от туёқларининг овози эшишилади. Ҳамма ҳаяжон блан қулоқ солади. Шошилганча Навкар киради ва ер ўпид та'зим қиласи*).

Навкар — Ёдгорбек пойтахтга кирди ва Бофизогон қал'асини ишғол этди.

Ҳусайн — (*ғазаб блан қилич сўғуради*). Нима? Қандай қилиб?

Навоий — Шоҳим, бундай мусибатларнинг чораси ҳаяжон ва ҳис блан топилмайди. Ҳарбир мушкуни ақл ва совуқ қовлилик ҳал қиласи. (*Пауза.*) Ёдгорнинг пойтахтга тез ва ўяграйтирилганлиги ғоят таажжуб.

Ҳусайн — Дарвоқе!

Маждиддин — Ҳарҳолда оғир мусибат юз бермиш. Ҳалқ бир ёқдин, шаҳзода Ёдгор иккинчи ёқдин. Икки оловга қарши бирдан чора кўриш мушкул. Фикри ожизимча, ҳозир Ҳиротдан узоқроқ кетиб турмоқ, куч йигиб сўнг Ҳирот устига юриш қилмоқ лозим ..

Ҳусайн — Фурсатни қўлдан бериш мумкин эмас!

Маждиддин — Бошқа чора йўқ.

Ҳусайн — Оғзингни юм, қўрқоқ! Чора топиш керак! Чора топиш зарур!

Навоий — Чора топилади, шоҳим.

Ҳусайн — Демак, Алишер, бизни фалокатлардин яна сиз қутқорасиз?

Навоий — Юртни тинччилиш ва Ёдгор Муҳаммадни даф' қилиш борасида бутун ихтиёри менга топширсалар.

Ҳусайн — Менинг номимдан истаган чорани кўра олурсиз.

Навоий — Ҳалқ ҳузурида, шаҳаншоҳ бутун кучини, юртни обод қилишга сарф этурлар дея, ва'да беришга ваколат сўрайман.

Ҳусайн — Хазинамдан ҳарқанча зар, ҳарқанча ақча бўлса юртнинг ободонлиги учун сарф этишга ва'да берамен.

Навоий — Менга бўлган ишончлари учун, ғоят миннадормен.

Ҳусайн — Оқ йўл, дўстим, тангри мададкор бўлсун! (*Алишер чиқабошлийди*.) Алишер, ҳар ҳамимолга қарши навкарлардин кўпроқ олинг!

**Навоий** — Гамхўрликлари учун миннатдормен. (*Кетади.*)  
Ҳусайн — Амир, бекларга хабар қилинг, қўшунни тайёр тутсунлар. (*Маждиддин та'зим қилиб чиқиб кетади.*) Яна ғавғо, яна ташвиш. На ўйқуда ҳаловат ва на турмушда роҳат. Тожиҳатни сақлаш нақадар мушкул.

**Мунажжим** — Бугун кечаси Ноҳиддан сўнг 6-нчи фалакда Муштарий юлдузи жилва кўргазди. Самовий мағжудотлар шаҳаншоҳнинг бахт ва саодатидин башорат бердилар.

**Ҳусайн** — Иншоолло, айтканинг келсин!

**Маждиддин** — (*кириб*). Буйруқлари бажарилди. Аммо Алишер навқарлардан ҳечкимни олмай, фақат Абулмалиқ блан жўнади.

**Ҳусайн** — Таажжуб. Ҳатто ис'ёнчи ҳалқ олдига ҳам ёлғиз ўзи боради.

**Маждиддин** — Авом шоиримиэни ҳурмат қиласди, шоиримиз ҳам авомнинг тилини яхши биладилар.

**Ҳусайн** — Кошки, бошка амирлар ҳам авомнинг тилини билса? Кошки ўзгаларни гийбат қилучилар ўз нуқсонларини ҳам билсалар! Доимо ҳовлиқасиз, хирож ҳақида ҳам ҳовлиқдингиз, бошимни айлантиргингиз... Мана, натижал!

**Маждиддин** — Шоҳим мени афв қиласинлар, бундай бўлишини ўйламаган эдим... (*Пауза.*)

**Ҳусайн** — (*астаюриб шипонгнинг иккинчи қабатига чиқади*). Сира тинчимади бу Алишер. Мен уни вазир қилдим... Бойликлар бердим... У эса, бойликларни ерга сочишни яхши кўрадиган бўлиб чиқди... Доимо сўзлагани ободонлик... Бу гаплар мени зериктирди. Мен ҷарчадим... Дун'ё бевафо, тожу-тахт бебақо... Атрофимни шубҳалар, сирлар дун'ёси ўраб олгандай. Ким дўст, ким душман, билиб бўлмайди. Юрак дардларини фақат май ва маҳбубларгина юпатади... У эса май ва маҳбубнинг лаззатидин маҳрум. Шу ёшга келиб бирор гўзални севгани ма'лум эмас... У foят қийматли, тадбиркор, мамлакат учун зарур одам. Зўр сан'аткор. Аммо... Бироз адашади.

**Маждиддин** — У сизни ўзи чизиб қўйган чизиқдин юргузмакчи.

**Ҳусайн** — (*қўй силтаб Маждиддинни тўхтатади*). У, нариги боғда юрган қиз ким?

**Маждиддин** — Ҳарам боб.

**Ҳусайн** — (*пастга тушади*). Сен тездан Ҳиротга жўна. Алишерга кўмак бер.

**Маждиддин** — Шоҳимнинг буйруқлари дарҳол бажарилур. (*Шоҳ кетади.*) Шаҳзода Ёдгор қал'ага кирди, марра бизники. Аммо Алишер бу гал ҳам шоҳга ўз сўзини ўтказиб кетди. Заарсиз. Шу топда шаҳаншоҳ бизга шундай бир восита топиб бердиким, у блан Алишернинг бутун дун'ёсини ағдар-тўнтар қилиб юбормоқ мумкин!

## ИККИНЧИ ПАРДА

### ИККИНЧИ КҮРИНИШ

Хирот. Шоҳ сарайи — аркининг иккинчи қабати. Тўғрида Ҳирот мадрасаси шаршиниг мақсли ғумбазлари эрталабки күёш нурида ярқираб кўринмоқда. Эшниклар ёнида қуролли соқчилар. Орқадан, пастдан ис'ёнчиларниг шовқини эшитилади. Аркда Шайхулислом, амир Музффар, амир Қутбиддин, хўжа Убайдулло яна бошқа беклар, амалдорлар.

Шайх улислом — Халойиқ, сабр қилинг! Сабрсизлик бандай мўмин учун куфур. Тирикчилигингизни ташлаб ис'ён қилиб юришдин не фойда? (*Шовқин кучаяди*).

Овозлар — Насиҳатни қўйинг! Сабрнинг ҳам чегараси борда!

Музффар — Халойиқ, шошманг! Шаҳаншоҳдин фармон келсин, шунга қараб иш кўрайлик.

Овозлар — Шоҳ фармон ўрнига устимизга қўшин тортади. Очиқ жавоб беринг хирожни бекор қиласизми, йўқми!

Музффар — Халойиқ, ўзингиз ўйлаб кўринг, хазина бойисаким бойийди? Мамлакат бойийди. Юрт обод бўлади!

Жалолиддин — (халқ ичидан). Бекор гап! Солиқлар кўпайган сари юрт хароб бўлмоқда. Хазинани бойитаман деб халқни гадо қилдингиз. Инсоф керак, амир, инсоф! Ушур, деб оласиз. Улоғ, деб оласиз. Мол пули, деб оласиз. Жон пули деб оласиз. Куш пули, деб оласиз. Миробона, деб оласиз. Доругона, деб оласиз. Бекларниг ерига ишлатасиз. Буларниг устига ой сайин янги хирож. Ахир инсоф борми?

Шайх улислом — Уста Жалолиддин сиздек одамдин халқни тинчтиш ўрнига, ғалаёнга солиш лозимми?

Овозлар — Уста Жалолиддин тўғри айтади. Бир тўда асилизодаларниг кайфи-сафоси учун, халқ хонавайрон бўлмоқда. Халқ оч! Яланғоч!

Музффар — Халқ оч бўлса, худодин тиласин. Емон йўлдан қайтсин. Ҳудо итоатлик бандасига беради. Бебошларга не берар эди? (Халқда ғалаён авжига чиқиди).

Овозлар — Ур инсофларни! Ур!

(Аркка тош, калтак ёғилади. Беклар ичкарига қочадилар. Аламон аркка ҳужум қилади. Дарвазаларниг тарақлагани, занжирларниг шарақлагани, қилич ва калтак овозлари эшитилади. Ўнг томондаги эшикдан бир гала соқчи, қиличлашганларича ичкарига чекиниб кирадилар. Аркдаги соқчилар қилич яланғочлаб уларга кўмаклашадилар. Соқчиларни қўвиб Турдибой, унинг орқасидан бир тўда қуролланган аламон киради. Ба'зиларида қилич, ба'зиларида калтак. Турдибой ғоят чакқон уришади. Соқчилар тоб бералмай чекинабошлийдилар. Шунайтса Навоий киради. Ёниса қўрқсан Абулмалиҳ.)

Навоий — Тўхтанг! Бас қилинг! (Аркда жсанг тўхтайди. Аммо орқада ҳамон шовқин. Жалолиддин кириб Навоийга та'зим қиласиди. Сўнг тез аркниг чекасига боради.)

**Жалолиддин — Оғайнилар, бас қилянг! Бас! Алишер Навоий келдилар! (Халқ жимийди. Навоий аркнинг олдига боради. Халқнинг жимиганини эшишиб, ичкаридан амирлар, беклар чиқади.)**

Навоий — Азиз фуқаро! Шаҳаншоҳдин фармон келтиридим. Биздин bemаслаҳат, Ҳирот беклари тарафидин ноҳақ солинган хирож бекор қилинди.

**Чол —** Бу хирож бекор қилинадио, орқасидан янгиси чиқади! Шоҳнинг фармонига ишонмаймиз. Одатда бундай фармонлар фуқарони алдаш учун чиқарилади.

Навоий — Ҳалойиқ! Бу фармоннинг ростлигига мен кафилман.

**Жалолиддин —** Агар, шоир Навоий кафил бўлса, инонмоқ керак!

**Овозлар —** Бизга ғамхўрлик қилган шоир Навоийнинг умри узоқ бўлсин! Омин!

Навоий — Азиз фуқаро! Бундан сўнг биз юртни обод қилиш блан шуғулланурмиз.

Чол — Шоир Навоийнинг самимий орзуларига инонурмиз. Аммо бу орзуларнинг рӯёбга чиқишига имонимиз комил эмас. Сиз яккасиз. Сиз битта мадраса қуурсиз. Аммо, ўзаро қирғинлар туфайли минглаб хоналар вайрон бўлур. Сиз битта ариқ чиқарурсиз, аммо сувсизлик балосидан юзлаб қишлоқ ҳароб бўлур. Бизнинг замонамизда юртни обод қилмоқ орзуси афсонадур. Бизга афсоналар тасалли бералмас. Ҳалққа бўлаёткан зулмлар камайтирилсин. Бузук амалдорлар жазолансин.

Навоий — Шаҳаншоҳнинг фармонларига мувофиқ ҳалққа ноҳақ солиқ солган хўжа Музаффар, хўжа Қутбиддин, хўжа Убайдулло ўз жиноятлари учун зиндонга солинур.

Овозлар — Бу ози Ҳусусан хўжа Музаффар учун ози! У кўп begunoҳларнинг ёстугини қуритди! Эрларимизни зиндоңда чиритди. Ҳиротда унинг қамчисини емаган одам ўйқ. Қасос тилаймиз! Қасос! Музаффарга ўлим! Музаффарни қўлнимизга топширинг, амир! (Навоий бундаи талабни кутмаган эди, оғир ваз'иятга тушади. Ҳамма ундан жавоб кутади. Оғир жимлиқ).

Навоий — Майли, ҳалойиқ, сизнингча бўлсун!

Овозлар — Адолатингизга балли, амир! Мартабангиз бундан ҳам зиёда бўлсун! Музаффарни олиб чиқинг! Музаффарга ўлим! (Беклар таҳликада, Турдивой қилич ялангочлаб Музаффарга яқинлашади. Шайхулислом унинг йўлини тўсади.)

Шайхулислом — (газабли). Амир Алишер, ўйлаб иш қилинг.

Навоий — Тақсир, ҳалқнинг талаби ҳақ, деб ўйлайман.

Шайхулислом — Шаҳаншоҳдин беижозат бундай мас'ул ишларни қилишга қандай жур'ат этасиз?

Навоий — Шаҳаншоҳ Ҳиротда адолат ва осойишталик ўрнатиш учун менга ваколат бердилар.

Музаффар — Бу адолат эмас.

Қутбиддин — Бу хиёнат.

Убайдулло — Бу жиноят!

**Навоий —** Мазлумнинг додига етиш ва золимни жазога мустаҳиқ қилишни адолат, дейдилар, азизлар.

**Музaffer —** Менинг аслзода эканимни унутманг, Алишер!

**Навоий —** Сиз умрингизда бирор савоб иш қилганмисиз? (*Музaffer жим.*) Бирор жойга ариқ чиқарганимисиз?

**Чол — Йўқ.** Аксинча ариқларни бузган.

**Навоий —** Бирор туп дараҳт ўтқазганимисиз?

**Турдивой —** Асло! Аксинча минглаб дараҳтни кескан.

**Навоий —** Бирор қудук қавлаганимисиз?

**Чол — Йўқ.** Мутлақо! Юзлаб қудуқни қуриған.

**Навоий —** Сатқаий аслзода кетинг! Сиз аслзода эмассиз.

**Чол —** Рост айтасиз! Офарин!

**Халқ —** Музafferни олиб чиқинглар! (*Музaffer даҳшатда.*)

**Музaffer —** (*Навоийнинг оғигига ташлануб.*) Улуғ амир, адолат кўкининг офтоби, шафқат қиливг! Хато қилибман, кечириңг! Ўғлимнинг сизга қилган содик хизматлари ҳақи, меня қуткоринг!

**Навоий —** Ҳукмни халқ чиқарди. Халқ ҳукми худо ҳукми!

**Музaffer —** Алишер, қўрқинг, сизни қон тутади. (*Турдивой, Музafferни олиб чиқиб кетади.*)

**Навоий —** (*қолган бекларга ишора қилиб.*) Ёсовул боши, буларни тезда зинданга элтинг.

**Шайхулислом —** Демак, жанобларининг ҳукми жиддий?

**Навоий —** Тақсир, салтанат ишларида ҳазил бўлмайди.

**Убайдулло —** Ҳукмингиздин норозимиз, амир! (*Навкарлар бекларни олиб чиқиб кетади.*)

**Шайхулислом —** Мен шунчаки сиёсат деб ўйлаган әдим.

**Навоий —** Қалбакилик инсонни бебурд қиласди, тақсир.

**Жалолиддин —** (*кулиб*), Ҳарким ўз қаричи блан ўлчайди, амир, тақсиримнинг самимий мулоҳизаларидин ранжимасангиз ҳам бўлади. (*Шайхулисломга.*) Узр, тақсир.

**Шайхулислом —** Улуғ амир, бегзодаларни жазога мустаҳиқ этиб, гайри шар'ий иш қилдингиз, янгилишдингиз.

**Навоий —** Янгилишган бўлсанм, худо мени кечиради. Менингча олтмиш йил қуриқ тоат, ибодат қилгандин кўра бир соат одил, бўлмоқ, савоблироқдур.

**Шайхулислом —** Билмадим, шаҳаншоҳ, бундай ношар'ий ишларга нечук розилик берди экан. (*Кетади. Турдивой киражи.*)

**Навоий —** (*Шайхулисломнинг орқасидан қараб.*) Шарнат, адолат дейдилар. Аммо адолат ўрнатиш пайти келганди, золимларга ён босиб, шариатни ҳам, адолатни ҳам бузадилар.

**Жалолиддин —** Улуғ шайх Са'дий яхши айткан: имлига амал қилмайдиган муллодан, устига китоб ортилган эшак афзал. (*куладилар.*)

**Навоий —** Жуда қаттиқ кетдингиз уста Жалолиддин. Мен Султонимизнинг ўнг қўл вазири бўлишим муносабати блан, Шайхулисломимизнинг ша'нларига айтилган бу сўзларингиз учун сизнинг бошингизни олишим лозим.

**Жалолиддин** — Ҳали ҳам бошим улуғ шоиримизнинг ихтиерларида.

**Навоий** — Раҳмат. Мен сизнинг шу садоқатингизга ишониб, сизга муҳим бир иш блан келдим.

**Жалолиддин** — Ҳарқандай муҳим ишлари бўлса ҳам тайёрман.

(*Навоий ма'нолик қилиб Абулмалиҳга қарайди*)

**Абулмалиҳ** — Қани, биродарлар, кимки ҳалқ терисини шилган золимнинг териси қандай шилинишини тамоша қиласман деса, тездан бозор майдонига борсин. (*Ҳалқ қулиб чиқиб кетади, соқчиларга.*) Оғайнilar, аввало бизни қўриқлашга ҳожат йўқ, мабодо қўриқламоқчи бўлсаларингиз, эшикка чиқиб, сиртдан қўриқланг. (*Соқчилар чиқиб кетади*).

**Навоий** — Букун тонг блан, Муҳаммад Ёдгор, тўсатдан Бозоғон қал'асига кириб олибди.

**Жалолиддин** — У шуҳратпастни қал'адан қувиб чиқармоқ лозим.

**Навоий** — Қал'ани куч блан олиш қийин, бу ишда тадбир керак.

**Жалолиддин** — Мен қал'анинг қувирларини тузатканман. Қал'а ичига яширин кирадиган йўлларини яхши биламан.

**Навоий** — Жуда соз, ундан бўлса тўғри қал'ата жўнаймиз. (*Кулиб.*) Сиз ме'морсиз, мен шоир, жаноблари ошпаз. Қал'ани паркор, қалам ёки капир блан олиб бўлмаса керак. Бинобарин ҳар эҳтимолга қарши битта қилич соҳиби ҳам керак.

**Жалолиддин** — Қилич соҳиби ҳам бор. (*Аркнинг чекасига боради.*) Турдибой! Ҳо, Турдибой! Бу ёққа чиқинг!

**Навоий** — Бу қайси Турдибой? Ҳалиги донгги кеткан жангчими?

**Жалолиддин** — Ҳа, бутун насли жанг майдонида ўткан донгдор қиличбоз. (*Турдибой кириб та'зим қиласди.*)

**Навоий** — (*Турдибойга.*) Мен, гарчи, сизни бу кунга қадар кўрмаган бўлсан ҳам, донгизни кўпдан эшитканман. Ҳали бу ерда қилган қиличбозлигинизни кўриб ичимда усталингизга таҳсиллар ўқудим. Бу сан'атни кимдан ўргангансиз?

**Турдибой** — (*уялинқираб*). Отамдан. Отам раҳматлик Мирзо Улуғбек ҳуэурида хизмат қилиб, жанг майдонларида донг чиқарган экан. Мен султон Абуса'ид, сўнг Султон Ҳусайн қўшинида навкарлик қилдим... (*Гурурланиб.*) Султон Ҳусайнни икки мартаба ўлимдан қутқорғанман. Кейинги вақтларда қўшиндан бўшаб, тирикчиликка киришиб кетдик. Тақсир, узр, фуқарочилик, адолатсизликка қарши яна тиф кўтаришга тўғри келди.

**Навоий** — Боракалло! Сиз, биз блан муҳим бир ишга борасиз.

**Турдибой** — Тақсир, қилич блан битадиган иш бўлса, мени тўғри қиласиз, илинди қўйилмайди. Сизнинг қўлингизда қалам қандай ўйнаса, бизнинг қўлимизда ҳам қилич худди шундай ўйнайди. (*Киличини ғилоғидан суғуриб, тобини кўради.*) Оғайнин яна сенга ишимиш тушадиган бўлди. (*Киличини Навоийга уза-*

*тиб).* Тақсир, кўринг, қадимий қилич, отам раҳматлик берган-  
Отамга бобомдан мирос қолган экан.

**Навоий** — (*қилични кўриб*). Неча-неча амирлар, беклар учун  
қон тўйкан қилич. (*Қилични Турдибойга бериб*.) Маҳкам ушланг!  
Энди сиз, бу табуррук қилич блан давлатимизни, салтанатимизни,  
мамлакатимизни ва унинг сан'атини ҳимоя қилинг! Қани дустлар,  
кетдик.

(Эшикка қараб йўл оладилар. *Ховлиққанча Мансур киради*).

**Мансур** — (*айғлаб Навоийнинг оёғига ташланади*). Улуғ  
амир, отамни қутқоринг! Сизга қилган ҳалол хизматларим ҳақи,  
мени етим қолдирманг.

**Навоий** — (*та'сирланиб, насиҳатомиз сўзлайди*). Хизмат-  
ларнингдан миннатдормен, Мансур. Аммо не чора? Ўзингни маҳ-  
кам тут, мард бўл. (*Мансурдан бўлак ҳамма чиқиб кетади, Маждиддин киради*).

**Маждиддин** — Энди қалайсан, нодон.

**Мансур** — (*айғлаб*). Нима қиласай амир, Алишердан илтимос  
қилсан...

**Маждиддин** — Аҳмоқлигинг шуки, Алишердан илтимос ки-  
ласан.

**Мансур** — Бўлмаса сиз кўмак беринг!

**Маждиддин** — Вақт ўтди. Отангни қутқоролмайсан. Аммо  
ҳақиқий фарзанд бўлсанг отангнинг қасосини олишинг керак!  
(*Мансур лол*).

### Парда

#### Учинчи Кўриниш

Навоийнег ишхоналаридан бири. Навоий иш блан машғул. Енида Турди-  
бой ўтирибди. Пауза. Сўнг Навоий Турдибойга ше'р ўқиб беради.

**Навоий** — Жаҳон ганжига шоҳ эрур аждаҳо,  
Ки, ўтлар сочар қаҳриҳангомида.

Анинг коми бирлан тирилмак эрур  
Маош айламак аждаҳо комида.

Я'ни, шоҳ жаҳон бойлигини ўраб ёткан аждаҳодурким, қаҳри  
келганда оғзидан ўтлар сочур. Подшонинг марҳаматидин баҳраманд  
бўлмоқ, аждарнинг оғзидан таом емак блан баробар тур.

**Турдибой** — Бали! Жуда яхши айтибисиз. Аммо, шаҳаншоҳ  
бу байтингизни ўқиса, дарғазаб сўлмайдими?

**Навоий** — Мен буни, бошқа золим шоҳлар тўғрисида ёздим.  
Бизнинг Мирза эса мурувватли шоҳдур.

**Турдибой** — Афсуски, ҳозирга қадар мурувватини кўрмадик.  
Тақсир фуқарога шоҳларсиз мурувват кўргазишининг йўли йўқми?

**Навоий** — Йўқ, албатта. Мамлакат бир боғ бўлса, шоҳ боғ-  
бондур. Боғ боғбонсиз ҳароб бўлур.

**Турдибой** — Боғбоннинг ҳам ҳили бўлади.

Навоий — Шубҳасиз, ёмони ҳам бўлади, яхшиси ҳам.

Турдигой — Менингча, Султон Ҳусайн яхши боғбонлардан эмас. Тақсир, наҳотки мамлакат учун Ҳусайн Бойқародан бўлак одилроқ, муруватлироқ шоҳ топилмайди? Нима учун сиз, уни яхши кўрасиз?

Навоий — Ҳозир барҳаёт бўлган, Темур шаҳзодаларидан энг тадбиркори, энг қобили ва энг муносаб соҳиби таҳт, шубҳасиз Ҳусайн Бойқародур. Агар сиз блан биз мамлакатимиз ва давлатимизнинг манфаатларини кўзда тутар эканмиш, шаҳаншоҳга мадад бермоғимиз ва унинг хизматида бўлмоғимиз лозим. (Пауза.)

Турдигой — Тақсир, бошимга яна бир фикр келди, сўрасам айбга буюрмайсизми?

Навоий — Марҳамат.

Турдигой — Эсимни танибманки, кўрганим уруш, эшиткам ним жанг. Нега одамлар доим низо' қиласидилар?

Навоий — О, сиз жуда қийин савол бердингиз. Инсоният бу саволга неча-нечча асрлардан бўён жавоб бералмай келади. Мен сизга бир ҳикоя келтирай. Рум мамлакатида бир фойласуф гадо, ўзининг чуқур мулоҳизалари блан шуҳрат қозонди. Унинг шуҳрати Искандар Зулқарнайн қулоғига етди. Искандар гадони саройга келтирди. Гадо икки қўлига икки суякни ушлаб олиб, доим уларга тикилар эди. Искандар: „Бу суяклар нима?“ — деб суради. Гадонинг жавобидан ма'лум бўлдики, суякларнинг бири шоҳнинг ва яна бири гадонинг гўридин олинган экан. Искандар: „Буларни нечун кўтариб юрибсан?“ деди. Гадо: „Шоҳим, қаранг, буларнинг қайсибери шоҳники, қайсибери гадоники, билиб бўлмайди. Ўлгандаку иккиси ҳам бир экан, нечун тириклида низо' қиласидилар?“ деди. Искандар жавоб айтольмади. Гадо қўйган бу сўроққа Искандар замонида ҳам, ундан сўнг ҳам ҳечким жавоб беролмади. Ҳарким ўзича ҳал қилиб кўрди, аммо ватижасиз бўлиб чиқди. Мен ҳам ақлим киргандан бери шу ҳақда ўйлайман.

Турдигой — Менинг фикримча, бу саволни сиз ҳал қиласиз. У куни, Шайхулислом блан беклар чулдирашиб, ҳалқни ҳеч тинчтаолмадилар. Сиз келдингизу низо' тугади. Шу, нега ўзингиз шоҳ бўлиб қўяқолмайсиз? (Навоий кулади. Мансур кириб ерга ташланади, йиглаб Навоийнинг этагини ўпади).

Мансур — Пирим, афв айлангиз, баҳти қарони,

Фариду, хастадил мотамсарони.

Саховат важҳига хотам эрурсиз,

Отамнинг ўрнига отам эрурсиз.

Навоий — Тур ўрнингдан, етар, ёшингни тий, арт.

Оғир дард, шубҳасиз, дардинг оғир дард.

Мансур — Даво истаб, пирим, келдим.

Навоий — Не бирлан

Сенга ёрдам берай?

Мансур — Четламангиз, ман —

Қолай аввалгидек, даргоҳингизда.

Бўлай аввалгидек, фармонингизда.

Навоий — Нечук? Мен ранжитиб эрдим сени?

Мансур —

Ҳеч!

Унудим, англадим, гар бўлса ҳам кеч.  
Адолат олдида эгдим бошимни  
Ҳақиқат йўлида тўқдим ёшимни.  
Бали, Мансур! Бали. Раҳмат ташаккур.  
Адолат кўкида мавж айлаглан нур  
Ёритмиш фам блан тўлган дилингни,  
Ҳақиқат мадҳига бурмиш тилингни.  
Унумта ҳеч қачон: офтоб мисоли,  
Адолат барчадин афзал ва олий!  
Ташаккур, розиман, қол истасанг.

Мансур —

Оҳ,

Саодат йўллади мен қулга оллоҳ!

Жалолиддин — (Ташқаридан). Турдибой!

Навоий — Жалолиддин келди. Ҷақириңг, кирсин!

(Турдибой блан Мансур чиқиб кетади. Жалолиддин киради).

Навоий —

Келинг!

Жалолиддин —

Раҳмат.

Навоий —

Қалай, пул олдингизми?

Работ, ҳаммом томон кўз солдингизми?

Жалолиддин —

Битибдур беш работ ҳам учта ҳаммом.

Бир-икки ердаги ишлар чала, хом.

Бўлак ерларда кўп тўхтатлганим йўқ.

Саройга бордиму, пул олганим йўқ.

Сабаб? Қандай қилиб?

Навоий —

Берганлари йўқ.

Жалолиддин —

Шаҳаншоҳнинг, деди, олтин, зари йўқ.

Навоий — Ким айтди? Қайси ит?

Жалолиддин —

Маждиддин.

Навоий —

Аблаҳ!

Шаҳаншоҳ бехабар!

Жалолиддин —

Шундай демиш шоҳ.

Халқ оч, иш оғир, қўллаш керакдур.

Ариққа пул, озиқ йўллаш керакдур.

Тетик, зийрак, улуғ, доно ҳалойик.

Баҳо бергай билиб ҳаркимга лойиқ.

Шаҳаншоҳ алдару, аммо Алишер —

Навоий алдамас, бизларни ҳеч, дер.

Навоий алдамас, дил пора-пора —

Тилинсун, барибир топқуси чора!

Навоий —

Муҳамад Едгор не бўлди?

Навоий —

Сўнг бор

Сўроқ бергай букун... Иш катта. Маккор

Яширмоқчи буюк бир сирни.

Жалолиддин —

Я'ни?

Навоий —

Сарой атрофидин бир тўп бема'ни

Амирлар у блан, фаҳмимча, зимдан

Алоқа боғлаган, тушкай изимдан  
Дея безовтадур Маждиддин айёр.  
Жалолиддин — У ҳарқандай қабиҳ ишларга тайёр.

(Ёнидан хат чиқарыб Навоийга беради).

Мана мен құлға бир мактуб тушурдым.  
Мұхаммад Едгордан унга.

Навоий — (Хатни үқиб).

Аблах!  
Сир очилди! Бугун, қилғум хабар, шоқ  
Совурғай кулларин күкларга, шаксиз!  
Жалолиддин — Қолишин истамас Мирзо әшаксиз.

### П а р д а

### ТҮРТИНЧИ КҮРИНИШ

Султон Ҳусайнинг ишратхонаси. Фоят безакли бир уй. Май қуйилған олтин  
күзәлар, күмуш пиёлалар, ишрат асблори, нозу-ни'матлар мұхайді. Маждиддин  
блан Шайхулислом шахмат ўйнаш блан машғул. Мунажжим тамошо қил-  
мекда.

Шайхулислом — Хүш, сұнг нима бўлди?

Маждиддин — Бошини олдириб юбордим.

Шайхулислом — Сир ошкор бўлмадими?

Маждиддин — Одатда жонсиз бошлар сир айтишдан маҳ-  
рум бўлади, тақсир.

Шайхулислом — Бали! (Маждиддин дона суради. Шай-  
хулислом жавоб қилди.) Кишит!

Мунажжим — Э, асб кетди тақсир!

Шайхулислом — Э... Э... ғалат, филингизни кўрмабман.  
(Кайтадан дона суради.)

Мунажжим — Тақсиримнинг юлдузлари ғафлат буржига  
қолибди.

Маждиддин — (дона суреб). Кишт!

Мунажжим — Мот!

Шайхулислом — Э... Э... ғалат... ғалат, сабр қилсинглар!

Мунажжим — Тақсиримнинг юлдузлари нахс буржига  
кирди.

Шайхулислом — (жакали чиқади). Маевлоно, ҳамма нарсага  
ҳам юлдузми? (Маждиддинга). Хўб, яхши қайтадан.

Маждиддин — Қўйинг тақсир, сатранж ҳам жонга тегди,  
ҳа деб қолаберасиз.

Шайхулислом — Нимага ҳа деб қолаберар эканман! Нима,  
жавобларини қолдирмай юрганимидим!

Маждиддин — Ҳазил тақсир, ҳазил...

Мунажжим — (Шайхулисломга қадаҳ сўниб.) Мана тақ-  
сир, жиндак нафасларини ростлаб олсинлар.

Шайх улислом — (майни ичади). Ҳа, энди, сатранж тахтасида дона суриб доим адашасиз.

Мажиддин — Тақсир, ўйинда адашилади, яна тузатилади, унинг аҳамияти йўқ. Гап ўйиннинг оқибатида.

Шайх улислом — Ҳар нечук Алишерни мот қилиш мушкул кўринади.

Мажиддин — Ташвиш қилмасинлар тақсир, бугун Алишерни албатта мот қиласиз.

Шайх улислом — Бу гапларни беш йилдан бери сўзлайсиз.

Мажиддин — Тақсир, ҳозир қўлимизда шундай ҳужжатлар борки, уларнинг қаршусида, Алишер аждаҳонинг дамига тортилган жонвордек сиҳрланмай иложи йўқ.

Шайх улислом — Қандай ҳужжатлар?

Мажиддин — Мансур букун бирталай ҳужжат қелтириди. Буларнинг ичида Алишернинг шаҳаншоҳга ва жанобларига қарши ёзишган кўп қабиҳ ше'лари бор.

Мунажжим — Баҳай!

Шайх улислом — Қани?

Мажиддин — Сабр қилсинлар, вақтида кўрасиб...

Шайх улислом — Булар блан бир иш чиқариб бўлармикан?

Мажиддин — Булар блан чиқмаса бошқаси блан чиқади.

Шайх улислом — Хўш?

Мажиддин — Балхдан мактуб бор. Дарвиш Али салтанатга қарши бош кўтарибди.

Шайх улислом — Йўғе!

Мунажжим — Ҳаққос рост. Ўткан кечада, бешинчи фалакда Ноҳид юлдузининг авзой бузуқ эдя.

Шайх улислом — Бу ишда Навоийнинг қўли йўқмикан?

Мажиддин — Бор деб ҳисоблаймизда, тақсир.

Шайх улислом — Бали! Ана энди Алишерга кишт берсангиз бўлади.

Мажиддин — Агар бу ҳодиса шаҳаншоҳга яхшилаб уқдирилса...

Шайх улислом — Иншоолло уқдира билурмиз...

Мажиддин — У ҳолда мот кишти бўлади.

Мунажжим — Бали!

Мажиддин — Фақат юра билиш лозим: муомила силлиқ бўлсун, сўзингиз ҳарқанча аччиқ бўлса, овозингиз шунча майнин бўлсун, ғазабни табассум блан, ғаразни хушомад блан яширинг, ана шунда омадингиз келади. (Абулвосе' киради.)

Абулвосе' — Мана, омадингиз келди, тақсир. Ассалому алайкўм.

Мажиддин — Ваалайкўм ассалом. Келинг мавлоно Абулвосе'

Шайх улислом — Мавлоно кеч қолдилар. Латифаларингизга муштоқ бўлуб ўтирибмиз.

Абулвосе' — Атрофингиз латифаларга тўлуғ бўлган чогда, менинг латифаларимга муштоқ бўлуб ўтирганингиз қизик, тақсир.

**Шайхулислом** — Қизиқларнинг кўзига ҳамма нарса ҳам қизиқ бўлуб кўринади шекиллик.

**Абулвосе'** — Тақсирим каромат қилдилар, қизиқларнинг кўзига тақсиримнинг май ичиб ўтириши ҳам қизиқ кўринади.

**Мунажжим** — Бу май тақсиримнинг муборак соқолларида сувилган, шар'ий май! (*Кулишади*).

**Шайхулислом** — Бу гапларни қўйинг. Мен ҳаммадан ҳам улуғ шовримиз, амир Низомиддин Алишер Навоий ҳазратлари ҳақидаги латифаларингизни завқ блан тинглайман.

**Абулвосе'** — Ҳо, тақсир, биз Алишердан куламиз, Алишер биздан кулади, ким ҳақ, ким ноҳақ, тангрининг ўзи билади.

**Маждиддин** — Биз ҳақмиз. Бундан сўнг Алишер устидан кулаберамиз.

**Абулвосе'** — Кула-кула ўлмангиз. Очилмасдан сўлмангиз. Юрагингиз тор экан, ҳасадлари бор экан, қон ичишга зор экан. қилингиз кор экан, ишингиз мурдор экан... (*Ҳамма кулади*).

**Маждиддин** — Э, бўлди, фолбинга ўхшаб жаврамай ўлинг, нима бало мени кўчиришга келдингизми? (*Кулка*).

**Абулвосе'** — Кўчир десангиз кўчирабераман, ранги-рўйнингизни ўчирабераман. (*Кулки кучаяди. Ҳусайн киради. Қулки тўхтайди. Ҳамма ўрнидан туриб та'зим қиласди*.)

**Ҳусайн** — Ўхӯ, базми жамшид қизиган эканда, кулкиларингиз осмони фалакка кўтарилимоқда.

**Маждиддин** — Кулкимиэннинг осмони фалакка кўтарилиб, қўёшнинг қулогига етканидин ғоят хурсандмиз. Мана, қуёш фалакдин ёнимизга тушдилар.

**Ҳусайн** — Қуёшсиз ҳам базмларинг равшан кўринади.

**Маждиддин** — Қуёшнинг нурисиз, базмимиз доим қоронғу...

**Абулвосе'** — Бир ҳисобдан қоронғу бўлгани ҳам дуруст... Бўлмаса, қуёшнинг ғруғида иблислигимиз билиниб қолади. (*Кулки. Утирадилар*.)

**Маждиддин** — Шоҳим нима истайдилар?

**Ҳусайн** — (*кулиб*). Иблиснинг қўлидин бир пиёла шароб исчам.

**Маждиддин** — Жоним блан шоҳим. (*Май қуйшиб*.) Аммо қулларининг бир гуноҳини кечирсалар, сўнг қадаҳ сўнсам.

**Ҳусайн** — Қандай гуноҳ?

**Маждиддин** — (*қадаҳ сўниб*). Улуғ вазир Алишерга, ариқ ишлари учун, хазинадин ва'да қилинмиш тўрт туман оқчани, ул жаноб юбормиш кишига бермадим.

**Ҳусайн** — (*жашли чиқади*). Менинг фармонимни бузишга қандай жур'ат қилдянг!

**Маждиддин** — Шоҳим, Алишер ҳархил иншостлар, деб, ҳазинани адо қилди. Хазинада тўрт туман эмас икки туман ҳам йўқ.

**Ҳусайн** — Бекоргап?

**Маждиддин** — Менинг Алишерга ҳечқандай шахсий гарзим йўқ... Аксинча, Алишернинг ше'р бобидаги исте'додига тан берамиз... Аммо биздек ожиз қуллари учун, ҳарнарсадин азиз ва мутабар сиз эрурсиз.

Ҳусайн — Муддао нима? Ҳушомадларни әшитаберіб қулоқ-ларим кар бўлган! Нима демоқчисен?

Мажиддин — Алишер, тахтингиз атрофида айланайб юрган заҳарли илов.

Ҳусайн — Ифво! Ҳасад! Алишер ҳеч қачон менинг забун бўлишимни истаган эмас. Мен Алишерсиз, тебраниб турган тахтимни идора қилолмаймен.

Мажиддин — Шоҳим, агар тахтингизни тебратиб турган Алишернинг ўзи бўлсанчи?

Ҳусайн — Ҳасад! Ифво!

Мажиддин — (шоҳга мактуб узатади). Мана Балхдин мактуб бор.

Ҳусайн — (хатни ўқиб). Дарвиш Али қўэзғолон кўтарибди?

Мажиддин — Шоҳим, буни, Навоий одамларининг сизга қарши очиқ бош кўтариши, деб, онгламоқ керак.

Шайхулислом — Бу ишда мутлақо Навоийнинг қўли бор.

Ҳусайн — Наҳотки?.. (Пауза). Бирор ҳужжат, далил борми?

Мажиддин — Хўш... Ҳозирча қўлимизда ҳужжат йўқ... Аммо тахмин шундай.

Ҳусайн — Тахминлар блан иш қилиб бўлмайди.

Мажиддин — (ёнидан ше'р чиқарип шоҳга беради). Мана бу ше'рни ўқинг.

Ҳусайн — (ўқиийди. Ҳаяжононда).

„Жаҳон ганжига шоҳ эрур аждаҳо —

Ки, ўтлар сочар қаҳр ҳангомида.

Анинг коми бирлан тирилмак эрур

Маош айламак аждаҳо комида“.

Алишер ҳаддан ошмоқда.

Шайхулислом — Мутлақо тўғри. Уни дарҳол жазога мустаҳқ қилмоқ зарур.

Ҳусайн — Йўқ, бу мумкин эмас!

Мажиддин — Шоҳим, бўлмаса, менда бошқа бир мулоҳиза бор.

Ҳусайн — Қандай?

Мажиддин — Дарвиш Али қўэзғолонини бостиришга Алишернинг ўзини юборинг. Ё Алишер бу ишдин бўйин товладию, сиз унинг бу жиноятда қўли бор эканини аниқлайсиз, ё Алишер бориб фитнани бартараф қиласди, ташвишдин қутиласиз...

Ҳусайн — (ўйланади). Бу маслаҳат чакки эмас. (Майчади. Мулозим киради).

Мулозим — (та'зим блан). Улуғ амир Низомиддин Алишер Навоий ташриф буюрдилар...

Ҳусайн — Кирсин! (Мулозим чиқиб кетади. Ўтирганлар мажлисга интизом беришга тиришадилар. Алишер киради. Ҳамма уни қуюқ ҳушомад блан қарши олади).

Ҳусайн — Марҳамат, Алишер!

Шайхулислом — Тақсирим бағоят яхши фурсатда йўқладилар.

Мажиддин — Қадамингизга ҳасанот.

Мунажжим — Бахт юлдузини кўришга муштоқ әдик.  
Навоий — Илтифот ва марҳаматларингиз учун ғоят миннаг-  
дормен. (Үтирадилар.)

Ҳусайн — Алишер, мен хазинанинг аҳволидин бехабар сиз-  
га пул ва'да қилган эканмен.

Навоий — Мен шоҳимнинг ва'далари чин ва му'tабар, деб,  
ишонган әдим.

Ҳусайн — Мавлоно Маждиддиннинг айтишига кура, хазинада  
ақалли икки туман ҳам оқча қолмабдур.

Навоий — Мавлоно Маждиддин айткан бўлсалар ишонмоқ  
керак, чунки Мавлоно ҳарнарсадин хабардор.

Маждиддин — Шоҳим тӯғри айтдилар... Хўш... Хазинанинг  
аҳволи оғир, харажатлар кўп.

Навоий — Сўзларингизга ишонмоқ керак.

Маждиддин — (асабийланади). У ҳолда кинояларингизнинг  
ма'носи нима?

Навоий — Харажатларни очиқ билмоқ истаймен.

Маждиддин — Ҳаммаси аён, иншоотларга ва...

Навоий — (сўзини бўлиб). Мавлоно, сиз ҳечкимга аён бўлма-  
ган харажатлар ҳақида сўзланг.

Маждиддин — (безовта, асабий). Бунчак суриштириб қолдин-  
гиз? Ахир, сиз шоҳимнинг хазинаси ҳақида сра ғам емас  
эдингизку?

Навоий — Мен шоҳимнинг ҳалқи ҳақида ғам еймен.

Шайх улислом — (кесатиб). Я'ни авом ҳақида?

Навоий — Ҳа, тақсир, авом ҳақида...

Шайх улислом — Осмон блан ерни фарқ қиласида дар-  
кор, Алишер!

Навоий — Осмондаги дабдабали, аммо фойдасиз чақмоқ бў-  
лишдин кўра, ерда бир тутам олов бўлуб, бир ғарибининг қозони-  
ни қайнатмоқ афзалдур.

Ҳусайн — Алишер, мен сизни дўст деб тушунар әдим.

Навоий — Ҳали ҳам худди шундай, деб тушунинг.

Ҳусайн — У ҳолда бу гапларингизни нима деб, онгламоқ  
керак?

Навоий — Сўзларим беғараёт.

Ҳусайн — (шे'рни узатиб). У ҳолда мана бу ше'рингизни  
нимадеб, тушунмоқ лозим?

Навоий — (ше'рни кўриб). Мен буни золим шоҳлар тӯғри-  
сида ёздим. Мен сизни мамлакатда адолат ўрнатадиган шоҳ деб  
тушунамен. Таажжуб.

Ҳусайн — Таажжубланадиган ери йўқ.

Навоий — Таажжубланадиган ери шундаки, мен бу порчани  
буғун ёзиб әрдим, ҳали ҳечким кўрмасдин туриб жанобингизнинг  
қўлларига тушиб қолибдур. (Үтирганлар ноқулай ваз'иятда  
қолади).

Шайх улислом — (ноқулай жимликни бузиб). Улуғ амир  
бунга таажжубланмасалар ҳам бўлади. Дун'ёда бундин эиёдароқ  
таажжуб қиласалар бар.

Навоий — Масалан?

Шайхулислом — Масалан жанобларининг Дарвиш Али блан муносибатлари қалай?

Навоий — Нима бўлибди, бирор гап борми?

Ҳусайн — Бирор гап борлигини ўзингиз билсангиз керак?

Навоий — Шубҳаларингиз ноўрин шоҳим.

Ҳусайн — Алишер, мекан сизни бундай ваз'иятда биринчи даф'a кўриб турибмен. Муғамбирлик сизга ярашмас экан.

Навоий — Шоҳим, мен ҳузурингизга ўринсиз та'налар эшитгали келганим йўқ.

Ҳусайн — Балхдин чопор бор, инингиз Дарвиш Али салтанатга қарши бош кўтарибди.

Навоий — (ҳаяжонда). Дарвиш Али бош кўтарибди? Сабаб?

Маждиддин — Сабабини сиз биласиз.

Навоий — Мен ҳали сизга ўхшаб фитначи бўлганим йўқ!

Маждиддин — Ис'ёнчи блан тил биритириб, салтанатга чанг солишининг номини нима дейдилар?

Навоий — Шоҳим, ўлимдин хабарим бор, аммо бу гаплардин хабарим йўқ!

Ҳусайн — Улуғ амирнинг бу жавоблари бизни қанаатлантармайди.

Навоий — Шоҳим мендин нима истайдилар?

Ҳусайн — Улуғ амирнинг кўнгли бизга рост бўлса, Дарвиш Али тўполонини бартараф қилиш ва фитначини тириклай тутиб бунда келтиришни ўзларига ҳавола қилсан. (*Навоий бошини қуши солиб жим қолади. Бошқалар диққат блан унга тикилади.*)

Навоий — (бошини аста кўтариб). Яхши, шаҳаншоҳнинг фармонларини ижро этишга тайёрмен.

Ҳусайн — Миннатдормен, Алишер! Балонинг олдини тезроқ олиш учун ҳозироқ йўлга тушишингизни илтимос қиласен. Дарвиш Алига уқдиринг, ёмон ниятларидан қайтсан, ҳузуримга келсин, саройда әнг яқин а'ёнларимдин бўлуб хизмат қилғусидур. Оқ йўл!

Навоий — Шоҳим, бир илтимосим бор!

Ҳусайн — Марҳамат.

Навоий — Амир Маждиддин саройдин узоқлаштирилсин. (*Хамма таажжубда*).

Ҳусайн — Сабаб?

Навоий — Давлатимизни яксон қилмоқчи бўлган ҳоинга, салтанат даргоҳида ўрин йўқ!

Маждиддин — Туҳмат!

Навоий — Тафтишлар, шуни кўрсатдик, Ёдгорбек қўзғолонида, бу одамнинг ҳам қўли бўлган.

Маждиддин — Буҳтон! Иғво!

Навоий — Тафтиш тамом бўлмагани ҳолда, Ёдгорнинг бошини олдириб юборишни нима деб, фаҳмлаш керак?

Ҳусайн — Қачон? Ким олдириб юборди?

Навоий — Шу бугун, улуғ вазирингиз?

**Ҳусайн — (дарғазаб). Нечун?**

**Маждиддин — (шошади).** Ахир, шоҳим... ма’лум бўлган жиноятни ҳа, деб текшираберишдин не фойда?

**Навоий —** Бу одам Ёдгорни хазивангиэдаги олтиналар блан та’мин қилиб турган.

**Маждиддин —** Тұхмат! қани далил!

**Навоий — (қўйинидан мактуб чиқариб Ҳусайнга беради).** Мана далил! (Маждиддин шошади. Ҳусайн қоғозга кўз югуртириб чиқиб, ғазабга келади. Қоғозни гижимлаб Маждиддиннинг юзига уради).

**Ҳусайн —** Хони! Жосус! Бу муттаҳамнинг бошидин вазирлик кулоҳини оливг! (Мулозимлар Маждиддиннинг бошидан кулоҳини оладилар).

**Навоий —** Шоҳим, бошини кулоҳидин енгиллатдингиз, энди бўйинни бошидан енгиллатинг!

**Ҳусайн —** Жаллод! (Шайхулислом, Мунажжим, шошиб чиқиб кетадилар).

**Навоий —** Ҳайр шаҳаншоҳ, мен кетдим.

**Ҳусайн —** Оқ йўл! (Навоий кетади. Жаллод киради).

**Маждиддин — (қаттиқ ҳаяжонда).** Шоҳим, бу ҳужжат қалбаки ҳужжат! Мени ноҳақ ўлдириб, сўнг пушаймон бўласиз.

**Ҳусайн —** Сени шу чоққача ўлдирмаганимга пушаймонмен.

**Маждиддин —** Мени ўлдиришдин аввал тожи-тактингизнинг душмани ким эканини аниқ билиб олинг.

**Ҳусайн —** Аниқ билдим, тожи-тактимнинг душмани сен экансен.

**Маждиддин —** Тожи тахтингизнинг душмани ким эканини, Дарвиш Али қўзғолонининг қандай ҳал қилиниши кўрсатиб берур. Шоҳим, Дарвиш Али қўзғолони бартараф қилингунча сабр этинг.

**Ҳусайн —** Иблис, яна ҳийлага кўчмакчисен.

**Маждиддин —** Агар ҳийла қиласам, қаломулло урсув!

**Ҳусайн — (чўчиб тисарилади).** Қаломулло урсун?

**Маждиддин —** Қасам’ёд, қиласмен, ёлғон айтсам Қаломулло урсун! Алишер ўз жиноятларини яшириш учун, мени қурбон қилмоқчи. Муҳлат беринг, Алишернинг жиноятларини исбот қиласмен, сизни ҳалокатдин қутқарамен. Хазинангизни бойитамен, ҳарамингизни ҳурлар блан тўлдирамен, сўнгра майли, бошимни кесинаг амрингизга мунтазирмен. (Бош эгади.)

**Ҳусайн — (чуқур ўйга чўмади.** Ерда гижимланаб ётган қоғозни олади, оғир сўрайди). Бу қалбаки ҳужжат, деб, ўйлайсанми?

**Маждиддин —** Қаломулло урсун қалбаки ҳужжат!

**Ҳусайн — (ўйланади.** Узун пауза. Сўнг бир қарорга келгундек бўлади). Кулоҳингни кий.

**(Шоҳ ўйланганича чиқиб кетади. Маждиддин кулоҳини кияди).**

## УЧИНЧИ ПАРДА

### БЕШИНЧИ КҮРИНИШ

Құлмуқаммаднинг ҳовлиси. Гули, супада ўтириб, Навоий тақдим қылған девонни мутолна қымлоқда.

Гули — (үқийди):

Үн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур,  
Не ажаб чун сарв нозим үн сакиз ёшиндадур.  
Деса бўлғайким ява ҳам үн сакиз йил ҳусни бор,  
Үн сакиз ёшинда мунча фитнаким, бошиндадур.  
Үн сакиз йил демангиз, юз йил умир сурса нетонг,  
Ҳусн шоҳи бу балоларким, "кўзу қошиндадур.

(Девонни бағрига босади.)

Ғазал әрмас бу бир меҳри гиёдур,  
Мунаввар айлаган дилни эиёдур.  
Ғазал ҳам шунчалар ширин бўлурму?  
Вафо нури блан лим-лим тўлурму?

(Кундуз киради.)

Қундуз — Вафо нури блан тўлсун дилингиз.

Гули — Келинг. Оҳ, шунчалар ширин тилингиз...

Қундуз — Навоийданми?

Гули — Ҳа, менга битибдур.

Қундуз — Мусаффо ишқини изҳор этибдур.

Гули — Бу ишқ бахт йўлида сўнмовчи маш'ал.  
Бу ишқ бирлан бўлур ҳар мушкулим ҳал.

Қундуз — Навоийдек кишининг ёри бўлмоқ,  
Ше'р доҳосининг дилдори бўлмоқ,  
Саодатдур буюк. Сиз бахтиёrsиз...

Гули — Фақат гул бўлмас эркан, асти хорсиз:  
Бу олтин севгининг ҳижрони аччиқ.

Қундуз — Жудолик чоғининг ҳар они аччиқ.  
Броқ дил мулкининг гулзоридур ишқ.

Гули — Гаҳ ошиқ қалбининг озоридур ишқ.

Қундуз — Ҳаёт, иқбол, севинчнинг ёридур ишқ.

Гули — Гаҳи ғам-қайғунинг бозоридур ишқ.

Қундуз — Эрур севги кўнгил мулкида бир шоҳ.

Гули — Ўзи ҳам ўлдурур, ҳам тиргизур, гоҳ —  
Кўнгулни гул этар, гоҳ пора-пора.  
Ўзи ҳам дард берур, ҳам дардга чора...  
У кун гулзор аро ушлаб қўлимдин,  
Деди, айлаб ҳалос ҳижрон ўлимдин:  
„Қилиб тўй, сўнг бўлурмиз, бирга доим,  
Сени кўб кўрмасин менга худойим...“

Қундуз — Демак тўй тез.

Гули — Яқин кунларда.

Қундуз — . Оҳ, соғ.

Гули — Саодат қушлари бошимда парвоз.

(Ғамгин ҳолда Қулмуҳаммад киради).

Отажон не хабарлар бор?

Қулмуҳаммад — Э... Сўрама қизим. Дун'ёниг ишлари қурсин.

Гули — Яна не бало юзланди?

Қулмуҳаммад — Балхда Дарвиш Али бош кўтарибди. (Ҳаяжон).

Гули — (қаттиқ ҳаяжонда). Ёраббий! Алишер қаерда?

Қулмуҳаммад — Ис'ёни бостириш ва Дарвиш Алини тириклий тутиб келтириш учун, шаҳаншоҳ уни кечакечқурун саройдин тўғри Балхга жўнатибди.

Гули — Акани укага қарши йўллаш, аканинг қўли блан укани банд этиш, иблиснинг ҳам ақлига келмайдиган иш.

Қулмуҳаммад — Яқин кунларда маш'ум ҳодисалар юз берадиганга ўхшайди. Бугун тонг блан Жалолиддинни ҳабста олибдилар.

Гули — Ёраббий! Бу ёмон фол... (Йиглайди).

Қулмуҳаммад — Йиглама қизим, Алишерга ҳечнарса бўлмайди. Алишернинг орқасида бутун ҳалқ туребди.

ТАШҚАРИДАН ОВОЗ — Устоз бормилар?

Қулмуҳаммад — Бирор келди, сизлар боқقا чиқинглар қизлар. (Чиқиб кетади).

Гули — Ёраббий, ким бўлса экан? (Боқка чиқиб кетадилар Кулмуҳаммаб Маждиддинни бошлаб киради).

Қулмуҳаммад — (ТА'ЗИМ блан жой кўрсатади). Қани, амир, марҳамат.

Маждиддин — (ўтиради). Бисмиллоҳи раҳмонирраҳим. (Фотиҳа ўқийдилар.)

Қулмуҳаммад — Хуш келибсиз амир.

Маждиддин — Хурсанд бўл Қулмуҳаммад, бошингга баҳт қуши қўнди.

Қулмуҳаммад — (ховотирда). Иншоолло, айтканингиз келсин, амир. (Гули блан Қундуз ҳаяжон ичида қулоқ соладилар).

Маждиддин — Шаҳаншоҳ сени падар, қизингни малика қилмоқчи.

Гули — Оҳ... (Қундузниг кўксига дошини қўяди).

Қулмуҳаммад — (зўр ҳаяжонда). Шаҳаншоҳнинг бизга бўлган илтифотлари учун миннатдормиз... Аммо... аммо қиз унашилиб қўйилган...

Маждиддин — Алишерга, шундайми? Бу тапдан шаҳаншоҳнинг хабарлари бор.

Қулмуҳаммад — У ҳолда нечук бу жафо?!

Маждиддин — Муҳаббат, қизингга бўлган муҳаббат.

Қулмуҳаммад — Шаҳаншоҳ қизимни олгунча бошимни олсалар, менга зўр шафқат қилган бўлур әдилар. (Гули ҳаяжонда қулоқ солади.)

**Мажиддин** — Шаҳаншоҳнинг талабини рад қилсанг бошинг кетиши турган гап. Сенинг бошинг кетса майлигаю, аммо Алишернинг боши кетмасун.

**Кулмуҳаммад** — Сабаб?

**Мажиддин** — Шоҳ қизингнинг васлига этиш йўлида ниманини кўндаланг келса, ўртадин шартта олиб ташлашга қат’ий қарор берган. Ҳозир пайт нозик. Дарвиш Али қўзғолони муносабати блав, шаҳаншоҳнинг Навоийга қарши ғазаби кучайган. Шундай бир пайтда Навоийни кўндаланг қалиб, шоҳнинг талабини рад этишинг, ёниб турган ўтга ёғ қуийш блан баробар бўлур. Шаҳаншоҳга баҳона топиб берасан, Навоий ҳалок бўлур. Қизингнинг харамга бориши муқаррар. У ҳолда Навоийни ҳалок қилиб, сўнг бориши мақбулми ё ҳалок қилмасдан бориши мақбулми? Қизингнинг ақли бўлса улуғ шоир Навоийнинг ҳалокатига йўл қўймас. Сен, биз, қизинг майли ҳалок бўлайлик, аммо буюк Навоий ҳалок бўлмасун! Гап шунда!..

**Кулмуҳаммад** — Бошимизга оғир савдо солиб қўйдингиз, амир.

**Мажиддин** — Ҳе... тақдир экан, Кулмуҳаммад, тақдир, қандай қилайлик. Менга қолса шундай бўлсун дебманми? Ҳа... Чуқурроқ мулоҳиза қилиб кўр. (*Сукунат*.)

**Кулмуҳаммад** — Ўйлашиб кўрамиз, амир.

**Мажиддин** — (*қўзғолади*). Ҳа, жавоби букун оқшомдин кеч қолмасин.

**Кулмуҳаммад** — Яхши, амир. (*Чиқадилар. Ёшлигини артарат қизлар ва ўйғлаб она чиқади. Гули онасининг бағрига ташланади*.)

**Гули** — Нечун түғдинг мени, бахти қарони?

Балога мубтало, мотамсарони?

Мурувват билмаган кунлар учунми?

Жафокаш, бераҳм тунлар учунми?

**Хосият** — Онанг ўлсун болам, қандай қилаймен.

Тугибменки сени, бахting тилаймен. (*Кулмуҳаммад киради*).

**Гули** — Унут бахт сўзини оғзингга олма!

Хаёл у биз учун, қўй доғда қолма!

Фриғар, бевафо бир қуш эрур бахт,

Қўнар жойи анинг қон сочраган таҳт.

Хароб ўл золим, эй, бахtingга ла'нат!

Зулм шоҳи разил таҳtingга ла'нат!

**Кулмуҳаммад** — Тилингга берма эрк.

**Гули** — Кессин, тилимни!

**Хосият** — Қазим, кул қилмагил ожиз дилимни.

**Гули** — Агар истар эса бошимни олсун.

Танамни бурдалаб ўтларга солсун.

Бу бирлан марҳамат қилғай менга шоҳ.

Халас эткай мени кулфатдан... Эвоҳ,

Тариқи зулм ила кин бунча бўлғай,

Жафо қилмоққа ойин бунча бўлғай,

Кундуз — Киши гар кўксини юз пора қилсун,  
Фалакнинг зулмига не чора қилсун.

Кулмуҳаммад — Қизим, тақдир экан, тақдирга тан бер.  
Итоат қилмаган охирда ғам ер.

Гули — Фалак... Тақдир... Қазо... Оҳ қандайин ном.  
Заҳар-заққум қўйиб ич, деб тутар жом.  
Фалакнинг ҳар иши зулм ила найранг.  
Еруғ оламни, у, қилмаш менга танг.  
Саодат борини зулм этди барбод.  
Фалакнинг жавридин, озоридин дод!..

Кулмуҳаммад — Қизим, унданай эса йўқ, деб жавоб бер.

Гули — Йўқ асло! Бўлмасин қурбон Алишер!  
Қўйинг әл булбули боз сайрасун оз!  
Қўйинг юрт бахтини мадҳ айлаган соз —  
Вақтсиз синмасин. Шоҳона ижод  
Тугалмай қолмасин... Мен қайда? Ҳайҳот...  
Мен оддий бир киши, у әлга бошдур.  
Агар мен шам' эсам — у бир қуёшдур.  
Анингчун майлига қурбон бўлай мен,  
Бало шамширига қалқон бўлай мен.

Хосият — Қизим, жоним болам, қўрқитма зинҳор.

Гули — Нетай, шум толиим гар айласа хор,  
(Жимлик. Гули йиғлайди. Сўнг секин).  
Жавоб айтинг бориб, мен, майли рози...  
Мусаффо севгининг оҳ... синди сози...

(Кулмуҳаммад чиқабошлайди.)

Фақат шартим: бир ой ёндашмасин шоҳ!  
Бир ой муҳлат сўранг!. Бахтим қаро... Оҳ!..

(Кулмуҳаммад чиқиб кетади).

Хосият — Онанг ўлсун болам, юргунча мундоғ  
Сени ғам қўйнида кўргунча мундоғ.

Гули — Нетай ғам аждари бахтим ютубдур.  
Куёшимнинг юзин зулмат тутибдур.  
Не бўлғай эрди чархи зулм пеша,  
Мени ундан жудо қилмай ҳамиша,  
Юрар чогида йўлдош бўлсанм эрди.  
Туарар чогида қўлдош бўлсанм эрди.  
Фақат, ҳайҳот, қани ул севгили ёр?  
Балолар домига бўлдим грифтор.  
Бу қандай ҳол эрур, ҳайҳот, ҳайҳот!  
Нетар жонимни олсанг, эй ажал, бот!

Парда

## ОЛТИНЧИ КҮРИНИШ

Новоиїнинг ҳовлиси. Мансур китоб мутолиасига машғул.

Мансур — Бир ўлимнинг азоби мени телба қилаёзди. Алишер, энди сен, бу ҳисобсиз азобларни қандай кўтараоласен? Миянг пўлатдин, асабларинг темирдин бўлса ҳам, бу оғир мусибатларга бардош бералмас. Мағрур Алишернинг сувдан чиқариб ташланган балиғдай жонсарак, ини бузилган қушдай безовта бўлиши, қасос блан тўлган юрагимга тасалли беради. (*Ma'юс ҳолда Абулмалиҳ киради*).

Абулмалиҳ — Кетканига бугун расо бир ой бўлди. Нега бунча хаяллади экан?

Мансур — Улуғ одамнинг иши ҳам улуг, бирор муҳим иш чиқиб ушланиб қолгандурда.

Абулмалиҳ — Охири баҳайр бўлсан. Бу хаяллаш бечиз эмас.

Мансур — Ҳа, яна ёмон туш-муш кўрдингми?

Абулмалиҳ — Туш-мушку кўрганим йўға... Аммо юрагимда аллақандай қўрқинчли шубҳалар бор.

Мансур — Чунки фикринг бузук, хаёлинг эгри. Шунинг учун ҳамма нарса сенга шубҳалик бўлиб кўринади.

Абулмалиҳ — Бўлмаса нима учун бу воқиаларнинг ҳаммаси Алишер кетгандан сўнг юз берди?

Мансур — Тақдир, Абулмалиҳ, тақдир.

Абулмалиҳ — Э... Ўша, тақдир... Тақдир! Бу тақдир эмас хиёнат!

Мансур — Тилинг жуда узун, қулвачча, қисқартириб қўй-масинлар, деб, қўрқамен.

Абулмалиҳ — Ҳақ сўз учун тилимни кесадиган бўлсалар кесаберсинлар, бегвачча!

Мансур — Чакки қиласен дўстим, кейин дун'ёга келганинг-га пушаймон бўласан.

Абулмалиҳ — Э, дун'ёга келганимга кўпдан пушаймонмен. Бу нима ахир, дун'ёми ё күшхонами?

Мансур — Ошингни пиширсангчи! Дун'ё тўғрисида қайғиришни сенга ким қўйибди? Дун'ё тўғрисида қайғирадиганлар бор.

Абулмалиҳ — Дун'ё тўғрисида қайғирадиганлар хўroz уришириш, капитар учирив ўйнаш, олтин қадаҳларда май ичиш блан овора.

Мансур — Бордию сен шоҳ бўлиб қолсанг, нима қилар эдинг?

Абулмалиҳ — Муттаҳам бекларни қиличдан ўтказардим... Бема'ни урушларни тўхтатардим, юртни обод қилардим, Алишерга мадад берардим.

Мансур — Ўҳу! Даҳмазанг каттаю! Броқ сенга ўхшаш таги пастлардан подшо чиқмайди-да.

Абулмалиҳ — Подшолик бошингда қолсин. Подшо бўлай, деб, кўзим учиб тургани йўқ! Подшо бўлиб ҳалқнинг уволига қолишга кимнинг тоқати бор экан? Гапнинг сирасини айтаманда, аслзода.

Мансур — Хўп, бўлди Абулмалиҳ пошшо, ётайлик, тун оғиб қолди. (*Эшик тақиллайди.*)

Абулмалиҳ — Келди! (*Эшикни очади. Соҳибдоро киради.*)

Соҳибдоро — Бугун ҳам келмадими?

Абулмалиҳ — Йўқ. Мавлоно шу чоққача ухламабсиз?

Соҳибдоро — Ташвиш зўр бўлса, уйқу қочади.

Абулмалиҳ — Бирор маш'ум ҳодиса юз бермасмикан?

Соҳибдоро — Бу кечаю-кундида ҳарбир маш'ум ҳодисанинг юз бериши мумкин. Бало бир келгандан сўнг, устма-уст келаберади. (*Эшик тақиллайди.*)

Абулмалиҳ — Келди чоғи. (*Эшикни очади. Жомий киради.*)

Жомий — Келмадими?

Соҳибдоро — Йўқ, тақсир.

Жомий — Ераббий! Соҳибдоро, ахир бундин ортиқ кутиш мумкин эмас. Тездан Алишер олдига жўнанг, уни воқиалардин огоҳ қилинг.

Соҳибдоро — Пирим, мени ўлимга йўлланг борай, аммо бу оғир мусибатлар ҳақида хабар етқизиб, Алишерга озор бериш вазифасини менга юкламанг.

Жомий — Биламен азизим, бу вазифа ўлимдан ҳам оғир, аммо не чора? Бориб шоирни эҳтиёт қилиш керак, унга бирор шикаст етмасин. (*Оғир жимлик. Жимлик Алишернинг хурсанд бир ҳолда кириб келиши блан бузилади. Унинг ёнида бошдан оёқ қуролланган Турдибояй*)

Навоий — Салом, дўстлар!

Жомий — Алишер!

Навоий — Салом устод!

Абулмалиҳ — Пирим! (*Кўришадилар. Жомий ёшини аратади. Фотиҳа ўқилади.*)

Навоий — Азизлар, сизларни соғиндириб қўйганим учун узр сўраймен! Аммо айб менда эмас. Шаҳаншоҳ орқамдин мактуб кўндириб, Балҳда узоқроқ туриб адолат ўрнатишимни, сўнг мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларига ҳам ўтиб келмоғимни илтинос қилган әдилар. Балҳдин Машҳадга ундин бўлак шаҳарларга ўтдим. Қишлоқларда бўлдим. О, қандай меҳнат севар халқимиз бор.Faқат йўлларда кўзга ташланучи қавжираган далалар, қақраган қишлоқлар, кўнгилларни ғамгин қиласиди... Қишлоқ аҳлларига ариқлар чиқариб, халқни сувга ма'мур қилмоқчи бўлганимизни айтдим. Кўзлари севинч ёшларига тўлди, ҳаққимга дуо қилдилар. Пирим, шу соғ кўз ёшлар ҳурмати ариқ қазиш ишларини кучайтирамиз. Ҳозир барча имконият мавжуд. Мамлакат тинчили, шоҳни зулм йўлига бошламоқчи бўлган фитначи урғамчик янчилди. (*Ҳамма жим.*) Нечун жимсиз? Ташвишли кўринасиз?

Жомий — (оғир). Алишер, баҳтга қарши, ҳали ўргамчик ҳаёт.

Навоий — Нечук? Маждиддин ҳаётми? Шоҳ кўз олдимда жаллодга буюрган эдику!

Жомий — Макр-ҳийла қаршисида шоҳлар ҳам бўйин эгади, Алишер.

Навоий — (ҳаяжонда). Дарвиш Али қаерда?  
Жомий — Зиндоңда.

(Навоий фожианы онглай бошлайды. Унинг юзларини ғазаб ва ғамгинлик қоплады. Оғир жисмлик.)

Навоий — Макр-ҳийла... Алдаш... Яшашиңнинг нақадар ярамас усууллари! Макр-ҳийла ожизларга қурол, олчоқларга қалқон, юэсизликнинг ниқоби! (Пауза).

Ниҳони игна санчар ёрлардин,  
Муноғиқ қалбаки дилдорлардин,  
Яширмай найза санчар ёвлар ортиқ!..  
Эмиш хўрлик, ҳақорат, ҳийла тортиқ  
Садоқатлар блан қилган ишимга,  
Зарур деб, эзгу деб билган ишимга.

Соҳибдоро — Ҳаёсиз билмагай ҳечвақт вафони.  
Вафога олмашур шоҳлар жафони!..]

Навоий — Кўйинг, майли, алар билгунча қилсун!  
Зулм чақмоқлари, майли чақилсун,

Евузлик денгизи, майли қутурсун,  
Ҳасад тўлқунлари қирғоққа урсун,  
Муқаррар, оқибат бизнингча бўлгай.

Адолат нурлари оламга тўлғай. (Пауза.)  
Халойиқ нағидур ҳар неки билдик,

Халойиқ билса бас ҳарнеки қилдик.

Қалай ишлар? Ариқ биткантур албат? (Жимлик).  
Нечун жимсиз? Нечув?

Юз берди кулфат.

Навоий — Не Кулфат?

Тинчланинг.

Навоий — .

Сўзланг!

Жомий — .

Шаҳаншоҳ.

Ариқ қазмоқ ишин тўхтатди...

Эй воҳ...

Жомий — Ариқ кавловчялар дуч келди зарбга,  
Сафарбар бўлдилар майдони ҳарбга.

Навоий — Оловга ташламиш шоҳ бизни алдаб  
Нечун бу хилма-хил найранг? Қизиқ гап. (Пауза.)

Жалолиддин қани? Қаерда?

Сўрманг.

Жомий — .

Айтай, фақат озурда бўлманг.

Навоий — Қани? Тез сўзлангиз!

Қирқилди боши.

Ҳунар осмонининг сўнди қуёши.  
Шаҳаншоҳ бирла Маждиддин баногоҳ

Тўсатдан бошини олдириди...

Навоий —

Эй воҳ!

Бу хўрлик! Бу ситам! Бу қонли ваҳшат!  
Бу зулмат! Бу жафо! Бу зулм! Бу даҳшат!

Гуноҳи не әди у тилла бошнинг?  
Гуноҳи не әди порлоқ қуёшнинг?

Жомий — Газаб тигин чиқарса подшоҳлар,  
Жиноятчи бўлурлар бе гуноҳлар.

Навоий — Жовоҳир сақлаган денгиз әди у.  
Хунар, фан бобида тенгсиз әди у.  
У сан'ат юртнинг шунқори әрди.  
У өлнинг ифтихори, ори әрди.

Эди қилмишлари пок, ҳам ўзи пок,  
Дили пок, ҳам тили пок, ҳам сўзи пок.

Жомий — Кўвигил бўлса агар ҳарқанчаким пок,  
Бўлур у шунчалар кўбрак аламнок.

Навоий — Ажал кўксини пора-пора қилмиш.  
Ачинмай бағрини садпора қилмиш.  
Етилгунча яна у синггари зот,  
Ва сан'ат бобида бўлгунча устод,  
Қуёш юз йилча нур сочмоғи лозим,  
Баҳор юз карра гул очмоғи лозим.

(Хамма жим, бошини қуий солиб, Навоийни тинглайди.  
*Жомий, Абулмалиҳ кўз ёшларини артади. Эшик тақиллайди.  
Мансур эшикни очади, рўмолга бурканган Қундуз киради. Ҳаммада саросималик... Навоий ҳаяжон ва таажжуубда*). Бу ким?

Қундуз — Қундуз...

Навоий — Неҳол? Бевақт юрибсен?

Гапиргил! Не сабабдин жим турибсен?

Қундуз — Гули хаста...

Навоий — Нечук?

Қундуз — Йўқлайди сизни...

Навоий — Не кулфат қуршамиш бечора қизни?  
Қаерда? Уйдами? Қай хilda аҳвол?

Қундуз — Ҳарамда, сўнгра...

Навоий — Ераббий, бу не ҳол!  
Тушумми, ёки бу ўнгумми, Тангрим?!  
Бу маш'ум муждани ким шарх этар? Ким?

Жомий — Фалакнинг зарбига лозим чидашлик.

Навоий — Фалак солмиш менинг қалбимга ғашлик.  
Йиқил золим фалак, чархи стамкор!  
Балолар домига қилдинг грифтор!  
Йиқил устимга, эй гардун, йиқил тез!  
Йиқил, бошимни янч! Гавдамни бос, эз!

(Навоий, орқасидан Қундуз чиқиб кетади.)

Жомий — Чиқинг тез! Қайтаринг! Мансур, югур, бор!  
Ҳарамга бормасун, йўл қўйма, зинҳор!

## ТҮРТИНЧИ ПАРДА

### ЕТТИНЧИ КҮРИНИШ

Ҳарам. Соchlари паришон, озғин Гули түшакда ётибди. Нозик құдларғы  
блан, Алишер бергав девояны күкрагига боссан. Ёнида әнага.

Гули — Ҳамон ёдимдадур: гул чоғи әрди,  
Күришкан масканим гулбоги әрди...  
Очилган ранг-барапт гуллар чаманда,  
Қуёшда барқ уруб айларди ханда...  
Сочилган инжудек баргларда шабнам.  
Үпіб гул барғыни ел үйнаган дам...  
Очиб гул дафтариң булбул үқурди,  
Мұхаббат ҳақида достон түқирди...  
Эсимда баҳтиәр, осуда күнлар.  
Муборакбод этиб баҳтимни, гуллар  
Табассум айлаган, дамлар эсимда.  
Севинчдин күздаги наамлар эсимда...  
Эсимда қутқориб ҳижрон үлимдин,  
Ганирган гаплари ушлаб құлымдин:  
„Қилиб түй, сұнг бұлурмиз бирга доим,  
Сени күб күрмасин менғга худойим...“  
Фақат, ҳайҳот, мени күб күрди сенғга,  
Ажал ўз заҳрини ичкизди менға...

Әнага — Болам, тинчингни ол, безовта бўлма.  
Ҳа, деб беҳудага ғамларга тўлма.  
Шукур қил тангрига, бироз ғурустсен.

Гули — Шукур... Ёрим учун қурбон бўлурмэн...  
Әнага — Ҳали бир ғунча сен, келгай баҳоринг.  
Очилгайсен ҳали кулгай наҳоринг.

Гули — Ажаб бир ғунчамен, келмас баҳори...  
Очилмас ҳечқачон кулмас наҳори.

Әнага — Нечун жоним қизим?

Оҳ...

Әнага — Сүзла!

Сўрманг.

Гули — Ҳақиқий ғунчамен, дил ғунчадек танг.  
Ҳақиқий ғунчамен, дардим ниҳондур.  
Ҳақиқий ғунчамен, бағримда қондур.  
Фақат фарқим шуким, ғунча очилгай,  
Қуёшдин нур әмар, ҳам ханда қилгай.  
Мен очилмай турууб сўлдим умурбод.  
Мени унга худо кўп күрди... Ҳайҳот...  
Кўзимдин сочилик охирги ёшим.  
Қачон келгай экан порлоқ қуёшмил?

Әнага — Сабр қил жон болам, ҳозир келур.

Гули — Оҳ...

Қуёшдин нур олиб култан каби моҳ

Кулардим сўнгги бор у келса мен ҳам..

Әнага — Яқин қолди келур, албатта.

Гули — Қайдам...  
 Энага — Күралмай қолмасам...  
 Гули — Күй!  
 Энага — Балки келмас.  
 Гули — Болам, не бўлди сенгга? Йиғлама, бас.  
 Гули — Сабр қил.  
 Гули — Ранжигандур балки мендан...  
 Энага — Нечун, жоним болам, ранжиди сендан?  
 Гули — Жаҳон ғийбат ила бўғтонга кондур.  
 Гули — Қиличдин, найзадин бўғтон ёмондур.  
 Энага — Навоий ҳечқачон буютончиларга  
 Гули — Қулоқ солган әмас, солмас уларга.  
 Гули — Эна, рост айтасиз! Рост, худди шундай!  
 Гули — Келиб равшан қилур кулбамни кундай!

*(Хаяжонда Алишер киради).*

Навоий — Кўзим чиқсун сени кўргунча мундоқ.  
 Гули — Кесилсун тил сени сўргунча мундоқ.  
 Гули — Алишер, номусим, орим ўзимда.  
 Гули — Алишер, йўқ сра ёлғон сўзимда.  
 Навоий — Ишончим зўр гуллим, сен соғ әрурсен.  
 Гули — Баҳор осмонидай шаффоф әрурсен.  
 Гули — Тубанлик чангидин ҳоли фалаксен.  
 Гули — Парисен, гул юзим, ҳурсен, малаксен.  
 Гули — Дуруст софмен... фақат... баҳти қаромен.  
 Гули — Саодатдин йироқ мотам саромен.  
 Гули — Тириклик битдию сақланди исмат.  
 Гули — Алишер, найлайнин, шул бўлди қисмат.  
 Навоий — Гулим англат бало қайдин ёпишди?  
 Гули — Не савдолар азиз бошингга тушди!  
 Гули — Менинг дардимни қўй, қўзғатмагил... Оҳ...  
 Гули — Сени кўрдим шу бас алҳамдуиллоҳ...

Навоий — Тушувдур, қийнама! Англат, бу неҳол?  
 Гули — Саодат ғунчасин зулм этди помол.  
 Гули — Фақат бир илтимос, кўркам чаманда,  
 Гули — Очиб гул ғунчалар этканда ханда,  
 Гули — Саҳарлаб, қилмайин одатни канда,  
 Гули — Кириб гулзор аро сайр айлаганда,  
 Гули — Тилаб гуллар висолин мисли Фарҳод,  
 Гули — Чаман булбуллари қилганда фар'ёд,  
 Гули — Жувонмарг ғунчани ҳам әсла, ёд эт.  
 Гули — Унутма, доимо руҳимни шод эт...

Навоий — Умидсиз бўлма ҳеч ўйнаб кетарсен.  
 Гули — Севвич гулзорида парвоз этарсен.

Гули — Алишер не учун хўрлик яралган?  
 Гули — Нечун жабру ситам, зўрлик яралган?

*(Кўлида яланг почланган қилич, тунги кийим блан Ҳусайн кириб келади. Энага қичқириб юборади. Гули саросимада. Навоий ғазабли, жим.)*

Ҳусайн — Ҳайҳот, бу қандай шармандалик?

Гули — Шоҳим, Алишерда гуноҳ йўқ! Уни мен чақиртирдим.

Ҳусайн — (таажжубда). Бу қандай ҳол?

Гули — Шоҳим сиз, Маждиддинни...

Навоий — (ҳаяжонда). Маждиддин?

Гули — Совчи қилиб юборганингизда кўнишга мажбур бўлдим... Чунки у агар ҳарамингизга келишга рози бўлмасам, Алишернинг ҳалок этилишини айтди.

Ҳусайн — Алишерни ким ҳалоқ қилмоқчи экан?

Гули — Сиз.

Ҳусайн — Бўхтон!

Гули — Қўлингиздаги яланғоч қиличингиз бўлмаса, сўзивтизга балки ишонган бўлур эдим...

Ҳусайн — (қиличини ташлайди). Очиқроқ сўзланг!

Гули — Яна қандай нарса ёпиқ қолди?

Ҳусайн — Алишер блан қандай муносабатда эканингиз менинг учун қоронғу.

Гули — Вазирингиз шоҳнинг хабари бор деган эдику?

Ҳусайн — Нимадан!

Гули — Алишер блан менинг орамда бўлган муҳаббатдан.

Ҳусайн — (ҳаяжонда). Муҳаббатдан? Ераббий, бу қандай ҳол!

Гули — Демак сиз Алишернинг ҳалокатини...

Ҳусайн — Ҳечқачон истаган эмасмен. Иблис Маждиддин!

Гули — Оҳ... Алданибмиз. Иблис ўз муддаосига етибди. Оҳ... Нақадар оғир.

Навоий — Тинчлан Гулим, янгишлар тузатилади.

Гули — Йўқ. Бу янгиш ҳаётимнинг сўнгги нуқтаси бўлди.

Навоий — Хафа бўлма, Гулим, замон янгишлар блан тўла.

Итнинг боши мис табақда, азизларнинг боши эса ерда депсалади. Ва'далар унитилади. Ариқлар бузилади, гулистонлар чўл бўлади.

(Ҳусайн ўзини айбдор ҳис қиласди, нари кетади.)

Гули — Алишер, азизим!. Мен ўламан. Ҳозирга қадар ҳаммадан сир туткан дардимни энди айтмай қложим йўқ... Мен аста та'сир қилучи заҳар ичган эдим. (Ҳаммада ҳаяжон.)

Навоий — Заҳар?!

Ҳусайн — Ераббий, бу не ҳол!

Гули — Заҳар ўз ишини қилди. Адо бўлдим. Сўнгги тилагим сизни кўруб ўлиш эди. Тангри тилагимни қабул этди. Шоҳим, Алишерга озор берманг, у буюк одам!

Ҳусайн — (боши қуёйи солинган). Нечун аввалроқ билмадим. Янгишдим.

Навоий — Раҳнамо иблис бўлгач янгишиш табиийдур. Тушкан йўлингиз ғоят мудҳиш йўл. Бу йўлдин борғучининг қонлардаг кечиб, каллаларни депсаб ўтмай иложи йўқ!

Ҳусайн — (оғир). Етар, Алишер... Мен сиздан бунчалик та'наларни кутмаган эдим.

**Навоий** — Мен ҳам сиздан, мени Балхга юбориб, бунчалик марҳаматлар қиласиз, деб ўйламаган эдим.

**Гули** — (безовта). Алишер, мени бу ердан олиб кетинг. Ёғиз ўз қўлингизда жон берай.

**Навоий** — Гулим, бизнинг кунларимизда адолатнинг дояси ҳақсиэлик, мурувват ва шафқат гулзорининг боғбони зулм эмиш. (Пауза.)

Замон донога дор, жоҳил учун ёр  
Ёмонга гул берар, яхшига, деб хор,  
Ёмонга баҳт берур, яхшини баҳбахт —  
Қилур, золим учун баҳш айлагай тахт.

(Гулинин аста кўтарганича чиқиб кетади. Эзилган Ҳусайн бошини қуий солиб узоқ жисм қолади. Сўнг бирдан ғазабга келади).

**Ҳусайн** — Ким бор! Ким бор!!

**Маждиддин** — (кириб). Шоҳим, хизмат?

**Ҳусайн** — (Маждиддинни бўғиб). Иблис, муттаҳам нега айт-мадинг?

**Маждиддин** — Нимани, шоҳим?

**Ҳусайн** — Алишер блан Гули ўртасидаги муҳаббатни, аблах!

**Маждиддин** — Ё алҳазар! Бу гапларни биринчи маротаба эшитиб турибмен.

**Ҳусайн** — (Маждиддинни итариб ташлаб). Иблис. Улуғ дўст Навоийни зўр душманга айлағитмоқчисен?

**Маждиддин** — Жалолиддиннинг ўлдирилиши, Дарвиш Алиниң зинданда ётиши, унинг устига мана бу сабил қизининг мояроси Алишернинг ёрагига душманлик ва ғазаб оловини тўлдирали.

**Ҳусайн** — Хоинлар, мени Алишердан жудо қилмоқчисиз, менинг қанотимни қабирмоқчисиз.

**Маждиддин** — Миш-мияшларга қараганда шаҳзода Бадиуззамоннинг фе'ли бироз айнаган эмиш. Алишер, сиз ўтирган тахтда ўғлингиз Бадиуззамон ёки набирангиз Муминмирзони кўрмак ерзусида юрган эмиш.

**Ҳусайн** — Бундай иғволарни эшитаберib қулоқларим кар бўлди.

**Маждиддин** — Бу иғво өмас, ҳақиқат. Агар салтанатимдан путур кетмасин дессангиз Алишердан воз кечинг, шаҳаншоҳ.

**Ҳусайн** — Сен иблисни, деб, Алишердан воз кечайми?

**Маждиддин** — Мени деб өмас, бутун саройни деб, аслзодаларни, бекларни, деб воз кечинг.

**Ҳусайн** — Алишер давлатимнинг таянчи, салтанатимнинг суюнчи, ҳаётимнинг қувончи, ундан воз кечалмаймен.

**Маждиддин** — У ҳолда беклардин воз кечинг. (*Шоҳ оғир ўйда*) Агар Алишердан воз кечмасангиз, бутун беклар, лашкар бошилар саройингизни тарқ этиб, Самарқанд султонининг ҳузурига кетурлар. (*Шоҳ ўйда*) Беклар, лашкарбошилар, ота-боболаримизнинг урфи-одатини қумсаймиз, қиличларимизни занг бос-

моқда, юриш, жанг, үлжа истаймиз; агар Султон Ҳусайн бизни деса, йўлимиздаға бўлиб турган Алишердин воз кечсун, уни саройдин узоқлаштиурсин, деб талаб қилмоқдалар.

Ҳусайн — (*паузадан* сўнг). Яхши, мен Алишерни саройдан узоқлаштирамен... Аммо сиз ўйлаганча сургун қилиб эмас. Мен уни мамлакатимнинг энг муҳим манзилларидин, сарҳадмнинг энг нозик мавзу'ларидан бўлмиш Астробод вилоятига ҳоким қилиб юборурмен. Токи, нотинч Астрободда ҳам осойишталик ўрнатилисин, салтанатим яна ҳам мустаҳкамроқ, давлатим яна ҳам қудратлироқ бўлсун!

Маждиддин — Шоҳим, мендан бекорга ранжийсиз, мен бақавли бир итингизмен, топкан-тутканимни тишлаб келиб хазинангизга ташлаймен.

Ҳусайн — Агар шу ҳунаринг бўлмаса, агар сени қўллаб-қўлтуқловчи аслзодалар, лашкарбошиларни андиша қилмасам, аллақачон бошингни олган бўлур эдим. Лекин андишанинг ҳам чегараси бор. Кўп ҳаддингдан ошаверма, тақдиринг менинг қўлимда! (*Шоҳ оғир босиб чиқиб кетади. Маждиддин секин қарсак чалади. Мансур киради.*)

Маждиддин — Навоийнинг ҳарамга келгандиги ҳақида мени огоҳлантириб, эўр хизмат қилдинг. Бу блан сенинг бу ердаги хизматларини тамом бўлди. Энди сен Алишер блан Астрободга жўнайсен. Неча хил тадбир блан Султон Ҳусайнни Алишердан жудо қилолмадик. Заарсиз. Ҳали бу йўлда кўрилгуси тадбирлар тугаган эмас. (*Бармоғидан олтин узук чиқариб Мансурга беради.*) Мана, бу тилла узукни ол! *Мансур суюниб олади.*) Бурасанг кўзи очилади. Ичига заҳар жойланган! (*Мансур даҳшатда*). Марҳум отангнинт арвоҳи мададкор бўлсин!

## Парда

### САККИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Астробод саройидаги хоналардан бирни. Фасл кўклам. Вақт кечқурун Деразадан ойдивликка чўмилгун бое кўринадик. Тўғрида боққа, чапда ҳовлига, ўнгда бошқа ховага кирадиган этик.

Озгин ва ғамгин Навоий ёзишдан тўхтаб қулоқ солади. Кўшии боғдан кўшиқ айткви қизнивг овози келади. (Кўшиқ):

Ўн сакизминг олам ошуби агар бошиндадур,  
Не ажаб чун сарв нозим ўн сакиз ёшиндадур.  
Деса бўлгойким яна ҳам ўн сакиз йил ҳусни бор  
Ўн сакиз ёшинда бупча фитнаким, бошиндадур.

(*Ичкари уйдан Абулмалиҳ чиқади ва у ҳам ашулага қулоқ солади.*)

То Навоий тўқди ул ой фурқатидин баҳри ашк  
Ҳарқачон боқсанг қуёш акси анинг бошиндадур.

Абулмалиҳ — Бу ғамгин ўлкада йўқим, бирар уй,  
Ки, сизнинг ше'рингиз куйланмасин.

**Навоий — Куй,**

Газал... Оҳ... Қайтадин тирнар ярамни  
Тагин эслатди у маш'ум ҳарамни...  
„Фақат бир илтимос кўркам чаманда,  
Очиб гул ғунчалар ётканда ханда,  
Жувонмарг ғунчани ҳам эсла, ёд ёт!  
Унутма, доимо руҳимни шод ёт!..“

(*Навоий сўзлар экан, Абулмалиҳ чидайолмай бир чекага бориб йиглайди, йиғисини Навоийдан яширишга ҳаракат қиласди.*)

Унутмайман сени токим, тирикман,  
Сени жон ўрнида сақлар тирик тан.  
Ҳамон қалбимга сен илҳом солурсен.  
Менинг ше'рим блан мангү қолурсен.  
Сенга беш бебаҳо ҳайкал қуурмен.  
Гаҳи Ширин, гаҳи Лайли бўлуб сен,  
Яшарсен доимо достонларимда,  
Хаёнсиз гул бўлуб бўстонларимда...  
Мен эрсам ғам блан йиглаб кетармен.  
Сенинг ишқинг блан танҳо ўтармен...

(*Абулмалиҳнинг йиғиси кучаяди.*)

Яна кўз ёшими? Кўнглимни бузма!  
Ва ёш дар'ёсида беҳуда сузма!  
У дар'ё хавфлидур ғарқ айлагай бот.  
Ўчирмас дил ўтин кўз ёши, ҳайҳот...

**Абулмалиҳ — Пирим...**

**Навоий — Ҳайҳот,** бирор осуда дам йўқ.  
Кўнгил йиглайдию, кўзларда нам йўқ.  
Эсиз... Тақдир экан қайдан билибмиз.  
Азиизим, дун'ёга бевақт келибмиз...

(*Навоий деразадан боққа қараб жим қолади.*)

Мана, фасли баҳор, кўркам чаманда  
Очиб гул ғунчалар қилмоқда ханда.  
Гулимнинг қабрига эккан чечаклар,  
Очилгандур бу чоқ... Оҳим печаклар —  
Каби кўк тоқига чирмашасинму?!

**Абулмалиҳ — Пирим!**

**Навоий — Дўстим,** менга сув бер, кетир сув!

(*Абулмалиҳ кетади. Навоий „Занжир банд шер“ расмига тикилаои.*)

Ажаб занжир банд шер, енгаман дер.

(*Абулмалиҳ чинни косади сув келтириб Навоийга беради. Навоий сувнинг ярмини ичиб, қолганини хонтахта устига қўяди).*

Абулмалиҳ — Мендаги қисмларини оққа күчириб бўлдим.  
Яна тайёр қисмлари бўлса беринг.

Навоий — (хон таҳта устидан қоғоз олади). Қулоқ сол.  
Фарҳодни ҳйила блан банд этиб Ҳусрав олдига келтирдилар. Ҳусрав савол айлади. Фарҳод жавоб берди. (Ўқийди):

Деди: қайдин сен, эй, Мажнун гумроҳ!  
Деди: Мажнун ватандин қайда огоҳ?  
Деди: недур сенга оламда пеша?  
Деди: ишқ ичра мажнунлик ҳамиша!  
Деди: қай ҷоқдин ўлдинг ишқ аро масти?  
Деди: рух эрмас әрди тангга пайваст!  
Деди: ол ғанжу, ишқин қўй ниҳони!  
Деди: тупроққа берман ким'ени!  
Деди: ишқ ичра қатлинг ҳукм эткум!  
Деди: ишқида мақсудимга еткум!

Абулмалиҳ — Ҳечким ишқни бунчалик та'риф қилаолмаган.

Навоий — Зеро, ҳечким ишқ жабрини менчалик тортмаган.  
Бу Фарҳод блан Ҳусравнинггина әмас, Фарҳодлар блан Ҳусравларнинг мунозарасидур. Ол, икки нусха кўчир, бирини шоҳга юборамен.

Абулмалиҳ — Ким блан юборасиз?

Навоий — Мансур блан.

Абулмалиҳ — (севиниб). Худога минг қатла шукур! Пирим,  
мен сизга кўпдан бери айтмакчи әдим, Мансурнинг оёқ олишлари бежо! у... (Мансур киради.)

Мансур — Бу ернинг ҳавосига сра тушунуб бўлмайди. Эрталаб совуқ әди. Қундузи ёмғир ёғда, ҳозир эса осмон чараклаган ойдин кеча.

Абулмалиҳ — Ҳа... Бу ерда бир кунда йилнинг тўрт фаслини бошдан кечириш мумкин. (Чиқиб кетади.)

Навоий — (хаёлчанг). Ҳа... Астрободнинг бир куни бир йилга тенг. Биз ғариллар учун бу ерда умр ўтказиш мажбурий, сенга эса увол. Ҳиротга қайтиш ва тинч ижод блан шуғулланишга рухсат сўраб шаҳаншоҳга бирнечча бор мактуб юбордим. Аммо биттасига ҳам жавоб олалганим йўқ. Агар мен сенга ўхшаш эркин қуш бўлсан, аллақачон гўзал Ҳиротга қараб учар әдим.

Мансур — (қочиримлардан шошиб). Пирим... э... мен сизни ташлаб ҳечёққа кеталмаймен... э... мен сизни отам деганмен...

Навоий — Мен ҳам сенга оталик қилмоқчимен. Сени руҳий азоблардин қутқормоқчимен. Эрта тонг блан Ҳиротга қараб уч, шаҳаншоҳга янги хужжатлар олаборасен.

Мансур — Устоз, ҳазил қилманг, киши чўчир экан.

Навоий — Ҳазилдан ҳам киши чўчийдими?

Мансур — (сўзни бўлак ёққа бурмоқчи бўлиб). Пирим... э... бугун анча янги нарсалар ёзгандурсиз, ўқиб беринг. Янги нарсаларинизга муштоқмен.

Навоий — Янги нарсаларимга муштоқсан... Ҳа! Яхши эсимга солдинг. Бугун ажойиб бир нарса ёздим. (*Қоғозларнинг ичидаи бир шे'р олади*). Мана, эшит! (*Үқиди*):

Нокасу ножинс авлодин киши бўлсун дебон,  
Чекма меҳнат, яхши бўлмас ҳеч касофат олами.  
Ким, кучук бирлан ҳутукка қанча қилсанг тарбият,  
Ит бўлур, эшшак бўлур, бўлмаслар асло одами!

Қалай! Мақбулми?

Мансур — (ўзини йўқотиб). Ҳа... Албатта... Жуда соз...  
Емон одамлар тўғрисида яхши айтибсиз.

Навоий — Дуруст, этироф этасен. Ма, ол! Мендан сенга ёдгор бўлсун. (*Мансур саросима блан ше'рни олади. Шошади. Нима қилишини билмай, ҳа, деб, қўлидаги узукни айлантириб ўйнай бошлайди. Навоий унинг ҳаракатларини синчиклаб кузатади*.) Нечун безовтасен?

Мансур — (ўзини баттар йўқотиб, ёлғон кулиш блан). Ҳеч... Безовта әмасмен...

Навоий — Кулишни унутаёзисен. Илгари яхши ва самимий кулар эдинг. (*Узукка кўзи тушиб*.) О... узугинг жуда чиройлик. Қани менга берчи! (*Мансур ўзини тамом йўқотади. У даҳшатда, узукни Навоийга берар экан, қўли қалтирайди*.) Кўркмал! (*Узукни олиб тамоша қиласди. Мансур зўр ҳаяжон блан Навоийнинг ҳаракатларини кузатади*). Қийматбаҳо узук. Катта хизматлар әвазига мукофот қилиб берса арзидиган узук. *Мал* (*Мансур узукни олар экан қалтирайди. Оғир нағас олади*). Қийин, сенга қийин. Вазифанг оғир вазифа.

Мансур — Пирим... Мен ҳечнарса онгламайётабмен.

Навоий — Мен қиласдиган ишимни, ёзадиган ше'rimни ҳечкимдан яширмаймен. Асарларим офтобнинг нури сингари узи тарқалади. Ҳаммага, шу жумладан Ҳусайн Бойқарога ҳам, Маждиддинга ҳам, бориб етади. Шундай әмасми, дўстим?

Мансур — (эзилган овоз блан). Шубҳасиз...

Навоий — О... азоб қафасларидин бўшалган қушнинг, кўкларга қанот қоқишидин бўлак муддаоси бўлурми? Тонг блан парвозга тайёрлан. Исте'додингни бу ерларда хор қиласа, йигит... Фурбатда кун кечириш оғир... (*Оғир босиб бор томонга кетади*).

Фурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш.  
Эл ангга шафиқу, меҳрибон бўлмас эмиш.  
Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,  
Булбулга тикондек ош'ён бўлмас эмиш.

(Боққа чиқиб кетади.)

Мансур — Фаҳмлабди. Қаттиқ эзди. Тўғри юзимга айтса, ўлдираман деса, бунчалик оғир бўлмас эди. Ҳиротга жўнатиши муқаррар. Аммо мен, мушкул вазифамни бажармасдан Ҳиротга кеталмаймен. (*Шошиб келиб бармоғидан узукни чиқаради, ичи-*

даги зақарни косадаги сувга солади. Егер даста қоғоз күтариб ишқаридан Абулмалих чиқади.)

Абулмалих — Сувга нима солдинг!

Мансур — Ҳечнарса.

Абулмалих — Нега рангинг ўчди! (Сувга энгашади.) Зақар солдинг шакилли, ит! (Мансур Абулмалихга пичоқ уради.) Ким бор! Пирим... (Мансур Абулмалихнинг оғзини босиб, судраб нариги уйга олиб чиқиб кетади. Бироздан сўнг Навоий киради ва ўрнига тез ўтириб ёзабошлиайди.)

Навоий — Абулмалих! (Ишқаридан Мансур чиқади).

Мансур — Лаббай пири! (Навоий таажисуб блан унга жалайди.) Абулмалих ше'рингиэни оқقا кўчириш блан машгул. Хизмат?

Навоий — (ёзишда давом этиб.) Гулоб.

Мансур — (косани узатиб). Мана, пири, гулоб.

Навоий — (уқийди).

Деди: нуши лабидин топқай эл баҳр.

Деди: ул нушдин эл қисмидур эаҳр.

Мансур — Фоят гўзал. Мана гулоб! (Навоий кўзини ше'рдан узмагани ҳолда косани олади. Мансур ҳаяжонда, Навоий сувни ичмоқчи бўлганда Турдибой киради).

Турдибой — Пирим, ҳиротдан чопар бор.

Навоий — Чопар? (Косани ерга қўяди.) Қани? (Бирнече назарлар блан Муминмирзо кирид келади.)

Мумин — Салом, устоз!

Навоий — Ўғлим Мумин! Шаҳзодам! Марҳамат!

Мумин — (Навоийга тумор узатиб). Бобомдин сизга нишони олишон!

Навоий — (хатни очиб ўқийди. Ҳаяжонга тушади). Яна ис'ён! О, тангрим, энди жанжал навбати ота блан ўғилга келибди. Қандай мудҳиш, қандай ёмон тўшкунлик.

Мумин — Балх устида отам блом ўртасида чиққан кўнгилсиз низо', сизнинг зудлик блан бу ишга аралашибингизни тақозо қиласи. Низо'ни сизсиз бартараф қилиш мумкин эмаслитига барчанинг имони комил. Устод, отам блон бобомни яраштириб қўйинг. (Навоий ўйга толади. Жим.) Мавлоно Жомий салом, дедилар ва бу сафар ҳам мамлакатни тинчтишини ўз зиммангизга олишибингизни илтимос қилдилар. Бу улуғ можарони фаят, Астрободдек нотинч бир вилоятда ҳам тинчлик ва осойишталик ўрната билган, соҳиби тадбир Навоийгина бартараф қилаолур, дедилар.

Навоий — Улуғ устод саломат бўлсунлар. Шаҳзода, бобонгиз блан отангизни яраштириш мумкин бўлур, аммо, мамлакатни тинчтиш мумкин бўлмас.

Мумин — Менинг бобомга раҳмим келади.

Навоий — Менинг халққа раҳмим келади. Шоҳ блан шаҳзоданинг бема'ни жанжали, халқ бошига яна оғир фалокатлар келтиради.

Мумин — Шунинг учун илтимосимни қабул этинг, устод!

Навоий — Майли, шаҳзода сизнингча ва устод Жомийча бўлсун. Мен эрта тонг блан отангиз ёнига жўнаймен, ундан Ҳиротга ўтамен.

Мумин — Устоз, мени хурсанд қилдингиз, тангри сизга юз йил умр берсин!

Навоий — Азиз шаҳзода, дун'ёда юз йил яшамак, юз йил азоб чекмак эканини билсангиз эди, эҳтимол менга юз йил умр тиламаган бўлур эдингиз.

Мумин — Азобларни енгиб, халқ учун, ижод учун яшанг! Сан'ат осмонида нур сочучи улуғ юлдузга асло завол йўқ!

Навоий — Афсуски у юлдузларни қуюқ зулмат ўраб олган.

Мумин — Зулмат қанча қуюқ бўлса, юлдуз шунча равшан чарақлади.

Навоий — (*Муминнинг жавобидан хурсанд*). Офарин!

Мумин — Устоз, мен доим ёнингизда бўлишни истар эдим. Аммо ваз'ият ҳозироқ Ҳиротга жўнаб кетишими тақозо қиласди. Мен сизни, хуш хабар блан Ҳиротда кутамен. Менга рухсат.

Навоий — Оқ йўл, шаҳзодам. (*Кузатади. Мумин кетади.*)

Мансур — Пирим гулоб ичмоқчи эдингиз. (*Косани тутади.*)

Навоий — Ҳа... (*Косани олиб ичмоқчи бўлади.*)

Абулмалиҳ — (*Ичкаридан инграб*). Пирим ичманг! Заҳар! Мансур заҳар солди!

Навоий — Ёраббий!

Турдигой — (*Газабли, қиличини филофидан суғуради*). Ит эмган! Мал'ун! (*Мансурга ҳамла қиласди*.)

Навоий — Қизишманг! Табаррук қиличивгизни бу ифлоснинг қони блан ҳаром қилманг! (*Ичкарига кириб кетади. Бирорздан сўнг ҳаяжон блан қайтиб чиқади*.) Турдигой, Абулмалиҳнинг ярасини боғланг! (*Турдигой кириб кетади*).

Мансур — (*Навоийнинг оёғига ташланиб*). Пирим, кечиринг, итлик қилдим.

Навоий — Мен сенинг жосуслигинги билар эдим, аммо қотиллигиндан хабарсиз эдим. Нақадар разолат! Менинг ўлимим, сенга нечун керак бўлди, қотил!

Мансур — Улуғ амир, афв қилинг, менда гуноҳ йўқ, менга буюриб эдилар.

Навоий — Бас! Қуроллари қилич, дор, заҳар! Усуллари ҳийла, найранг! (*Турдигой чиқади*).

Турдигой — Рухсат этинг, устоз, бу ифлосни чопиб ўлдирай!

Навоий — Шошилманг! Мен бу Ёсумани ўз Хусравларига юбормоқчимен. Олиб чиқинг! Сафар жабдуғи ҳозирлансин!

(*Турдигой Мансурни олиб чиқиб кетади. Навоий ёғир ваз'иятда бориб косани қўлига олади. Ичидаги сувга қаратди*).

Заҳар солмоқ әмиш касби илоннинг,

Зулм аждарлари озори жоннинг.

Адолат, деди, халқ, янчилди боши...

Деди, сув, ташналар, күл бўлди ёши...  
Аниқ, тож гарчи ёқут, гарчи зардур,  
Халойиқ, бошига биткан зараптур.

Парда

БЕШИНЧИ ПАРДА

ТҮҚҚИЗИНЧИ КҮРИНИШ

Ҳирот. Ҳусайн саръининг зэли. Ичкарида базм садолари эшитилмоқда.  
Маст амирлар, беклар, мулозимлар у ёқдан-бу ёққа ўтиб турадилар. Шайхул-  
ислом блан Мунажжим бир чекада шаҳмат ўйини блан машғул.

Мунажжим — Кишт! Мот!

Шайхулислом — Э, галат! Фалат!

Мунажжим — Мот! Мот, тақсир! Юлдузингиз яна наҳс бур-  
жига кирди. (Кулиб ичкарига кириб кетади. Ҳовлиқиб Маж-  
диддин киради.)

Шайхулислом — Алишер саройга қайтса ғоят хунук бўлур,  
Мавлоно.

Маждиддин — Хунук ҳам гапми, тақсир, даҳшат денг, даҳ-  
шат. У бизга ҳалокат олиб келади.

Шайхулислом — Бас, ҳалокатни даф' қилмоқ зарур. На-  
ҳотки, ҳечқандай тадбир қолмади?

Маждиддин — Сунгги тадбир қолди.

Шайхулислом — Хўш?

Маждиддин — Агар бу тадбир самара берса Навоий умр-  
бод сарой юзини кўрмагай. (Маст ҳолда Кутбиддин киради).

Кутбиддин — Мавлоно қайдা қолдингиз?

Маждиддин — Секин. Ўзингизни ҳуш'ёр тутинг. Хизматин-  
гиз кўп. Шаҳаншоҳга кўпроқ қадаҳ сўнингл

Кутбиддин — Шаҳаншоҳ қиёмда, сизни йўқлайдилар.

Маждиддин — Ҳозир, боратуринг! (Кутбиддин чиқиб ке-  
тади.)

Шайхулислом — Қандай тадбир?

Маждиддин — Муминмирзо!..

Шайхулислом — Фаҳмламадим! (Ташқариған овозлар.)

Овозлар — Салом, шаҳзода! Алишер саломатмилар?

Мумин — Саломат. Келадиган бўлдилар.

Овоз — Илоҳи саломат бўлинг, шаҳзода.

Мумин — Алишер отам блан бобомни ярантирадиган бўл-  
дилар.

Овоз — Жуда соз!

Мумин — Алишер, юртга баҳт ва осойишталик олиб келади.

Овоз — Бали! Умрлари зиёда бўлсун! (Мумин киради).

Мумин — Бобом қанилар? (Музика, товушига қулоқ солиб  
хафа бўлади.) Яна базм, яна май, яна кайфу-сафо...

Маждиддин — Бу кайфу-сафо эмас, шодиёна. Шаҳаншоҳ, шаҳ-

зоданинг хуш хабар келтиришларига ишонган эдилар.

Мумин — Сиз бобомни мёйпарат қилиб қўйдингиз, саройни эса майхонага айлантирдингиз, Мавлоно.

Мажиддин — Шоир Навоийнинг хизматлари бекорга кетмабдур, кинояларга моҳир бўлиб қайтибсиз, шаҳзода. (*Фоят масть, қўлтиғидан мулоғимлар суюгани ҳолда шоҳ чиқади. Ёнида қадаҳ қўтарган Кутбиiddин*).

Ҳусайн — Мумин! Жигар гўшам, саломат келдингми? Алишер қани? Қани менинг дўстим? Қандай хабар келтирдинг? Сўзла!

Мумин — (қийналиб). Шаҳаншоҳ, ҳозир барибир фаҳмламайсиз. Аввал ҳуш'ёр бўлинг, сўнгра сўзлай. (*Кетмоқчи бўлади.*)

Ҳусайн — Та'на қилма, шаҳзодам.

Мумин — Меъни Алишер олдига жўнатар экансиз, бундан сўнг ичмасликка ва'да берган элингиэку?

Ҳусайн — Бу энг сўнгиси. Ҳафа бўлма. Бундан сўнг сра ичмайман. (*Мумин хафа ҳолда кетади.*) Мумин! Шаҳзодам! (*Маждиддинга*) Сўзла, шаҳзода не хабар келтирди?

Мажиддин — Не хабар келтирганликларини, шаҳзоданинг жавобларидан фаҳмламадингизми?

Ҳусайн — У менинг майпаратлигимдан хафа.

Мажиддин — У сизни ёмон кўради. Сиз Астрободга элчи қилиб юборган шаҳзода, сизга душман бўлиб қайтди.

Ҳусайн — (чўчиб). Нима? Нималар дединг?

Мажиддин — Алишер Бадиуззамон томонга ўтмиш.

Ҳусайн — Бу қандай ҳол? Бу не ҳодиса?

Шайхулислом — Демак, тахтингиз хавф остида, шоҳим.

Ҳусайн — Май. (*Кутбиiddин май қуяди, ѩоҳ устма-уст икки қадаҳ ичади.*) Чора топиш керак! Чора! Чора!

Мажиддин — Шаҳзода Бадиуззамонни таҳт ҳавасидин воз кечишига мажбур этмак лозим.

Ҳусайн — Қандай қилиб? Сўзла!

Мажиддин — Шаҳзода Бадиуззамон ўз фарзанди Муминмирзони ғоят севади. Бас. Муминмирзони ўртага солиб, шаҳзода Бадиуззамонга нома юборинг.

Номада, агар шаҳзода жанг ҳаракатларини тўхтатмаса, Муминмирzonинг ҳалок этилишини уқдиринг.

Ҳусайн — Чўчиб, Нима? Энди мени наберамдан жудо қилмоқчимисиз?

Мажиддин — Мутлақо. Бу бир сиёсат!

Шайхулислом — Ва энг тўғри сиёсат!

Мажиддин — Ўз севгили фарзандининг ҳаёти хавф остида қолганини билган Бадиуззамон Ҳиротга қарши юришии дарҳол тўхтатишга ва сиз блан сулҳ қилишига мажбур бўлғай.

Шайхулислом — Шаксиз. (*Кутбиiddин шоҳга май узатади.*)

Мажиддин — Мана, нома ҳам тайёр. (*Шоҳга қофоз узатади.*) Фақат муҳрингизни боссангиз бас. Шошилиш керак шөҳим, фурсат оз. Шаҳзоданинг қўшинлари пойтахтга яқинлашиб қолди.

**Ҳусайн — (қоғозни олиб ўқимоқчи бўлади).** Нима ёзилга, ўқиёлмайман, ўқи!

**Маждиддин — (қоғозни олиб чўнтағига солади.** Кўйнидан бошқа бир қоғоз чиқаради).

Мазмунини айтдимки шаҳаншоҳ. Таҳририни эса, севикли маликамиз Хадича бегим қилганлар. Муҳрингизни босинг! Номани зуд юбормоқ даркор. (*Шоҳ ёнидан муҳрини чиқариб қоғозга босади. Маждиддин Кутбиддинга шоҳни олиб кет деган мазмунда имо қиласди.*)

**Қутбиддин — Шоҳим,** меҳмонларингиз мунтазир бўлиб қолди.

**Ҳусайн —** Мактуб зуд юбррилсин! (*Кутбиддинга суюниб ичкарига кириб кетади.*)

**Шайхулислом — (Маждиддинга қўл чўзиб).** Қани! (*Маждиддин унга қоғозни беради. Шайхулислом қоғозга кўз ташлаб.*) Мавлоно, бу нома эмас, фармонку!

**Маждиддин —** Мазмуни ҳам бўлак.

**Шайхулислом — (ўқиб, даҳшатга тушади).** Ёраббий! Мавлоно, бу даҳшатку! Бу разолатку!

**Маждиддин — (Шайхнинг қўлидан фармонни юлиб олади).** Тақсир, ўзингизни мас'улиятдин холи тутамен десангиз, тилингизга эҳтиёт бўлинг! Сиз, фармонни ўқуганингиз ҳам, кўрганингиз ҳам йўқ. Мен бу фармонни зудлик блан ижро ётмагим зарур! (*Кетади. Шайхулислом бошини қушии согланича қолади.*)

## Парда

### ЎНИНЧИ КЎРИНИШ

Тўққизинчи кўринишдаги саҳнанинг ўзи. Аммо ҳамма нарса мотам кўринишида. Ичкарига кириб-чиқиб турган маст амирлар, мулоғимлар, иккى томонда саф тортиб турғсан қуролли соқчилар—ҳамиси мотам либосида. Ичкаридан базм ва музика садолари эштилади. Бу зулматхонага, оқ кийим ва оқ саллали Навоий кириб келади. Ёнда Турдивой. Ҳамма Навоийга тэ'зим қиласди.

**Навоий — Яна базм, яна айшу-ишрат...** Саройдин шароб ва қон ҳиди келади. Бу қандай тўю-тантана?

**I-Соқчи — Тўй эмас, аза.**

**Навоий — (мотам либосларига назар солиб)** Дарвоқи' аза...

**II-Соқчи —** Сиз Ҳиротдин кетганингиздин бери юртимизнинг боши азадин чиқмай қолди.

**Навоий —** Таажжуб, янгича аза, янгича базм. Кўзларида ёш, лабларида кулку. Эгнilarida қора либос, қўлларида қизил шароб, тушкунликнинг мужассам тимсоли!

*(Ичкаридан маст ҳолда Кутбиддин чиқади. Алишерни кўриб ўзини тутишга тиришади, хушомад қиласди.)*

**Қутбиддин —** О, Алишер! Хуш келибсиз, ичкарига, марҳамат! (*Алишер ундан нафрлатланиб тескари қараиэзи. Қутбиддин ичкарига кириб кетади. Хондамир киради.*)

Хондамир — Алишер! Устоз!

Навоий — Хондамир, азизим! (*Кучоқлашиб кўришадилар*). Дўстлар саломатмилар?

Хондамир — (ма'юс). Дўстлар зада бўлган қушлар сингари ҳартарафга путраб кетдилар.

Навоий — (ғамгин). Бу куздан нишона.

Хондамир — Бири ўлдирилди, бири сурилди, бири қочди, бири қувилди. Букунги Ҳирот (*саройни кўрсатиб*) Мана!

Навоий — Фам устига ғам... Аза устига аза... Дарвоқи' бу кимнинг азаси? (*Базмхонадан мотам либосида Ҳусайн чиқади. Орқасидан. Шайхулислом, Мунажжим, Қутбииддин ва бошқа беклар, мулоғимлар, сарой аҳллари чиқади*.)

Ҳусайн — (қучок очиб). Алишер! Дўстим! Марҳабо! (*Алишер блан қучоқлашиб кўришади*). Сизни кута бериб кўзларим тешилди. Давлатимизнинг таянчи, гариг мухлисингизга не хабар келтирдингиз?

Навоий — Шодиёна хабар. Мен шаҳзода Бадиузвазмонга урушнинг фалокатини, осойишталик ва адолатнинг ма'носини англаҳдим. Зийрак фарзандингиз шул куни хутбага номингизни қўшуб ўқутдириди. Бинобарин ихтилоф тугади. Аммо мен хуш хабар келтирганимда, шаҳаншоҳ саройининг мотамига ва бу мотам аро базмига боис нима?

Ҳусайн — (йиғлаб). Азиз дўстим, мен бугун шодлигимдан эмас, аламимдан ичамен. Биз севикли фарзандимиз Муминмирзо-дин ажралдик.

Навоий — (ҳаяжонда). Нечук?! (*Ҳусайн жавоб бералмай ишлайди*).

Хондамир — Муминмирзо ўлдирилди.

Навоий — Ёраббий! Нечук? Ким ўлдириди?!

Ҳусайн — Мен ўлдиридим. Ўз қўлим блан ўлдиридим. Алишер, мен тасбиҳ деб қўйнимга солиб юрган нарса, илон бўлиб чиқди. Иблис Маждиддин Муминмирзоны ўлдириш ҳақида фармон ёзиб, менга, мастилигимда қўл қўйдириб олибди. Кеча тонгда у мени ҳам набирамдин, ҳам ўғлимдин жудо қилди. Энди Бадиузвазмон менга фарзанд эмас, хундор душман.

Навоий — Ёраббий! Бу ҳодисалардин илгарироқ мени кар ва кўр қилиб қўйсанг бўлмасмиди. Қотил қани?

Ҳусайн — Ўлдиридим... Дўстим, Сизнинг азиз жонингизга қасд қилган хоин Мансурни ҳам ўлдиридим... Алишер, ёвузлар жазоланди. Бир вақтлар сизнинг оёқларингиз безаган тахт покланди. Сиз яна ўз жойингизни эгалланг. (*Мулоғимларга*.) Вазирлик либосини келтиринг! (*Муншига*.) фармони олийшон ўқулсун!

(*Мулоғимлар вазирлик либосини келтирадилар. Мунши фармон ўқишига тайёрланади*).

Навоий — (рад этиб). Икки ярамасни ўлдириш блан саройни зулмдин, ёвузликдин поклаш мумкин эмас.

Ҳусайн — Алишер, эски гиналарни унутинг. Гулига бўлган мұхаббатингиз туфайли, қадимий дўстлик илларини узманг.

**Навоий** — Гулига бўлган мұҳаббатим, халқимга бўлган мұҳаббатимнинг бир учқунидир. Сиз халқ бошига не кулфатлар солмадингиз? Сиз Маждиддинларнинг сўзига кириб мамлакатда адолат эмас, зулмни кучайтирдингиз. Давлатимизни ҳалокат соҳилига келтиридингиз. Мавлоно Хондамир, бизнинг дарду-қайғуларимизни неча асрлар кейнги наслларга ёлтучи табаррук саҳифаларга рақам қилингким, Муминмирzonинг ўлими Темурилар хонадонининг инқирозидин нишонадур. Ўз қўли блан ўз набирасини ўлдирган, кечаю-кундуз қайфу-сафодин бош кўтармаган, тўйда ҳам, азада ҳам тўхтовсиз ичадиган Ҳусайн Бойқаро салтанатимизни ҳалокатдин сақлаб қолишига қодир эмас!

**Ҳусайн** — Дўстим, сиз яна қайфу-сафони тилга олдингиз. Сиз дун'ё лаззатларидин воз кечиб нима ортдиридингиз?

**Навоий** — Икки буюк дар'ё бўйидаги ҳалқимни як қалам қилдим. Тилимизни таҳқир ва ҳақорат ботқоридин ше'рият осмонига кўттардим. Мен умримга ачинмаймен. Аммо сизга сарф қилган меҳнатларимнинг зойи' кетканига ачинамен. Мен янгишибмен. Мен писта пўчоғидин кема қилмоқчи бўлубмен. Мен ҳақиқат деб ўйлагав нарса сароб бўлуб чиқди. Мен мамлакатда зулм оловлариви сўндириб, адолат маш'алини ёқмоқчи бўлдим, аммо зулм мендан зўрлик қилди. Мен салтанатимизни мустаҳкамламоқчи бўлдим, аммо ҳаракатларим елга кетди.

**Ҳусайн** — Дўстим, ёшлигимизни замон олиб кетди. Саройга қайting, фоний дун'ёning орзу-ҳавасларидин воз кечиб, қолган умримизни хилватда ва фароғатда ўтказайлик. Тахт бебақо, дун'ё бевафо.

**Навоий** — Но умид шайтон. Мен ҳали умидларимдин воз кечканим йўқ. Биз еталмаган умидларга келажак наслларнинг етмоғи мумкин. Қачоңлардур адолат офтоби барқ уриб чиқмоғи керак. Дун'ёда бахт ва ҳаққоният тантана қурмоғи лозим. Одамлар орасида низо' йўқолмоғи даркор. Аммо қачон? Бу савол ҳомон жавобсиз қолди. Лекин инсоният бу жумбоқни ахир ҳал қилур. Чунки унинг қўлида ҳақиқат ва адолат йўлини ёритучи тафаккур маш'али бор. Шунда кишилар мени ўзларининг буюк ҳамкорликларига чақиурлар ва мен асрлар оша ўз ше'рларим блан лаббай, деб, жавоб берурмен. Мен кетдим!

**Ҳасайн** — Қаёққа?

**Навоий** — Ижодимга. Халқимга! (*Кетабошлайди*).

**Ҳусайн** — Алишер, қайting! Ҳузуримда қолинг!

**Навоий** — Хатоларни, қўпайтириш, гуноҳларни ортдириш учунми? Хайр шоҳаншоҳ! (*Йўлида давом этади. Ҳамма бош эгиб турган жойида қотиб қолади. Ташқаридан Навоийни ал-қишилаган халқнинг овозлари эшитилади*).

**Халқ** — (*ташқаридан*). Улуғ Навоийга шарафлар бўлсун! Шоир Навоийнинг умри боқий бўлсун!

М. ТУРСУНЗОДА

## ҒАРБДАН КЕЛГАН „МЕҲМОН“

„Киссаи Ҳиндустон“дан парча

Қайғу аламларда оқарса ҳам соч,  
Тарк әтмас вл күнглип умидлар мудом,  
Баҳор хабарчиси бўлиб қалдирғоч  
Ўйларнинг шипига қўнади оқшом.  
Келгинди аёвсиз қилса ҳам горат  
Бу ерлар тубида ҳали кўп гаваҳар,  
Меҳнати баҳосиз дэҳқонлар шояд  
Янги хазиналар очар илк саҳар.  
Нега йигитларнинг беллари камон?  
Нега кексаларнинг бошлари қуин?  
Нега шунча мажруҳ хасталар ҳайрон,  
Сорқит ахтаради бутун кун бўин?  
Афсонавий води — гўзал Бенголия  
Асоратда қолиб, хор экан мардум,  
Асрлардан бери кемира-кемира  
Шу ҳолга солибти у гарбли маш'ум.  
Йўлнинг ўртасидан юрар кеккайиб,  
Савлати ҳаммани солар ташвишга,  
Қатор фуқаролар ҳориб, буқчайиб  
Унинг орқасидан боради ишга.  
Либоси оқ шоҳи, юраги кўмири,  
Қамиш таёғини ўйнатиб мағрур,  
Ҳиндилар боғида қиласи саир  
Фикру хаёлида айш-ишрат, сурур.  
Чаманзор боғларга киради суқи,  
Олтин—кон тоғларга киради суқи,  
Куну тун санқийди, талаиди элни  
На ором беради, на тунда уйқи.

Дерларки, кўп йироқ туманли гарбдан —  
Келган у сурбетда йўқ номус ва оп,

Бурчакда қалтираб турган ғарибдан  
Энг сүнгги ризқни ҳам олишга тайёр.  
Унга писанд әмас туллар фар'ёди,  
Оналар қўйнида жон берса гўдак,  
Водини қопласа очлар мазори  
Ёки сувсизликдан қуриса чечак.  
Унга керак әмас, кенг кошоналар  
Эрам боғларининг ажиг шукуҳи,  
Унга керак әмас, дўстлар, ошнолар  
Ёки ишқда ёнган ошиқлар руҳи.  
У гўё ахтариб ажойиботлар  
Йироқ Ҳиндистонга тутган бўлар йўл,  
Аммо қизиқтирмас ғаройиботлар  
Фақат вул ахтарар, пул ва яна пул!

Агар йўлларида чиқса оломон  
Ҳатто назар солмас, қилмас эҳтиром,  
Мажруҳ, кар, хасталар қўл чўэса ҳар оғ  
Юзини ўгирап, бермас ҳеч ин'ом.  
У ўзи гадою хастадан баттар,  
Ўғрига чап берар, хасисни алдар.  
Макрда маккорга беради сабоқ,  
Сипоҳдан сипою, қўрқоқдан қўрқоқ.  
Нимани истаса олди, ташиди,  
Кўшкларни, боғларни қилди валангор,  
Қоплону бўрию шаррандаки бор,  
Терисин шилдию гўштин ғажиди.  
Ҳатто суюклардан қилди қўғирчоқ,  
Гавҳару тиллодан ясади мувчоқ,  
Бу ўлка әлини айлади гадо,  
Қилган жафолари бўларми адо!  
Энди қувилсин у келгинди „меҳмон“,  
Энди эркин нафас олсин Ҳиндистон.  
Ҳиндилар ўлкасин айласин у тарк  
Кетиши туфайли эл қўяжак арк.  
Берган жафолари етар, энди бас,  
Сушириб ташланар йўлдан хору хас,  
Заҳарларин сочиб берди кўп азоб,  
Юраклар қон бўлди, жигарлар кабоб.  
Иккиюз йил бўлди келган чоғига,  
Аммо доим ўғри, мудом бегона,  
Шунча ҳукм сурди ҳинди богида,  
Энди салтанати бўлур вайрона.

*Тожикчадан Аширмат таржимаси*

ҲАКИМ НАЗИР

## РАЙСНИНГ ХАТОСИ

Хикоя

Аҳмедов „Қизил шарқ“ колхозининг идорасига келганида, секретарьдан бўлак ҳечким йўқ эди. Қоғозларга ўралиб, ручкани қиртиллатганича хат ёзиб ўтирган қиз, эшикдан „Мумкинми“ деб кирган ўрта ёшли, елкасига сумка илган, қотма, жиддий қиёфали бу кишини биринчи кўриши эди. Уни, деярлик кунига турли ташкилотлардан келиб турадиган вакиллардан бўлса керак деб ўйлади ва жой кўрсатар экан:

- Раис яқинда чиқиб кетдилар, — деб қўйди.
- Қаяқقا кетган эканлар?
- Тўхтахон звеноси тарафга...
- Тўхтахон? — деди Аҳмедов бирнимани эслаб. — Ҳим... Бу ҳалиги юзцентнерчи звеноми?
- Ҳа, ўша. Сиз уни кўрганимисиз?
- Кўрмаганман-у, эшитган эдим...
- Уни эшитмаган одам йўқ. Давруғи кетган. Бултур етмим беш центнердан олган.

— Бу йил-чи?

— Бу йил юз центнер ва'да қилган. Фўзаси жуда яхши. Ҳамманикidan олдин гуллади. Ҳозир кўсакка кирди...

Аҳмедов ўзини танитгандан сўнг, секретарьдан раис кетган томонни кўрсатиб юборишни сўради.

Секретарь қиз кўрсатиб берган арава йўли даланинг ўртарогидаги хирмон қурилган жойга бориб тугади. Бу ер анча баландлик бўлиб, кенг даланинг тир айланасидаги ҳамма нарса кафтда тургандек яққол кўзга ташланарди. Ҳу ана, атрофига қуюқ соя соглсан сада қайрагоч, остида безоғлик шийпонча. Унда рўзгорга тегишли ҳамма қақир-куқур кўриниб турибди. Кўрпа-ястиқ тахлоглиқ. Шийпоннинг туртиб чиқсан ёғочларига кийим-кечак илиғлиқ. Супанинг пастроғида эса катта қозондан паға-паға кўтарилган буф ёзги майнин шаббодада кўпукдай енгил учиб, ҳавога сингиб кетмоқда... Шийпондаги нарсаларнинг бари, бу ер кечаси одам-

ларга вақтінчали ётоқ хизматини ҳам бажарып турғанини күрсатади.

Дала бағрини ям-яшил ғұза гиламдай қоплаган. Пахтазор деңгизни әслатиб, қуёш тигида күкка живир-живир ҳовур таратмоқда. Ана, қызлар әгатлар оралаб кетмөнларни ялтиратиб чопиқ қилишашаипти. Уларнинг нариғида, пешанасига күк Шоҳи қийиқ бойлаган йигит, ғұзаларни авайлаб от етаклаб кетяпти. Ҳалиги қызлар орасидан биттаси йигиттинг ёнига бориб алланимани ма'қуллади-да, сүнг ўқ ариқ бүйлаб бу тарафға шошилиб келаверди. Оғида этик, билагини шимарган, нимчаси әгнига келишган, сочинн дуррачасига құшиб танғиб олган.

Аҳмедов унинг шаҳдам ҳаракатлариға разм солиб туриб „шу Тұхтахон бұлса керак“ деб гумон қилди. Берироқ келгач, бош қимирлатиб: „Тұхтахон сизмисиз?“ — деди овозини унга етказишиша тиришиб.

— Ҳа,... Нима эди? — майин илжайди ва яқинлашиб келгач, савол назарі блан унга тикилиб қолди.

— Ғұзандын тамоша қилгани келаяпмиз-да.

— Жудасоз. Бизнинг звенони ҳам йүқлайдынлар бор экан, — деди-да, қиз ийманибгина далага имо қилди; — агар фурсатиянгиз бұлса, күриб турсанды... Идорага бориб келсам, зарур ишим қиқиб қолди.

— Қанақа иш экан?

— Ҳозир бизда учинчи чопиқ. Ғұзамаизни күрдингизми, қиси-либрок қоляпти. Тағин битта от олиб, құш отлаб культивация қилмасам, вақт үтиб кетяпти...

— Идорада раис йүқ. Шу тарафға үтган әмиш-ку.

— Қайдам. Құрнамади...

Қиз идорага бориш фикридан қайтди-да, Аҳмедовни ўзи келген ўқ ариқ бүйлаб бошлади. Аҳмедов синчиклаб ғұза тупларини күздан кечирди, қараса — ҳосилнинг чүғи унча әмас. Энг етук туплар ҳам ҳали күсак туккунча йүқ. Энди гуллаяпти. Бу қанақаси? Секретарь қызининг мақтовлари қаёқда қолди. „Күсакка кирди“ деган эди-ку? Еки бу ер звенонинг паст участкасимиан? Үндай деса, мана күзбұлмаса чироқ, даланинг ҳаммаёғи баралла күриниб туриби — уч-түрт гектар ер дун'ё бұлармиди?

Аҳмедов колхоз раиси Түйчиака блан кече районда күришиб таплашганда, ундан ҳам Тұхтахон та'рифини әшитган эди. Мана энди дала айланадыбы, раиснинг гаплари уни хила үйләтиб қўйди. Наҳотки раҳбар бўлатуриб, колхозда энг илгор ва донгдор ҳисобланган звенонинг ҳосилини аниқроқ чамалайолмаса...

Бу вақт тушки танаффус бошланиб, қызлар гуруллашганича, шийпонча түпланиша бошлади. Қўзлари жовдироқ бир ўсмир қиз югуриб келиб, Аҳмедовнинг күк кастюм ичидан осилган дала сумкасининг тасмасини кўрибоқ: „Муллака, суратимизни оласизми?“ деб қолди. Дугоналари уялишиб, кетиб, унга қўзларини ўқрайтиришди. Шўх қиз, тап торғаслан, бидирлаб берди:

— Ҳа, нима бўпти. Бизниам суратга туширса арзимапмизми? Ҳа деб Тұхтахон опам тушаверсинарми?

„Бундан чиқади — деди ичиде Аҳмедов,— Тұхтахоннинг олдига бот-бот суратчилар ҳам келиб турар экан...“

Үёк-бүёқдан гаплашиб үтириб, мавзу' звенөнинг етиштириб келган ҳосили устида тұхтади. Звено аввалги йили планини сал оширган бұлса ҳам, лекин вә'dадаги ҳосилни беролмаган экан.

Тағин Аҳмедовнинг шубҳаси ошди ва охири сұрашга мажбур бүлди.

— Сизни юздентнерчи деб эшитган әдик-ку, Тұхтахон?

Қиз бу гапдан кулиб юборди-да, кейин дарров башараси жиддий тус олди. Аҳмедов таажжуб үчиде унга тикилиб қолди: үзи нима гап? Қиз, үртада англашилмовчилек юз берганини билдириб, уэр сүради:

— Кечирасиз... Сиз ҳали үзоқдан туриб отимни сұраганингізда, шошиб турған әдим-да, қулогум құрғура янглиш кирибди. Отимиз үшашроқ-де... Күпинча адаштириб юришади.

Сұхбатлашиб турған бу қиз Тұхтахон әмас, Тұтихон экан...

— Э, шунақами ҳали!

Аҳмедов ҳам қаттық үнғайсизланды. Буни сезмаган қизга Аҳмедовнинг гапи, гүё агар сизнинг Тұхтахон әмаслигингизни билганимда звенонгизга келмас әдим, дегандай туолди, Аҳмедов әса үртадаги үнғайсизликни үйүкотиши учун, дархол үзини танитди: у райкомдан шу колхозга янги белгиланған партия ташкилотчиси әкавини айтган әди, Тұтихон бирдан бу кишига үзини яқын олиб:

— Звеномизнинг иши мақташға арзимайды, — деб шикоятга киришди.— Биз ҳали юздентнерчи бұлаолганимиз үйүк. Тұхтахоннинг үйли бошқа. Унинг ҳосили бизницидан иккى ҳисса баландлик қиласы. Мана бориб күрасиз. Пахтаси күсакка кирди. Теримга ҳам биздан олдин түшса керак.

— Нега шундай?—Аҳмедов қизиқсинаң қолди.—Сабаби нима? Унинг ери яхшими?

— Еримизда-ку, ҳечқанақа фарқ үйүк-ку, фақат... Сизге әнди очиғини айтақолай, унга ёрдам катта. Ой боқса ҳам, күн боқса ҳам үшанға боқади. Раису, бригадири, қачон қарасанғиз Тұхтахонни ерида. Райондан катталар келса ҳам түппа-түғри үшқоққа бошлаб боришади. Ҳаммага күз-күз... Тұхтахондан бошқасини құлидан юқори ҳосил етказиши келмайды деб үйлашадими билмайман...

Аҳмедов Тұтихон блан суҳбатни давом этдирап экан, унинг гаплари ғалати түйила бошлади. Балки, Тұхтахон мусобақада ундан үзіб кетғанлиги учун күролмаётгандир? Еки үртада бошқа бирон гап қочғанмикин? Лекин Аҳмедов шүңча разм солса ҳам, Тұтихонда заррача ичиқоралық сезмади. Тұтихон деққончилекда хом, ишда бүшангмикин, деса асло бунақага үхшамайды. Оғзидаги ошини олдириб үтирадиган анойилар нұсхасидан әмас. У, иккى йилдан бери звено бошлиғи экан. Шерікларининг ҳам аксарияти ерга урса күкка сапчылдиган ва тоғни урса талқон қиласидан забардаст үйгитлар блан бақс бойлашгудай. Шундай бұлғач, нима сабабки...

— Ҳайрон бўлманг ўртоқ Аҳмедов. Менга алам қилганича бор.— деда Тўтихон тушунтириб кетди: — Сизга айтсан, раис бизга ўгайроқ кўз блан қарайди. Мана битта мисол: у ҳам, мен ҳам бир бригададамиз. Еримиз ёндош. Кўриб турибсиз, картамиз яхлит. Бу йилги пландаги иккавимиининг ғўзамиз универсальда ишланиши керак эди. Бунинг фойдасини биласиз, албатта... Унинг ерига тўрт қайта универсаль тушди. Менинг ғўзам бўлса, биринчи чопиқ вақтидан бўёғига трактор бетини кўрганий юқ. Яна кетмон блан отга кунимиз қолди. Кошки тагин берган отлари тузукроқ бўлса!

Бу вақт, пешанасига кўк қийиқ бойлаган ҳалиги йигит ҳам отига дам бериб келди-да, Аҳмедов блан саломлашибоқ, гапга аралаши.

— Жоноворнинг биттаси культиваторни амаллаб тортиб турибди-ку, иккинчисидан иш чиқмаяпти, — деб арз қилди йигит.

— Мана кечаги ғалвани кўринг,— деда Тўтихон диққати ошиб, қоп-қора қошларини чимирган ҳолда, — культивацияни тезлатай, ёрдам беринг деб борсан, раис уришиб бердилар: „иккита от бериб қўйибман, ўшани эплайбер“ дейдилар... Буёқда ўзи иш тифиз келиб турган бўлса...

Тўтихон янги партия ташкилотчисига дилидаги ҳасратини бир варакай тўкиб солди. Унинг айтишича, раис Тўхтахонни мўл ҳосилчи звено деб ҳамма нарсада ортироқ сийлар экан. Инвайке йин, иш оғир келганда бошқа звенолардан Тўхтахонга одам олиб ҳам берар экан.

— Бултур, — деб эсга олди Тўтихон, — пахта териш вактида шошиб қолиб, мен ҳам уч-тўртта яхши теримчи сўраган эдим. Раис: „ҳарбир звено ўз ишига ўзи жавобгар, оғир-енгилини ўзи кўтариши керак, тегадиган даромади ҳам звенонинг ўз меҳнатига қараб тақсимланади“ дедилар. Ўшанда тилим қичиб: „Ҳа, нучук бўлмаса Тўхтахоннинг одамини кўпайтириб бердинги?“ дегим келди-ю, ҳайиқдим.

Буларнинг ҳаммаси Аҳмедов учун унча кутилмаган янгилик эмас эди. Шучоқ райком секретарининг уни колхозга юбориш олдидан айтган сўзлари ёдига тушди. Райком секретари, „Қизил шарқ“ колхозида мусобақа ишларида чатоқлик борлигини айтиб, бунга Аҳмедовнинг диққатини жалб этган эди.

Аҳмедов сұхбатни тугатиб, ўрнидан қўзғалаётганда, Тўтихон асли муддаога кўчди.,

— Бу йил,—деда у — мўлжалим гектарига 60 центердан бериш. Баҳорда комсомолга ўтишда шунаقا ва'да берганиман. Ўринлатоласам, кўпчилик олдида юзим шувит бўлади. Ўзи катта гапириб сўзининг устидан чиқаолмагани ёмон кўраман. Сиздан илтимос...

— Бўлди, илтимосингизни тушиндим. Ҳаммаси тушинарли,— деда Аҳмедов ва унга далда берди.—Ёрдам кўрсатамиз... Фақат, синглим, бўшашмасангиз бас...

...Кечиурун правления мажлиси бўлди. Бу вақт ичиде Аҳмедов колхоз иши блан бир мунча танишиб улгурган эди. Кўпроқ бо-

шини қотирған нарса шу бұлдики, бултур Тұхтахон звеноси планини уч ҳиссача ошириб адо әтгани ҳолда, колхоз ўз планини түлатолмай қолган. Тұхтахон звеноси илгарилаб кетгани блаи бошқа звенолар анча кейинда қолгани күрініб турибда.

— Бу қанақаси?, — деди Ахмедов ўз сүзида, — ахир, юзентерчи звенонинг ўз қаторида битта ҳам тенгдоши бўлмаса!

Колхоз раиси Тўйчиака худди бехосдан уйқиси бузулгандай чўчиб, бир тебраниб қўйди. Ҳосилот Мадали ота ҳам қаддини ростлаб раисга ма'ноли қараб олди. Чамаси улар бунақангى саволга биринчи тапқири дуч келиб туришлари эди.

Ахмедов, аввал ўзи ишлаган Каганович номли колхозни мисолга олиб, айтди:

— Ана ўша колхозга қойил бўлиш керак. Ҳақиқий юзентнерчилари етти-саккизтага боради. Яна бунақа ўртача колхоз эмас, йирик колхоз. Ҳамма нарсаси бор: электростанция дейсизми, электротегириモン, ҳаммом, данғиллама уйлар, клуб, ҳаттоқи кино-гача... Балки у колхознинг ҳавосида, сувида, заминида ё бўлмаса одамларидан фарқ бордир, дерсиз? Йўқ, ҳечқанақа фарқ топаолмайсан!

Ахмедов ўша колхознинг тажрибаларидан гапириб кетди ва сўзининг охирида:

— Демак, — деди уқдириб, -- фақат битта звенога куч бериш блан бутун колхознинг обрўсини кўтариб бўлар эканми?

Бу гапдан хуш'ёр тортиб кетган раис провардида ўз хатосига иқрор бўлгандай кескин баш силкиб:

— Йўқ! — деди.

\* \* \*

Эртаси кун чошгоҳ маҳалда Тўтихон ва унинг дугоналари худди байрамдай зўр қувонч кечирдилар. Звено даласига анчадан бери согинтирган универсаль машинаси ёқимли гулдурос солиб кириб келди...

ШОНАЗАР  
*НОМЗОД*

Ҳамма чапак чалди...  
Күзгалди...  
Уни неча марта кўрганлар,  
Конвеерда бирга ишлашиб  
Дам олиш кун бирга юрганлар,  
Ҳаммаси шу артель  
Шу цехнинг

Ишчиси...  
Гур этиб шу онда  
Баббаробар, яна бир топқир  
Юзларида севинч кулгандай,  
Мастурага қараб қўйдилар.  
Мастура уялди шекилли,  
Қизил юзи яна қизарди.  
Сўнг қадади, узун киприкли  
Кўзларини президиумга.  
Кейин бўлса залнинг шишига.  
Пастки лабин тишлиб, қаради  
Бир дам электрнинг ипига...  
Уни, тенгқурлари — Мастир — дейдилар.  
Бошқаларчи — мастер — дейишар.  
Ҳақиқатан уста тикучи  
Яхши ишлар. Берилиб ишлар.  
Кечагина Олий Советнинг  
Ёрлигини олган эди у.  
Депутатликка арзигудек қиз  
Халқа қилган меҳнати бор-ку.  
Бу ишchan қиз халқ ишончии,  
Ҳалол ишлаб оқлай олғуси.  
Эл баҳтини ўз кўзидай,  
Киприк соясида ардоқлагуси.  
Шу йигинда депутатликка  
Номзод килиб халқ кўтаролди —  
Ўз қизини — Мастурахонни.  
Ҳамма чапак чалди...

М. ОСИМ  
ЙИГИТАЛИ

Хикоя

I

Гудок чалиниши блан бризент куртка, күк комбинзон кийгани ишчилар бирин-кетин цехга кирабошладилар. Стержен бўлимида ишлайдиган қизлар катта столнинг ёнига келиб, фартуқларини кийиб олишди ва бир-бирлари блан чуғуллашиб, кулишиб, ишга бошлишди. Бризент курткалари куйиб, илма-тешик бўлиб кетган бирнечча ишчи катта болгалар блан кран занжирига осилган катта спокаларни уриб, кечаси қуйилган детальларни қолипдан туширабошладилар. Орқасига учта очиқ вагон тиркалган паровоз баланд овоз блан қичқирди ва тисланиб цех ичига кирди, экспедиция бўлимининг ишчилари вагонларни совуқ детальлар блан тўлдира бошлидилар. Металл овози, кишиларнинг ғовир-ғувири, машиналарнинг гулдираши меҳнат кунининг бошлишидан дарак берар эди.

Қисқа бўйли, тўла юэли, бақалоқ, лекин рангпар бир йигит стол ёнида тикка туриб ишлаб турган қизларнинг ёнига келиб саломлашгандা, Лә'ли унга ҳазиллашди:

— Тўлаган ака бугун ишга беш минут кечикиб келдингиз. Нима бало, кеча кинога борганимидингиз?

— Тамошонинг ҳаммаси шу ердаку, — деди Тўлаган қизлар томон имлаб, — нима қиласман кинога бориб.

Қизларнинг ба'зиси ҳиринглаб кулди, ба'зисининг энсаси қотиб, лабини бурди.

— Бугун ҳаммадан бурун келган эдим, — сўзини давом эттириди йигит, — лекин Борис Харитонович мени гапга тутиб қолди.

У, индамасдан ишлаётган ишчиларнинг қаторидан жой олиб, ишга тушди. У энг олдин ерни тозалаб, опока деб оталган икки ёги очиқ чўян яшикви ерга ўрнаштириди ва унинг ичига ёғоч қолип қўйди, сўнгра қўлига бел олиб, опокани тупроқ ва қумдан ясалган состав блан тўлдирабошлади. Опока тўлгандан кейин

Құлиға узун ва учи қайрилган темир олди, опока ичидаги құмни шиббалай бошлади. Құп үтмай, унинг пешанасини тер босиб, нафаси тезлашди. Ранги оқарыб, харсиллай бошлади. Кейин құлдаги темирни ерга ташлаб, опока ёнига чүққайди, икки құли блан қолипнинг четидаги иккита құббачадап ушлади ва уни оқисталик блан тортиб ола бошлади. Унинг қора күзлари модельга тиқилғав, юзидаги гүштлари қимир этмай қотиб қолған эди. У шу топда даққатнинг мужассам ҳайкалиға айланған эди. Ниҳоят қолипни құм ичидан суғуриб олғач, енгил нафас олди, унинг өзін босған юзини илиқ бир табассум әртиб юборди. Форма унинг айтганидек чиққан эди. Тұлған құлиға кичкінаги на андавача олиб, форманинг четини текислади. Сұнгра модельнинг ўрнида ҳосил бұлған ҳавол жойға үзак (стержен) құйди. Шу топда Ла'лининг ашула авозини әшиитди:

Эски боғда тол кесдим,  
Яңги боғда олуча.  
Ватаним гулласин деб,  
Ишлайман күч борича.

Металл овози орасидан әшиитилған бу товуш тоғларда бағай-  
бат тәшлар орасидан оқиб тушаётган булоқ сувларининг шил-  
дирашига үшшарди.

Ла'ли ашуласини битирғандан кейин қызлардан бири:

— Озозингиз мұнчаям ёқимли-а? — деди, — Агар товушингиз-  
ни парварищ қылсанғиз, катта ашулачи бүп кетасиз.

— Бе, ҳушомадингни құйсанғчи, — деди Ла'ли шеригига қия  
қараб, — ашулачи бүлишни бизга ким қўйипти.

— Нима, Ла'лихонни артист қымоқчимисанлар, — гапга ара-  
лашды Тұлған, — товушларингни парварищ қылғандан кұра, құл-  
ларингни илдамроқ ҳаракат қилишга ўргатсаларингчи.

Ла'лининг юмалоқ юзи қызарыб, ингичка қошлары чимирилиб  
кетди.

— Қизиқ гап айтасиз-а, — деди у, — биз сизларни үзак блан  
та'мин қылолмаятипмизми? Қайтага шошириб құяёттипмиз-ку.

— Агар биз конвейерни юргизиб юборсак, барибир ҳар-  
қанча ғайрат блан ишласаларинг ҳам бизга етиб ололмайсанлар.

— Конвейер блан бизни құрқитмай құяқолинг, агар керак  
бўлса, икки норма беришдан ҳам қочмаймиз.

Формовка конвейери бир йилдан бери ишламай ётар эди. Уруш тұхтагандан кейин, сериялы детальларга заказ тушмай қўйди. Шу сабабдан конвейер тұхтатилди. Тинчлик вақтида керак бўладиган детальларни конвейерда ишлаш усулини цех ҳали ўз-  
лаштирмаган эди.

Тұлған оғриган белини ушлаб цехнинг бир чеккасидаги кон-  
вейерга қаради. Конвейер тұғарғанынг ўртасида формовка станок-  
лари, конвейер тележкалари занглаған ётар әдилар. Фойдаланил-  
май бекор ётган ва ишдан чиқаётган ускуналарга юраги ачиди.

Тұлған ўз-ўзидан хүрсінди. Үнинг оғриған мускуллари даң олғандан кейин құлғында яна бел куракни олди.

## II

— Қызлар янги гапдан хабарларинг борми? — деди Асалхон ташқаридан ҳовлиқиб келиб.

— Йұға, янги хабарни сендан әшитмасак, кимдан әшитамиз.

— Әшитмаган бўлсаларинг әшитиб қўйларинг. Цехимизга янги мастер келипти.

— Ким әкак, пайқадингми?

Асалхоннинг икки қоши ўртасида тугунчак ҳосият бўлди; янги мастернинг отини эсга туширишта уриниб, сўл қўли блан пешанасини ушлади:

— Ботиралими, Йигиталими, ҳайтовур отини пайкамай қолдим. Фамилияси Норқўзиев экан.

Бу гапни әшитиб, Тұлған ишдан тўхтади, оғзи очилиб, анқайиб қолди. Кейин лаб-даҳанини йиғиштириб олиб:

— Рост айтасанми, Асалхон, — ё ҳазил-мазак қилаёпсаыми? — деб сўради.

— Сен блан ҳазилкаш әмасмизку, — Асалхон сатангча боғлаган пешанабоғини сўл қўли блан тўғрилаб, олови сўнган папиросни оғзидан олди, — ҳовлиқишингдан Норқўзиев блан ошнага ўхшайсан.

— Ҳа ошнамиз, урушнинг бошида Свердловскда у блан бирга ишлаган эдим, кейин мен, кўнгилли бўлиб, фронтга кетиб қолдим, у заводда қолди. Ўшандан бери алоқамиэ узилиб қолтан эди.

Тұлған устидаги чангни қоқиб, цехнинг бир бурчидаги ўтирган мастернинг ёнига борди ва ундан рухсат олиб конторага чиқиб кетди.

— Янги мастер ёшми, қарими? — деб сўради қизлардан бири.

— Йигирма етти ёшда экан, — деди Асалхон, — у ёғини суриштирсанг бўйдоқ экан.

Асалхоннинг бу гапи Лә'лининг энсасини қотирди.

— Дарров у киши тўғрисида шунча ма'lумотни қаердан тўплай қолдинг?

— Кадрлар бўлимининг секретари үнинг варақасини тўлдираётгандага диққат қилиб турган эдим.

— Ҳалиям болалигинг қомапти, — деди Лә'ли уни койиб, — ёт бир кишининг таржимаи ҳолига мунчалик қизиқиш қиз киши учун уят! Қиз деган бироз сипо бўлади.

Баланд бўйли кўкракдор бир хотин цех дарвозасидан кира, бошлагач, Асалхон „стержен яшиги“га қум тўлдириб, қўлидаги кичкина темиртак блан қумни шиббалай бошлади.

Стержен бўлими мастери Мария Ивановна стол ёнига келиб:

— Қызлар бугун графикани бажарамизми, йўқми? — деб сўради.

— Баҳузур бажарамиз, — деди Ла'ли, — мен ўзим 48-нчи детальдан юзта ишлаб қўйдим, шерикларим ҳам мендан қолишмайди.

Мария Ивановна, тузук дегандай, бошини қимирлатиб қўйди, кейин Асалхонга ўтирилиб қаради:

— Сен боя конторада нима қилиб юриб әдинг? Иш вақтида сандираклаб юриш нимаси?

— Бюллетенимни цехкомга топширмоқчи эдим.

— Бюллетенини танаффус вақтида топширсанг ҳам бўлар эди,— Мария Ивановна сўл кўзини юмиб, бармоғи блан Асалхонга таҳдид қилди,— биламан, сенинг дардингни. Янги мастерга кўз тикиб турганингни кўрмадим дейсанми.

Асалхон унга кулги блан жавоб берди.

### III

Ўрта бўйла, хипча белли, қорача бир йигитнинг цех бошлиғи уста Раҳмат блан бирга келаётганини кўриб, қизлар соchlарини тўғрилаб олишди. Асалхон эса, ёнидан кичкинагина кўзгу олиб, унга ҳараб қўйди. Шодлигидан кўзи чақираган, оғзи гулоғига етган Тўлаган Йигитали ёнида эди. Улар стержен бўлими ёнига келиб тўхташиди.

— Уролдан келган кишига цехимиз кичкина кўринар, — деди уста Раҳмат.

Йигитали устанинг пўстумбадек тоза қирилган бурушиқ юзига, дўнг пешанасига тикилди.

— Цех кичкина эмас, ишлайман деган кишига жой торлик қилмайди.

— Баракалла, ҳамма гап хоҳишда, — уста семиз юзининг гўштларини қимирлатиб деди, — цехимиз чоғроқ бўлса ҳам катта программани бажариб ётибмиз. Бутун облостъни трактор эҳтиёт қисмлари блан та'минлаб турибмиз.

Тўлаган гапга аралашибди:

— Агар бу детальларни конвейерда ишласайдик, программа ни иккι ҳисса ошириб бажариш мумкин бўларди.

Устанинг энсаси қотди:

— Сендан бирор гап сўраяптими? Тушунмаган нарсага аралашиб нима қиласан?

Тўлаган унга жавоб бериш учун оғзини жупладију, лекин янги меҳмон олдидаги уста блан айтишиб ўтиришни ўзига эп кўрмай, тилини тишлади. Индамай орқага чекиниб, қўлига белкурак олиб ишга киришиди.

— Вақти-соати келганда конвейерни ҳам юргизиб юборармиз. Агар эверт занжирига ўхшаган серияли детальларга заказ кеп қолса, уни юргизамиз, — деди уста ўзини оқлаб, — лекин ҳозирги ишлаб турган детальлар — индивидуаль деталь. Уларни қўлдагина ишлаб бўлади.

У Йигиталини цех учасгкалари блан таништирабошлади.

Тушки овқатга гудок чалингач, қизлар фартуқларини ешидилар.

— Қизлар, тезроқ бўлақолинг, — деди Мария Ивановна, — тезгина овқатланиб, яна ишга тушиш керак. Бугунги топшириқ катта.

— Ҳозир опа, — деди Асалхон, — жудаям шоширманг, иш биздан қочиб қутилармиди?

— Сен ўзинг ишдан қочмасанг бўлди, — Мария Ивановна Асалхонга тикилди, — ишлайман дессанг тоғни ағдарасану, лекин ҳавойилигинг ёмонда.

Уста Раҳмат блан Йигитали цехни бир айланиб чиқиб, Тўлаганинг ёнига келиб тўхташи.

— Тўлаган дўстингни ошхонага олиб бўр. Мен конторага борай, — деди уста.

Қовоини солиб ишлаб турган Тўлаган ҳа дегандай қилиб, бошини қимирлатиб қўйди. Уста цехдан чиқиб кетгандан кейин, устидаги чангни қоқди.

— Устанинг бояги гапига хафа бўлдинг шекиллик, — деди Йигитали.

— Йўқ. Хўжайнининг фе'ли менга ма'lум, ўзи қўполроқ бўсаям, кўнглида кири йўқ одам. Шу сабабдан ба'зи вақтда унинг туюдек-туядек гапларини ҳам ютиб кетавераман. Гапига-гап қайтарсанг, жони чиқиб кетади.

— Мундан чиқди, танқидни кўтаролмас экан-да.

Тўлаган истеҳзо блан кулди:

— Ўзидан катталарнинг танқидини кўтаради.

Улар ошхона томон қетар экан, Тўлаган кўнгил ёриб, юрагидаги дардни изҳор қиласбошлади:

— Формовка конвейерининг бекор ётганига жуда ачинаман. Наҳотки 27 бк, 28а детальларини конвейерда ишлаб бўлмаса.

— Дун'ёда бажариб бўлмайдиган иш йўқ, — деди Йигитали, — ҳаммасига ҳам қунт керак. Индивидуаль детальларни серияли детальга айлантириб бўлмайди, деб ким айтади?

— Уста шу фикрда. Тўғрисини айтсан бу ишга бош кўшадиган одам йўқ, Биз қўл блан ишласак ҳам планни бажариб турганимиз учун завод каттаконлари ҳам бу тўғрида ўйламайди.

Тўлаган афтини бужмайтириб, қўлини силкиб қўйди.

#### IV

Уста Раҳмат формовка ишига моҳир бўлган, уни заргарлик даражасигача етказган эски ишчилардан. Жуда мураккаб, нозик детальларнинг қолипини ясаш ва уни қўйиш ишини устага топширап әдилар. Уста Раҳмат қирқ бешга кирган, гарчи бўйи блан маҳтана олмаса ҳам, чорпаҳлдан келган миқти одам. Пўлатдек чиниққан панжалари даҳшатли кучга эга бўлиб, янги түғилган боланинг калласича келадиган муштуми блан ҳарқандай кишини ҳам бир урганда ағдара оларди. Лекин муштумидан бу жилда фойдаланганини хечким билмайди. Унинг ўжар, дўнг пешанаси остидан қараган қора кўзлари, чуқур буришиқлар-блан кесилган юзининг ифодаси унча-мунча кишини қўрқитиб юбориши мумкин.

Уруш бошида кадрларга бўлган эҳтиёж кескинлашган пайтда у цех бошлиғи қилиб белгиланди. Ишчиларнинг қайнаб тошган тайрати, юксак тўлқин сингари уни баланд нуқгага кўтариб қўйган эди. Ишчилар ўз ичларидан чиқсан бошлиқларини ҳурмат қиласар әдилар. Уста кроватини цехга кўчириб келган, кечаю-кундуз ишчилар тепасида тураган эди. Энг оғир пайтларда ишчиларга далда бериб: „ҳа барака топкурлар, бўшашибманг, бира-тўласи урушдан кейин дам оламиз“ дер ва бу пайтнинг келишини сабрсизлик блан кутарди. Дарҳақиқат уруш тўхтагандан кейин у сувга тушган нондай бўшашиб қолди. Агар бирор — янгилик киритиш тўғрисида таклиф киритса, уста: „Барака топкур, кўятур, шундайин ҳам программани бажариб турибмизку“ дер эди.

— Бу янги мастерга тушуна олмадимку, — деди уста бир кун қаршисида ўтирган Васильчиковга, — афтидан ўзини кўрсатиб, обрў ортдирмоқчи. Танқидчиликни ўзига касб қилиб олганга ўхшайди. Гоҳ унга осилиб кўради, гоҳ бунга.

Цех партия ташкилотчиси инженер Васильчиков узун бўйли, каншар бурунли орриқ киши эди. У кўзлигини тўғрилаб, устага қаради:

— Йўқ уста, адашаётисиз, Йигитали тўғри кўнгилли, ишчан йигит кўринади.

— Билмадим, анови куни ошхона мудирига осилиб олипти, „Нега мастава, шавла, ла’мон сингари жайдари овқатлар тайёр ламайсан“ деб тиқилинч қилипти. Ахир ошхона блан сенинг нима ишинг бор?

— Йигитали Норқўзиевич ҳақли,—деди Васильчиков,—ишчиларнинг оғзига ёқадиган хилма-хил овқатлар керак.

Эшик очилиб чўян өритиш бўлими мастери Фомин блан Йигитали кириб келишди. Уста айтадиган гапини ютиб, уларни ўтиришга таклиф қилди. Сўнгра Фоминга қараб:

— Проект блан танишиб чиқдингизми? — деди.

— Ҳа танишиб чиқдим,—деди Фомин яроқ бошини силаб,— фикримча, ба’зи тузатишлар блан уни амалга ошириш мумкин.

У фикрини шошмасдан, бафуржа баён қилишга киришди.

Йигиталининг трактор детальларини конвейерда ишлаш тўғрисидаги проектини директорга топширишдан бурун, уни цехда ўзаро муҳокама қилишга қарор берган әдилар. Бугунги ўлтиришдан мақсад шу эди.

— Конвейерни қайтадан юргизишда учрайдиган барча қийинлеклар ҳисобга олинмаган,—деди Фомин,— аввало конвейер баланд-пастлиги бир текис бўлган опокаларда ишлашни талаб қилади. Ҳолбуки бизда ишланадиган детальлар турлича баландликда бўлган опокаларда тайёрланади.

Йигитали сабрсизлик блан қимирлаб қўйди. Э’тиroz учун оғзини жуплаган эди, лекин кейин ўзини аранг босиб олди.

— Иккинчи қийинчиллик шуки, ўша детальлар турли металлдан қуйиладилар. Конвейерда эса, бир хил металлдан бўлган детальларни қувиш мумкин.

Фомин бу фикрини баён қиласар экан, Йигиталининг қовоғи

солиниб, боши әгилди, ранги бўзариб, бурнининг учи оқариб кетди.

— Ўртоқ Фоминнинг биринчи этирози бутунлай ўринсиз,— деди сўз олиб,— конвейер устига қўйиладиган опокаларни баландлиги бир текис бўлиши албатта шарт әмас. Монорельсга осилган чўмични махсус механизм блан вертикаль ҳаракат этдириш мумкин. Бу механизм, баланд опока келганда чўмични баланд кўтаришга, паст опока келганда пастга туширишга имкон беради. Бу жуда осон гап. Сиз конвейерни яқинда кўрганингиз учун буни билмайсиз. Лекин ўртоқ Фоминнинг иккинчи этирози — жиддий ва асосли. Фикримча ҳамма детальларни бир хил металлдан ишлаш ўйини топиш мумкин.

— Мумкин,— деди Васильчиков бош силкиб,— биз шу масалани ҳал қиласак, нима қилиб, инженер-техник ходимлари деган номни кўтариб юрибмиз.

— Шу маҳалгача буни ҳечким қилган әмас,— деди уста,— ҳечким 37бк ва 28а детальларини бирхил металлдан қўйган әмас.

— Шу маҳалгача буни ҳечким қилмаган бўлса, биз қиласиз,— деди Йигитали.

— Ўзингиздин илгари ўтган мутахассисларни аҳмоқ деб ўйлайсизми?

— Уста нега ўзингиздан ўзингиз бўғиласиз,— деди Йигитали қизишиб,— машина-трактор станциялари бизнинг маҳсулотга ташна. Шундоқ пайтда биз ўз тинчлигимиз устида ўйламаслигимиз керак.

— Ташвиқот юргизмай қўяқолинг,— деди уста,— биз давлат томонидан берилган планни шундоғ ҳам бажариб туримиз. Агар сиздака хомхаёл одамларнинг сўзига кириб, конвейерни юргизиб юборсак, бирор фалокат чиқиши мумкин. Биз ҳозир таваккалчилик йўлига киролмаймиз. Яхшиси, тажрибадан ўтган усувлар блан иш олиб борган ма'кул.

Устанинг гапи Йигиталининг қонини қайнатиб юборди. У ўзини тутолмай устанинг жигига тегадиган ба'зи сўзларни айтди. Айниқса унинг устага тегизиб, „эски усул адвокатлари“, „янгиликдан қўрқадиган кишилар“, „машаққатга тоби қолмаган кишилар“ тўғрисида айтган гаплари устанинг жонидан ўтиб кетди. У ғазабидан дир-дир қалтираб, бир сўз айтамай қолди. Фомин, муҳокаманинг бундай тус олишини кутмаган эди, у ўзини айбдор кишидек сезар эди. Индамай, Йигиталининг қўлтиғидан ушлади ва уни цехга бошлаб олиб кетди. Уста қалтираган қўлига стакан олиб, уни графиндаги сув блан тўлдирди ва сувдан бир қултим ичиб, Васильчиковга қаради.

— Эски усул адвокати бўп қобмиз, уруш вақтида жон олиб, жон берган чоғимизда бу корчалон қаерда әкан. Уруш вақтида ярған уста әнди ярамас бўп қолдими? Ким қари, ким ёш—ҳали кўрамиз.

— Уста ўзингизни тутиб олинг,—Васильчиков кўзлигини қўлга олиб, кўзини сузиб гапирди,— Йигитали ўз манфаати учун

эмас, давлат манфаати учун талаш қилаяпти. Лекин бироз қизғинқонли йигит экан.

V

Заводнинг шарқ томонидаги тепалик паркка айлантирилган эди. Ишчилар бўш вақтларида барглари қуюқ ёш дараҳтларнинг остига қўйилган скамейкаларда ўтириб, дам олишар ёки катта тутнинг соясидаги қироатхонада газетхонлик қилишар, шахмат ўйнашарди.

Йигитали, скамейкаларнинг бирида ўтириб, газета ўқирди. Фир-ғир эсган кузак шамоли унинг пушти кўйлагини ҳилпиллатар, қора соchlари блан ўйнар эди.

— Ҳа деб ўқий берасанми, ишдан кейин мундоғ дам олиш ҳам керак-да.

Йигитали газетадан бошини кўтариб, скамейка ёнига келиб тўхтаган Тўлаганни кўрди. Тўлаган бўйнига тоза ёқа қўйиб, галистук боғлаган, янгигина тарош қилинган юзига упа сепилган эди.

— Марусяхон блан учрашишга ва'да берганга ўхшайсан, — ҳазиллашди Йигитали,— пардоз-андозлар жойида.

Тўлаган жавоб ўрнига сўл кўзини қисиб қўйди. Кейин уёқ буёққа аланглаб, скамейкага ўтириди.

— Ишлар қалай,—деди у,—директор олдинга кирдиларингми?

— Ҳа кирдик. Директор проектимизни ма'қуллади. Эртадан бошлаб, конвейер тележкаларини ремонт қилишга киришамиз.

— Қўлингни бер, дўстим,—деди Тўлаган унинг қўлини сикиб,—ахир ўз номерингни ўтказибсан-да!

Йигитали унинг гапидан кулди:

— Эски гурухбозларга ўхшаб гапирасан-а. Мен ўз номерим эмас, партиянинг йўли учун курашаман. Тўлаган шериги блан сўз уриштириб, енголмаслигини билиб, гапни бошқа бурди.

— Ўзинг бу ерда нима қилиб ўтирибсан? Юр, кинога ғорайлик. Сени яхши қизлар блан таништираман. Кейинги кунларда хаёлчан бўлиб қолгансан. Сенинг бир дардинг бор кўринади.

— Дардим шуки, мен бир қизни яхши кўриб қоғанман. Лекин қизнинг отаси блан менинг юлдузим тўғри келмаётитти.

— Отасини олармидинг, қизини оласан-да,— деди Тўлаган кулиб,— яхши кўрганинг ким?

— Сендан яширадиган сирим йўқ. Уста Раҳматнинг қизи Ла'лини севаман. Қиз блан гаплашиб ҳам қўйганман. Агар отаси қаршилик қилмаса, тўйни ҳам бошлаб юборар эдик.

— Дарров-а? — Тўлаганнинг кўзлари чақчайиб кетди, — энг олдин, мундоғ дўстлар блан маслаҳатлашмайсанми? Шунча иш ўтиптику, биз бехабар қолибмиз.

— Яхши кўргандан кейин эзмаланиб, мулоҳаза қилиб ўтиришнинг нима кераги бор. Бирнече кексаларга маслаҳат қилганимда менинг қароримни қувватлашди. Лекин анови куни устага қаттиқроқ гапирганим чатоқ бўлди-да. Мени биласан-ку, иш устида отамни ҳам аямайман.

— Уста кўнгли оқ одам, — деди Тўлаган, — бирнеча кун думоғ-фироғ қилиб юради, кейин эсдан чиқазади. Бордию уста оғини тирааб олганда ҳам қизнинг ўзи блан келишиб, рўйхатдан ўтиб қўйиш ўнгай.

— Мен ҳам шундай ўйлайман.

— Қиз деган бамисол индивидуаль деталь, — деди Тўлаган, — у алоҳида подходни талаб қиласди.

Йигиталининг наздида Ла'ли ой нуридан тўкилган самовий бир маҳлук эди, Тўлаганинг кейинги гапи унинг ҳисларига ҳақорат бўлиб тушди, афтини бужмайтириб:

— Марусяхон кутиб қолмасин, бор дўстим. — деди.

— Кутмай қайга бораради, — Тўлаган ўнидан турди, — ўзиям мени бирнеча марта кутдириб қўйган эди.

Тўлаган йигирма уч ёшли соглом йигитга маҳсус мағрурлик блан кўкрагини кўтариб, битта-битта юриб кетди. Йигитали анча вақтгача унинг орқасидан қараб турди, кейин яна мутолаага берилди.

— Мунчаям газет устига мункиб кетмасангиз, муллака, — деди қўнғироқдай жаранглаган бир овоз, — ичиди қизиқ ҳангама бор эканими?

Йигитали нохушланиб бошини кўтарди. Унинг олдида кулоги орқасига гул қистирган Асалхон тупарди. Кўзлари сурмали, қошлиари ўсмали бу от юзли сатанг қиз Йигиталига ёқмас эди. Файбатга, гап чақиштиришга моҳир, лекин ишга келганда нўноқ бўлган бу қиз унга ёқиши мумкин эмасди.

Йигитали унга „йўлингиздан қолмасангиэчи, отинча“ демоқчи эди, броқ қизнинг очиқ юзидаги самимий ифодани кўриб, тили учида турган бу гапни ютди.

— Жуда қизиқ бир мақола экан-да, — деди қизга қараб. Асалхон унинг ёнига ўтириди:

— Нима тўғрида экан?

— Тўртинчи бешийилликда оғир саноатнинг ўсиши тўғрисида.

— Мен мункайиб кетганингиздан бирорта олди-қочди хабар ёки қизиқ бир фельетонми депман.

Йигитали гапни бошқа ёққа бурди:

— Нега бугун кечикиб кетаётисиз?

— Бугун қизлар блан душга тушган эдик. Ўйга шошиб нимаям қиласман. Ўйда бизга кўзи учиб турган одам йўқ. Хўш ўзингиз нима қилиб ўтирибсиз.

— Бир одамни кутиб ўтирибман.

— Сизни кутдириб қўйган ким экан? — деб сўради Асалхон, — қизларданми, йигитларданми? Лекин қизлардан бўлса, бу — учрашадиган жой эмас. Ундан кўра мени проходнойгача кузатиб қўйинг.

„Тоза елам экан бу“ — деб ўлади Йигитали, — йўқ десам кўнгли оғрийди. — Кўнгилчаклиги тутиб, ўнидан турди ва у блан бирга кетди. Қизлардан бири уларнинг ёнма-ёни гаплашиб кетаётганини кўрган эди. Бу гап ўша куниёқ Ла'линият қулоғига бориб етди. Ла'ли Йигиталининг саботли ва жиддий йигит эканини билсада, бу хабар унинг юрагини тирнай бошлади. Қизлар

олдида сир бой бермай, ўзини сокин тутсада ичини ари талар эди. У ўз севгисининг бу қадар кучли эканини энди сезди. Севгининг ўгай синглиси рашк унинг тажрибасиз қалбига тинмай игна сончар, ичига дам олов ёкиб, дам сув сепар эди. Йигитларнинг авлиёсигаям инониб бўлмас экан, — деб ўйлар эди у, — шошмасин ҳали, мен у блан бир гаплашиб қўяй: Кунгли бирорда бўлса, нега мени безовта қилади”

## VI

Бугун Тўлаганнинг кўпдан буён ўйлаб юрган нияти юзагачиқсан эди. Шу букун эрталаб конвейер юргизиб юборилди. Унинг ўртасига жойлашган станоклар, тақиллаб, юқоридан — бункердан тушган тупроқни силкитмоқда. Тўлаган ўз станоги ёнига келиб ишга тушди. Бир ишчи монорельсга ўрнаштирилган чўмични дастак блан энгаштириб, аста-секин конвейер устида келаётган формаларга эриган чўянни қуярди. Унинг ширмой нондек бўртган юзини тер қоплаган эди. Опокалардан кўтарилиган сассиқ газлар кўзларни ачиштирас, томоқни қитиқлаб ўйталтирас эди. Нарифоқдаги вагранкадан саҷраб турган учқунларнинг ба’иси Тўлаганнинг олдигача етиб келарди. Броқ, тарақ-туроқ овозлар блан тўлган, тутун босган бу цехда у ўзини сув ичидаги балиқдек сезарди. У бутун дун’ёни унуган, ягона мақсади мумкин қадар кўпроқ форма тайёрлап эди.

Конвейернинг иккинчи томонида уста Раҳмат, кўзлигини пешасига чиқазиб олган Фомин ва қошлирини чимириб Йигитали турав, қолипдан туширилаётган қип-қизил детальларни қўздан кечиришар эди.

— Конвейер брак бераяпти, — деди уста Раҳмат бир детальни қўли блан кўрсатиб, — қаранг дарз кетипти.

Йигитали блан Фомин энкайиб детальга қарашди. Йигиталининг юзи қорайиб кетди.

— Афтидан детальлар яхши совимаётити, — деди у, — қайноқ гаалар опока ичидан чиқиб улгуролмаётити.

— Конвейернинг айланиш ритмини тагин секинлаштириш керак, — деди фомин кўзлигини бурнининг қаншарига қўйиб, — опокаларнинг қопқоғини очиш керак.

Конвейернинг айланиш ритми секинлаштирилди, опокаларнинг қопқоғи очиб қўйилди, броқ бу чоралар яхши натижа бермади.

Уста Раҳмат Йигиталига тикилиб:

— Ишингиизни тамоша қилинг, — деди, — конвейер нуқул брак чиқазаяпти. Қош қўяман деб қўз чиқазиш шу бўлади.

Йигиталининг ичидагун ўнг бир ағдарилиб тушган бўлса ҳам юзи сокин эди. У қаддини тикка тутиб, бўшашган белига муштумини тиради:

— Ҳовлиқишига ҳали эрта, — деди кескин овоз блан, — қачондан буён тўхтаб ётган машиналарнинг бирдан яхши ишлаб кетиши мумкин эмас. Биз бракнинг олдини олиш йўлини топамиз.

— Топасиз, — деди уста заҳарханда блан, — туюнинг думи ерга текканда.

.Нима қылсақ экан- а? — деб ўйлади Йигитали, — Борис Харитонович касал бўлмаганди бир чора топарди. „Бугун уйига бориб, бир маслаҳат олай”.

## VII

Йигитали кампир онаси ва жияни Ойша блан уч хонали янги квартирга кўчиб келишган эди. Таги тахтали, шипига фанер қоқилган ёруғ хоналар бод касалига мубтало бўлган Шаҳри холанинг жонига орам бўлди. Броқ алоҳида ҳовли бўлмагани кампирга ёқмади. У эски ҳовлисида ёз бўйи вақтини очиқ ҳавода ўтказар эди. Янги квартирга кўчиб келган кезлари унинг нафаси бўғилиб, кечаси блан ухлаёлмай чиқди. Кундуз кунлари эса, у хонадан бу хонага юриб, деразаларни ланг очар, бир нарсасини йўқотган кишидай бетоқатланарди. Йигитали онасининг ҳолини англаб, катта ҳовлиниг бир чеккасини айриб олиб, унинг гир атрофига макка жўхори экди. Макка шўдорилар одам баравар ўсиб, девор ҳосил қилгандан кейин онаси блан жиянининг кроватини ҳовлига кўчириб чиқди. Шаҳри хола икки бўйра жойни теша блан чопиб жамбил, раҳон сингари гуллар экди. Йигитали ҳаркун, ишдан қайтиб келгандан кейин, раҳон ҳиди бурқиб турган шу „ҳовличада“ дам олар, сўнгра кичкина Ойшага дарс тайёрлашга ёрдам берарди. Броқ букун у онаси олиб қўйган ошни наридан бери ичиб, квартирга кириб кетди ва стол ёнида ўтириб, қизиган бошини икки қўли орасига олди ва хаёлга ботди. Ўғлининг авзойи бузилганини кўриб, кампирнинг юраги арзиқиб, кўз олди қоронги бўлди.

— Ўғлим сенга нима бўлди? — деди ўғли олдига келиб, — афти-вошингдан тобинг қочган кўринади.

Йигитали бошини кўтариб, кичкинагина юзини ажин босиб кетган, оқ дака рўмол ўраган онасининг меҳр тўла кўзларига қаради:

— Онажон ховотир олманг, соппа-соғман.  
— Бўлмаса, нега рангинг бир ҳолатда?  
— Бир нарсадан хафа бўлдим.  
— Бо, ҳарнарсага хафа бўлаверасанми, ўғлим? — Ўғлини юптиш учун уни янги хабарлар блан таништириди: — Кўшнимиз Ҳачча хола келиб: „ўғлингизга бир қиз топиб қўйдим. Нах орқа сочи товонига тушади, ҳурлиқодек қиз“ деб, тушгача ўзининг бир қариндошини маҳтаб ўлиб бўлди. Кеча куни бўлса, амманг бир қизнинг та’рифини қилган эди. Қизимни бераман деганлардан кўпи йўқ.

— Шундоғ маҳалда кўзимга қиз кўринадими, — деди Йигитали, — ўзимнинг ғамим бошимдан ошиб ётипти. Уйланиш бўлса қочмас.

— Бизнинг топган қизларни ёқтирмасанг, ўзинг биттасини топ. Кўз остига олиб қўйган бирорта қиз борми?

Йигитали иккиланиб қолди, кейин бош силкитиб, „ҳа“ дегандек қилиб қўйди.

Яхши одамларнинг боласими? — мароқланиб сўради кампир, — таглик-тиглик жойданми?

— Ҳа, — деди Йигитали, — яхши одамларнинг боласи. Пешанам ёрқин бўлса, тўй ҳам кўриб қоларсиз.

Йигитали Уралдан келгандан бўён Шаҳри ҳола ҳаркун деярлик тўйдан гап очар, сандуғини очиб, неча замондан бери тўплаб келган бисотларини кўрсатар эди. Броқ ўғли ҳар доим: „Бўп қолар, ҳозирча сабр қилатуринг“ дер эди. Букун ўғлининг жавобидан орезу ҳавасга эришиш пайти яқинлашганини пайқаб кўнгли кўтарилиди. Ўғли шкафдан бир китоб олиб, варақлай бошлагандан кейин, гапни чўзмай ҳовлига чиқиб кетди.

Йигитали зериккан ва кайфи бузилган чоқларда жабр масалаларини ҳал қилиш блан шуғулланарди. У ярим соат овора бўлиб, мушкул бир масалани ҳал қилгач, ўрнидан турди, чироқни сўндириб, эшикни қулфлади ва ҳовлига чиқди. Она ястуқдан бошини кўтарди:

— Қаёққа?

— Васильчиков уч кундан буён бётоб. Бориб, ҳолини сўрамасам уят бўлади.

— Бор, ўғлим, бор, — деди она.

Шаҳри ҳола ўғли келгунча кўзига уйқу олмади. Етган жойида дун'ёнинг у бурчидан кириб, бу бурчидан чиқди. Ёшлиги, кўрган-кечирган машаққатлари кўз олдида гавдаланди. Шаҳри ҳола ўн беш ёшида ўзидан уч ҳисса катта бўлган Норқўзи акага теккан эди. Норқўзи ака маҳалла қоровули бўлиб, камбағаллигидан қирқ олти ёшга киргунча ёлгиз бошини иккита қиломаган киши эди. Умрининг кўпи кетиб, ози қолгандан кейин кағишдўзининг қизи Шаҳринисога уйланди. Бир қиз, бир ўғил кўргандан кейин, болаларини товут капалаги қилиб, дун'ёдан ўтди. Шаҳринисо эса, болаларига ўгай ортдирмаслик учун тоқ ўтди. Энг олдин бойларнинг кир-чирини ювиб, кейин дўппи артелига кириб, рўзгорини тебратди. Қизининг бўйи етгандан кейин уни бир доктор йигитга берди. Қизи тинчигандан кейин унинг икки кўзи ўғли Йигиталига тикилди. „Шуни ҳам катта қилиб, оёққабостиурсам эди, гўримда тинч ётардим“ дер эди. Күёванинг маслаҳати блан ўғлини Москвага ўқишига юборди. Йигитали Москвада индустримальъ техникиумни битиргач, уруш чиқиб қолди. У ўз шаҳрига қайтиш ўрнига Уралга кетди. Свердловскда тўрт йил ишлаб, уруш тугагач, омон-эсон қайтиб келди. У энди бутун умрини онанинг роҳати учун бағищлашга ният қилган эди. Броқ она бечора ўз роҳати эмас, ўғлининг бахти тўғрисида ўйлар эди: „Кўзим очиқлигига, унинг бошини иккита қилиб қўйсан ниятга етар эдим, — деб хаёл сурарди кампир, — у қиз ким экан-а? Одобли, эр ҳурматини биладиган қиз бўлса яхши эди-я!“ Кампирнинг юраги қизиб кетиб, уҳ тортди. Бўлмагур хаёллар блан ўзини қийнаб, чақир тиконга ағанаб ётди. Вақт алла-палла бўлганда Йигитали келди, онасини ухлаб ётган гумон қилиб, индамай эшикни очди, уйга кириб, стол устидаги электр лампани ёқди. Шаҳри ҳола эса, секин ўрнидан туриб, ўғри кишидек дераза пардаси остидан ичкарига қаради. Йигиталининг юзи булутдан қутил-

ган баҳор осмонидек чарақлар, күзлари ялтирар эди. „Ҳайтовур дарди ариганга үхшайди, — деб ўйлади кампир ўзида йўқ шод бўлиб, — энди уни тинч қўяқолай“. У индамай кроватига бориб ётди, орадан икки минут ўтмай, гўдак боладай, пишиллаб уйқуга кетди.

## VIII

— Конвейерга кўз тегдими, нима бало. Юрмасдан бурун тўхтади, қолди.

— Брак бергандан кейин тўхтатмай нима қилади, — деди уста Раҳмат қўлидаги қошибини ўйнатиб, — ёш боланинг сўзига кирсанг, мана шунаقا бўлади.

Ла'ли блан уста овқат кутишиб, стол ёнида ўтиришарди. Ла'лининг онаси Зайнаб опа ошхонада эди.

— Йигитали ўқиган одам экан-у, наҳотки шунаقا хом-хатала иш қилса.

— Гап ма'лумотда эмас, дидда, — деди уста, — ўқиган блан тажриба бўлмагандан кейин фойдаси йўқ.

— Бракнинг сабабини суриштириб билдингизми?

— Ким билади, — деди уста қошини чимириб, — биттаси деталь-нинг совимаганидан, дейди. Бошқаси структураси кераклигича чиқмаётитти, дейди. Хуллас калом, менинг айтганим тўғри чиқди.

— Бракнинг сабабини ҳам аниқ билолмапти, — деб ўйлади қиз, — отамининг ўқимагани шунаقا маҳалда белга тепади-дал\*. У отасига раҳми келар, чунки бир кун эмас бир кун унинг обруси бир пул бўлишини билар эди. Дарҳақиқат уста Раҳмат цехдаги ишларнинг илмий асосларини яхши англамас эди. Вагранкага ташланадиган шихтанинг составини амалда тўғри белгилай олар, лекин чўян эриган вақтида вагранкада қандай ким'ёвий ҳодисалар рўй беришини билмас эди. У вагранкадан эриб тушаётган суюқ металлнинг рангига қараб, унинг иссиқлиқ даражасини аниқ белгилаб бераолар, лекин формага қуйилгандан кейин, қандай ўзгаришлар бўлишини тушунмасди. Шу сабабдан тасодифий ҳоллар рўй бергандан озиэлик қилиб қоларди.

— Йигитали ўқиган йигит, ахир ўзининг айтганини амалга оширади, — деди Ла'ли.

— Мунча ўқиган йигитларнинг ўнтасига ўзим бас келаман, — деди уста. Кейин қизига шубҳа блан, кўзини қисиб қаради. — Мунча унинг ёнини оладиган бўп қолдинг, бир гап борми?

Ла'ли қизарип кетди, лекин у деразага орқаси блан ўтиргани учун, отаси буни сезмай қолди.

— Нима гап бўларди?

— Йигитали блан гаплашиб турганингни кўришиптику.

— Кўришган бўлса, кўришар, — деди қиз ўзини тутиб олиб, — бир жойда ишлагандан кейин гаплашмай бўлмайди.

— Гаплашсанг майлигаку, лекин унга кўнглингни берма. Йигитали ўқигани блан каттанинг ҳурматини билмайдиган йигит экан. Агар тақдир битса сени Аҳмедовга берамиз.

Ла'ли дик этиб ўрнидан турди:

— Ўлсам ҳам ўша совуққа тегмайман.

Уста Раҳмат эшикни тарс этиб ёпиб чиқиб кетган қизининг орқасидан қараб қолди. Ўз-ўзига „ҳай лодон қиз, ўз баҳтини билмаган лодон“ деб қўйди.

Механика цехида ишлайдиган инженер Аҳмедов онасини уларнинг уйига совчи қилиб юборган эди. Уста қизини унга беришга тарафдор бўлса ҳам, қизини бунга сра кўндира олмади. Ла'ли, Йигиталининг тўғрисидаги туҳмат гапни эшитгандан кейин Аҳмедовга тегишга розилик ҳам бермоқчи бўлган эди, лекин вақтида ўзини тутиб қолабилди. Энг олдин цехдаги қизлар орасида юрган мишиш гапларни текширмоқчи бўлди. Орадан бир ҳафта ўтгандан кейин у аччиғидан тушди, Йигитали тўғрисидаги гаплар ўринисиз эканини билиб, унга аввалгидан ҳам кўпроқ меҳр қўйди. Агар отаси унинг Йигитали блан қўшилишига тўсқинлик қиласа, ўз билганини қилишга жазм қилди. Ўз қизининг фе'лини билган уста безовта бўлиб қолган эди.

Зайнаб опа эшикдан кириб: „овқат пишди, сузаверайми?“ деб сўраганда у:

— Йўқ қўятур, — деди, — бир пас келиб ўтири, сенга икки оғиз сўзим бор.

Ўттиз саккизга кирган бўлса ҳам, гўзаллигини ҳали йўқотмаган, кулча юзли хостини ёнига келиб ўтириди.

— Қизимизнинг насиҳат қилиб қўйсангчи, — деди уста, — қиз бола онанинг гапига киради. Тесса, Аҳмедовдек Йигитга тегадида. Ақлли, ҳушли, ёввош Йигит. Ота-онаси ҳам бошида. Мундан ортиқ тағин нима керак.

— Қизимизнинг кўнгли бўлмагандан кейин нима қиласми, — деди Зайнаб опа рўмолини пешанага тushiриб, — эски замон эмаски, зўрлаб уни узатворсак. Биттаю битта қизимизнинг кўнглига қарамасак, кимнинг кўнглига қараймиз.

— Қизинг лодонлик қилаяпти-да, — деди уста афтини бужмайтириб, — цехимиизга янги бир мастер келган. Шу Йигит қизини бошини айлантириб қўйган кўринади. Ўзи кўп беодоб Йигит. Каттани-катта демайди, кичикни-кичик. Ўз айтганини қиладиган ёшлардан. Анови куни дўсти Тўлаганга айтган эмишки, „устага қаттиқ гаплар айтиб, олдида беодоблик қилиб қўйдим, кечирсин“ деган эмиш. Лекин барибир хом тами' бўлмай қўяқолсин.

— Ўзи тузук йигит бўлса, берсак ҳам бўлади. Қиз деганни асраб ўтириб бўлмайди.

— Э, хотин кишига гап уқтиргунча куфур бўлиб кетасан, — деди Уста, — ақлинг етмаган нарсага, нима қиласан аралашиб. Бор, ошингни суз!

## IX

Якшанбадан бошқа кунлари „Кўл-боғ“га одам жуда кам киради. Кираверишда электр нури блан тўлган „рақс майдончаси“ боққа кирган кишиларнинг кўпини ўзига жалб қиласди. Кино-театрда сеанс бошлангунча тамошобинларнинг кўпи асфальт майдончада

рақс этучи ёшларни ёғоч панжара орасидан тамоша қиласылар. Катта күлнинг атрофида қоровул каби турган дарахтларнинг остидаги скамейкаларда қиз-йигитлар пичиллашиб ўтирадилар. Бу скамейкалар олдиdan ўтган киши капитарнинг ғувиллашига ўшаб эшитилган секин овозларни, қисқа ва босиқ кулги товуши эшигади. Күлнинг зилол суви устида айланиб юрган қайиқлардан, ашула, гармон, гитара садолари күкка күтарилади. Кундузи блан чекка-чеккада ҳолсизланиб ётган шамоллар, қоронғи тушиши блан, қанот кериб, күл атрофида жавлон қиласылар, мажнун толларнинг узун сочидан тортиб, уларга ҳазиллашадилар.

Күлнинг четига қўйилган танҳо бир скамейкада икки ёш гаплашиб ўтиришарди. Қўк костюм кийган йигит қаддини тикка тутиб ўтирап ва ёнидаги қизга бир нарсани ўқтиromoқчи бўларди:

— Нима қиласиз бекордан-бекор ўзингизни хафа қилиб, иккавимизнинг кўнглими бир бўлгандан кейин, ҳечким орамизга тушиб, баҳтимизни бузолмайди. Отангиз кўнса — кўнгани, бўлмаса ўз турмушимизни ўзимиз ҳам қурабиламиз. Баҳт деган нарса бир дуч келиб қолганда, уни маҳкам ушлаш керак, бўлмаса, бутун умр бўйи пушаймон ейсиз. Атрофингизга қаранг. Кўзингиз олдида товланиб турган мана бу кўлга, шамолда чайқалган мана бу мажнун толга қаранг. Буларнинг ҳаммаси бизни шодликка, қувноқликка чақиради.

Севги ва баҳт деган нарса ҳарқандай кишининг ҳам тилини бурро қиласы. Умрида математика блан техникадан бошқа нарсага қизиқмайдиган Йигитали шоир сингари галирар ва бунчалик силлиқ сўз лаётганига ўзи ҳам ҳайрон қоларди. У ўзини шундай енгил сезардики, қанот ёйиб тиниқ осмонда жўр сингари парвоз қилгуси келарди. Ёнида ўтирган Ла'ли унинг наздига ерда туғилган эмас, балки аллақайси бир оламдан келган, нурдан тўкилган маҳлум-қа ўшарди. Қизнинг тоза ювилган қора соchlари, юзининг оқлигини ортдирар, йигитнинг кўнглини ёндиради.

— Агар рўйхатдан ўтиб қўйсак, отангиз тўй бошлаб юборишга мажбур бўлиб қолади.

— Тўғри, — деди Ла'ли, — лекин қўни-қўшни, қариндош уруғ бунга нима дейди.

— Нима деса дер. Ўзимиз буни тўғри деб топгандан кейин бирорнинг гапи блан нима ишимиз бор. Дун'ёда ҳаркимнинг сўзига қулоқ солаверсанг, бир қадам ҳам ташлай олмайсан, киши.

— Одат-расм деган гап ҳам бор.

— Одатларнинг яхшисини олиб, ёмонини ташлаб кетавериш керак. Афсуски халқимизнинг бир қисми ҳалиям ярамас одатларни қўллайди. Кечак мени эски танишлардан бири тўйига чақирган эди. Бориб, сафром қайнаб кетди. Тўрт пуд гурунч дамлаб, уч маҳалладан одам чақирипти. Неча йилдан бери тўй қиласман деб, ўзини сиқиб тўплаган пулинин сарфлади. Ахир, мунақа бема'ни исрэфгарчиликнинг нима кераги бор? Ҳалиям бекасам тўн кийиб, аргимоқларга минган ва дуч келган танишни тўйга айтиб юрган ёш куёвларни кўриш мумкин.

— Тўйсиз, ҳашамсиз никоҳ бўлмайди.

— Ким айтади, тўй-ҳашамни йўқ қилсан деб. Лекин тўйга юзлаб одам чақириш керак эмас. Беш-ўнта оғойнинг, қариндош уруғингни хотинлари блан тўйга айтсанг, бўлди-да!

Ла'ли Йигиталининг ғайрат ва ирода барқ уриб турган чеҳрасига қараб, ўзини унинг ихтиёрига топшириш мумкинлигини биларди. Бундай йигит блан бирга дун'ёнинг нариги бурчига сафар қилишдан ҳам қўрқмаса бўлади. Ҳаммавақт ўз гавдасини тикка тутиб, бошини баланд кўтариб юрадиган бу йигит Ла'лини батамом мафтун қилган эди.

— Менга ишонмайсизми, — деди Йигитали. — Нимадан қўрқасиз?

— Ҳечнарсадан қўрқмасам ҳам, дўстларнинг та'насидан қўрқаман.

— Мен сизни юрати маҳкам, янги қизлардан, деб ўйлаган эдим. Янглишган эканман. Эски урф-одатларга бошингиз блан ботган экансиз. Мустақил бир қадам ҳам ташлай олмас экансиз.

Ла'ли қизариб кетди. Энг яқин кишиси уни иродасизликда, қўрқоқликда айбламоқда эди.

— Энг олдин отани рози қилиш керак, — деди Ла'ли қат'ий овоз блан.

## X

Ранги сарғайган, бурнидан тортса йиқилай деб турган Борис Харитонович блан Йигитали завод директорининг қабулхонасига киришди.

— Иван Кузьмич бўшми?

— Ҳа бўш,—деди хипча белли жажжигина секретарь—боядан бери сизни кутиб ўтирипти.

Энг олдин қўлида қизил папка ушлаган Васильчиков, унинг кетидан Йигитали кирди.

— Келинг, келинг,—деди директор ўрнидан туриб. Қўл беришиб, улар блан кўришгандан кейин ўз урнига ўтирди,—бизни қўрқитиб юбордингизку, Борис Харитонович. Энди касалингиздан аридингизми?

— Ҳа,—деди Васильчиков директорнинг юмалоқ ва ғайрат барқ уриб турган юзига қараб,—бир ўлимдан қолдим. Ҳайтовур юрагим соғлам экан, иситмага бардош берди.

Директор Йигитали блан ҳам ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин, унинг кўзига тикилди:

— Конвейерни нима қиласиз, тагин юргизамиزمи ё шу тўхтаганича тўхтаб қолаверадими?

— Юргизамиз, Иван Кузьмич,—деди Йигитали. Сўнгра директорнинг сўрови блан муваффақиятсизликнинг сабабини ва бракнинг олдини олиш учун конвейерда детальларни советидиган махсус установка ўрнатиш кераклигини тушунтирабошлиди.

— Бу тўғрида бошда ўйлаш керак эди,—деди директор, унинг изоҳини тинглаб,— иккалангизнинг айбингиз блан зарар анча кўрдик.

— Биздан хато ўтди,—деди Йигитали,— хатоларимиз устида ўрганамиз.

— Тўғрироғи хатоларимизни тақрорламасликка ўрганамиз,—деди Васильчиков,—завод бизнинг киритган янгилик орқасида пича зиён кўрган бўлса ҳам, кейинчалик бу зиён ўн ҳисса ҳаён келтиради. Биз Йигитали блан конвейер ёнига ўрнатиладиган „охладительная ветвь“нинг проектини туздик, танишиб чиқинг.

Директор калта, йўғон бармоқлари блан папкани унинг қўлидан олди ва уни очиб, диққат блан қарабайбошлади. Йигитали, „німа дер экан“ дегандек қилиб, Васильчиковга қараб қўйди. Бирнечча вақтгача кабинет сукунатга ботди. Директор, бошини кўтариб, проектга доир Васильчиковга бирнечча савол берди. Васильчиковнинг изоҳотларини диққат блан тинглагандан кейин:

— Проект яхши,—деди,—тезда уни амалга ошириб, конвейерни яна юргизиб юбориш керак.

Йигиталининг жиддий ва сокин чеҳраси, қоронғи уйдан офтобга чиқсан кишининг юзидаи ёришиб, кўз қороочиги кенгайиб кетди.

— Раҳмат, ўртоқ директор,—деди унинг қўлини сиқиб,—шу гапингиз блан бошим осмонга етди.

Иван Кузьмич кулди:

— Яна бир ишқал чиқиб қолса нима қиласиз?

— Нима қилар әдик,—деди Йигитали,—биз ҳарқанақа қийинчиликни ҳам бартараф қилишга ўрганиб қолганимиз.

— Сиздан шу жавобни кутган эдим. Энди бориб ишга тушинг, Васильчиков блан гаплашадиган ишим бор.

Иван Кузьмич индамай бош әнгаштириб чиқиб кетган Йигиталининг орқасидан қаради:

— Бу йигит менга ёқади. Қийин аҳволга тушиб қолса ҳам ўзини олдирмапти. Ўзини тутишини қаранг: бургутга ўхшайди.

— Тўғри, юраклик экан,—деди Васильчиков,—ҳозирги ёшлиарнинг кўпли шунақа.

Директор бош қимирлатиш блан унинг сўзини тасдиқлаган бўлди.

## XI

Уста Раҳмат отпускага чиқсан пайтида „уїда ётиб бир дам олай“ деб ўйлаган эди. Броқ цехни ўз уйи деб билган, меҳнатга ўрганган бу киши учун бекорчилик хасталик сингари та'сир қилабошлади. У бир нарсасини йўқотган кишидек кўчага чиқар, кўнгли тўлмай, уйга қайтиб кирап, кроватда ётиб газета ўқишга уринарди. Броқ мияси ҳечнарсани қабул қилмагач, ҳовлига чиқар эди.

Уста токининг тагини кавлаб туриб, бир нарсани эслади шекиллик, жаҳл блан кетмонни ҳовли ўртасига улоқтириб юборди. Пўнғиллаб, айвоннинг четига ўтириди. Бошини солинтириб оғир хаёлта ботди. Аччиқ хотиралар унинг миясида жонланди. Директорнинг айтган гаплари унинг юрагини жазиллатар эди. Уста директор олдига киргандা, у ҳамма ишларни Йигиталига топшириш кераклигини айтган эди.

— Ўртоқ директор,—деган эди Уста Раҳмат,—мени қаерга юборасиз?

— Қаерга борардингиз, ўз цехингизда қоласиз. биз маҳоратли формовкачиларга муҳтожмиз.

— Ўртоқ директор, Йигитали қўлида ишламоққа тоби-тоқатим йўқ.

Директор кулди:

— Хўжайинликка ўрганиб қолган экансиз-да! Йўқ Уста! Ўзингизни унумтманг. Сиз стол ёнида ўтиргандан кўра станок ёнида давлатга кўпроқ ёрдам берасиз.

— Майли, майли,—деди Уста бошини қимирлатиб,—вақти-келганда хизматларимиз ҳам унутилиб кетаркан.

— Хизматларингизни ҳечким ёсдан чиқаргани йўқ,—директор бармоғининг уничи блан Устанинг кўксидаги медальларни кўрсатди,—булар нима? Хизматингизни тақдирлаганимизга гувоҳ әмасми? Тўғри, уруш чоғида хизмат кўрсатдингиз. Эндиликда ўзингиздан маҳоратли кадрларга йўл беришингиз керак.

Уста унинг ба'зи сўзларини эслар экан, юраги ёнар, лаби қақрар эди. Бекорчи бўлмаганида бу аччик хотиралар унинг миясига келмас эди. „Асли директордан отпуска сўрамай, тўғри цехга кириб, ишлайберсам бўлар экан“—деб ўйлади. „Мен йўғимда цежда анча ўзгаришлар бўпти. Конвейерни яна ўргизиб юборишилти. Ҳа яхши охири баҳайр бўлсин. Лекин Тўлаганни конвейерга мастер қилиб қўйишгани қизиқ бўпти. У киши учун мастер бўлишга йўл бўсин! Тажрибалироқ бир одам қуриб қоптими? Майли, ёшлар бир-бирини кўтараберишсин. Бизни тамоман унудишиди. Бир ҳафтадан буён биттаси келиб, ҳолинг нима кечди, Уста, дейишга ярамади. Майли. Бир кун қадрим ўтар, қидиришиб кеп қолишар“.

Зайнаб опа уйни йиғишириб бўлиб, айвонга чиқди. Айвоннинг четида ўтириб, ўзи блан ўзи гаплашаётган эрининг ғамгин юзига, бир эллик тушиб кетган кўзларига қараб, юраги ачиб кетди.

— Тобингиз қочиб турганга ўхшайди. Ўзингизни дўхтурга кўрсатсангизчи.

— Бе дўхтуринг нимаси,—Уста ўнг қўлининг муштумини тиззасига тиради,—соппа-согман, тоғни урсам талқон қиласман. Бетоблик әмас, бекорчилик мени еб қўяяпти.

— Боққа бориб, акамни кўриб келсангизчи. Уч кундан буён бетоб.

— Ўз дардим ўзимга етмайди, деб ўйлайсанми? Бетоб одамни кўрсам, қайтага ғамим ошиб кетади.

— Боққа борсангиз ҳоврингиз пасаяди. Ўйда ўтираверсангиз жинни бўлиб қоласизку.

Зайнаб опа яна бир нарсани айтишга жур'ат қилолмаган кишидек иккиланиб турди. Кейин кулиб:

— Биласизми мен буқун қаерга бордим.—деди.

— Қаерга борардинг. Бирор қўшниникда бўғандурсан-да.

— Йўқ. Мен ўзимни танитмай Шаҳри холани кўриб келдим. Борсам квартирида бир ўзи ўтирган экан. Бошқа одамнинг уйини қидириб, унинг олдига билмасдан кириб қолган кишидек—

„вой ўлай қаерга кеп қолдим“ деб, кетмоқчи бўлган эдим, мени қўярда қўймай ўтиргизди. Дастурхон ёзи. Бир пас уёқдан, бу ёқдан гаплашиб ўтиришадек хотин экан. Уй-жойи ҳам кўзимга иссиқ кўринди. Кирган киши чиққиси келмайди. Кейин ўрнимдан туриб, у блан хайрлашдим.

Уста унинг гапига афтини бужмайтириб қулоқ солди. Кейин:

— Минг қилса ҳам, уларни Аҳмедовлар оиласи блан тенглаштириб бўлмайди-да,—деб қўйди.

Шу топда эшикни бирор тақиллатди. Уста ўрнидан туриб, эшикка чиқиб кетди. „Ким экан шу маҳалда келган“—деб ўйлади Зайнаб опа, ҳар эҳтимолга қарши уйга кириб, стол устини ҳўл латта блан артди ва стулларни жой-жойига қўйди. Бир нарсани сезгандай унинг юраги тез-тез урап, кўнгли алланечук бўларди. Ҳаял ўтмай, Уста Васильчиковни бошлаб келиб қолди. Зайнаб опа у блан қўл бериб кўришгандан кейин ҳужрага кириб меҳмонга дастурхон тайёрлади.

— Қаёқдан кун чиқди,—деди Уста меҳмонни ўтиргизиб.—Биз томонларга ҳам келар экансизку.

— Ўзингиз ҳам урушган кишидек жим бўлиб кетдингиз,—деди Васильчиков,—биз цехда ўз ёғимизга ўзимиз қовирилиб ётиpmiz, сиз ҳолларинг нима кечти, деб сўрашга вақт топмадингиз.

— Ўйда ўзим блан ўзим ўралишиб қолдом. Янгангиз уч кундан буён акасиникида эди. Мен уй қоровули бўлиб қолган эдим.

Зайнаб опа ашқол-дашқол тўла патнусни стол устига келтириб қўйгач, Васильчиков сўл қўли блан иягини ишқалаб кулди.

— Шунча такаллуфнинг нима кераги бор. Келиб юрган уйимку, биринчи келган меҳмонмидим.

Зайнаб опа айвонга чиқиб, сабзи арчишга ўтириди. Қўли иш блан банд экан, қулоғи уйда эди. Меҳмоннинг товуши яхши эшитилмаганда ишдан тўхтаб, рўмолни кўтариб, қулогини очиб қўярди. Эри блан Васильчиковнинг сўзидан аллақандай мураккаб бир машинага заказ тушгани ва унинг формасини Устадан бошқа ҳечким ясайолмаслигини пайқади. Васильчиков отпускандан қайтиб келиб, формовка бўлимими ўз қўлига олишни Устадан илтимос қиласр эди.

— Яна бир икки ҳафта дам олмоқчиман,—Устанинг йўғон товуши эшитилди,—ахир менга дам олиш керакми, йўқми?

„Уста ноз қилаяптилар,—деб ўйлади Зайнаб,—оғзида йўқ деб турган блан, ичида жон деяётгандир. Қаноти бўлса, заводга учиб кетай деб турган эди“.

— Отпускангиз ҳечқаҷон куймайди,—дер эди Васильчиков,—кейинчалик чўзиб берамиз. Лекин ҳозирги мас'ул пайтда бизга ёрдам беришингиз керак. Ахир бу ишни сиздан бошқа одам қиломайди. Агар илтимосимизни рад қилсангиз, сизни ишга таклиф қилишга ҳам ҳаққимиз бор.

Зайнаб эрининг жавоб беришини кутиб ўтирмасдан ошхонага кетди. Ўзоққа гуруллатиб олов ёқиб юборди. Қозонда қизиётган ёғни капгир блан айлантирас экан, унинг юзи ойдек.

порлар әди: „Бутун цех Устани кутиб турган әкан, цех бошлиғи унга атайин киши юборипти“.

Зайнаб опа паловни дамлаб қўйғандан кейин эрини имлаб айвонга чақирди.

— Палов тайёр бўп қолди, сузаберайми?

— Дарров тайёр бўлақолдими? Вой опахоне — Уста хотининг орқасидан қоқди,—тайёр бўлган бўлса, сузақол.

Зайнаб опа озгина вақт ичидагида катта ўзгариш юз берганини кўриб, ҳайрон қолди. Устанинг нурсизланиб қолай деган кўзлари ялтирап әди.

Зайнаб опа айвонда бир ўзи қолиб, лаганини ювар әкан Васильчиковнинг:

— Йўқ ичмайман, менга зиён қиласди,—деган овозини эшилди.

— Бир рюмкадан,—деди Уста,—йўқ десангиз хафа бўламан.

Палов еб бўлғандан кейин иккала дўст анча вақтгача сухбатлашиб ўтиришди.

Эртасига Уста Раҳмат ишга тушди. У ўзини, узоқ сафарда юриб, ўз уйи-ўлан тўшагига қайтган кишидек ҳис қиласди. Цехда ҳамманинг кўзи муҳим топшириқни бажараётган Устага тикилган әди.

Уста катта опокани қум блан тўлдираётганда янги цех бошлиғи унинг ёнига келди.

— Ҳорманг Уста,—деди бош қимирлатиб,—етишмаган нарсангиз бўлса айтинг, биз дарров муҳайё қиласмиш.

— Ҳамма нарса жойидаку, фақат қумнинг сифати бўшроқ.

— Дарров тўғрилаймиз,—деди Йигитали,—лекин ишлаган формангиз жуда соз чиқипти. Кўриб қойил қолдим.

— Ҳа,—деди Уста ишдан тўхтаб,—шу иш блан суюгимиз қотганда.

— Эски одамларда гап кўп. Сиздан ҳали кўп нарса ўрганса бўлади. Формовка бўлимини қайтадан қуриш тўғрисида сиздан бир маслаҳат олмоқчи әдим...

— Маслаҳат беришдан қочмаймиз,—деди Уста кўкрагини кўтариб.

— Қачон бўш вақтингиз бўлади?

— Ҳали ишдан кейин кабинетингизга ўзим чиқаман.

— Хўп. Энди мен қум тайёрлаётган ишчилар олдига бориб, ҳалиги айтганингизни тўғрилай.

Уста Йигиталининг орқасидан қараб қолди. „Яхши йигит кўринади,—деб ўйлади,—ўзини тутишини қара. Ўз обрўсими ҳам қўлдан бермайди, бирорнинг қадрини ҳам билади. Ўғил бола шундоғ бўлиши керак. Лекин мен у тўғрида илгари адашган эканман“ Устанинг кўнгли юмшаб, Йигиталини ўз ўғлидек севабошлади.

Орадан кўп вақт ўтмай, патир ушатилиб, Йигитали блан Лалининг бир-бирига унашилгани ҳаммага ма’лум қилинди. Ҳар иккала томон тўй ҳаракатига тушиб қолди.

БИКАДОРОВ

## ОЛТИН ЧИРОГЛАР

Баҳор қуёшидан жонланмиш води,  
Ажид манзарага кирмишди тоғлар.  
Киши баҳрин очар Фарҳод баҳори,  
Меҳнат баҳорию, олтин чироғлар.

Пўлат оқимидаи болқиб оқар сув  
Мармар Платина кўксиди мағур.  
Ана тилга кирди турбина чархи,  
Ва сим-томирларда жимирилади нур.

Фарҳод қоясидан чатнаган бу нур,  
Узоқ-узоқлардан порлаб кўринар,  
Рубилник босилар, гувиллар мотор,  
Ва пўлат чўкичлар, металл, кемирад.

\* \* \*

Шундай бўлган эди:  
Кунлардан бир кун —  
Фарҳод қоясида ёқилди гулхан,  
Минг ҳил оҳанг блан бўрон увлади,  
Ўтли жангоҳларда қўпгандай тўфон.

Қовжираб қолганди тоғлар шамолдан,  
Чанглар қуюн бўлиб кўтарилади,  
Бўрон томирларнинг тўхтатиб қонин,  
Чалиб, ерга гуппа-гуппа уради.

Ер-сувни музлатди, яхлатди лекин —  
Яхлата олмади одамнинг қалбин.  
Чунки томирларда қон эмас, оташ,  
Ҳаёт оташидир, мисоли ёлқин.

Олов етиларкан чақнаб ҳарсангдан,  
Ларзага келарди Фарҳод саҳроси.  
Тоғ оралиқларда момоқалдироқ!  
Бўшлиқни титратди акси садоси.

Палаҳса-палаҳса кўчган ҳарсанглар,  
Дар'ёга чўкарди мисоли наҳанг,  
Одам устун қоқиб дар'ё тубига,  
Фонтан кўприк учун қилар эди жанг.

Чопонини ечиб, кўксини очиб  
Муз ёриб ҳоврини гурлатар одам,  
Ердан узиб бўлмас харсанг кўтариб,  
Асов дар'ё узра итқитар одам.

Қани ушлаб бўлса уни даф'атан,  
Қани тўхтатолса гов блан тўғон,  
Минг йиллик ғазаби блан ҳайқирад,  
Минг йиллик ғазабли дехқон ҳам ҳайрон.

Бетон занжирларни әلامас дар'ё,  
Уриб, узиб борар ёввойи оқим.  
Тоғларни тўнтариб, қишлоқни ювиб,  
Бўлмоқчи кишилар устидан ҳоким.

Ҳайқиради ёмон, қамчилар шамол,  
Юзга урилади муздек томчилар.  
Шағал отилади, қум сочилади,  
Аммо одам эса, билганин қилар!

Ана!

Бирдан ортга отилди тўлқин.  
Бирдан кучсизланди дарғазаб ўпқон,  
Бирдан кўтарилди мағрур плотина,  
Ҳайқириқ янгради, янгради майдон!

Ана, тўғонгача кўтарилди сув,  
Ой нури ҳалқадек сувга қўкади,  
Янги издан борар дар'ёйи инжу,  
Янги қирғоқ уни чалп·чалп ўпади.

Голиблар боради қирғоқ ёқалаб,  
Қўлларида болта, теша, лом ва бел.  
Ялангликда эса канал очмоқ учун  
Заранг тепаликда ер қўпорар эл.

Писанд қилмас улар қишининг қаҳрини  
Аёз бўрони ҳам қилолмайди кор.  
Асад қўзғар эди томирларда қон  
Ток гуркирагандай симда шиддаткор.

Үйроқ ўтиб кетди узун түнлар ҳам,  
Маш'аллар ёритди канал бўйини,  
Тонг отарди оппоқ, шабода майин,  
Яна бошланади баҳор ўйини.

Шовқин сол, қўшиқдай жарангла, дар'ё,  
Шундай куйлагилки, одам қудрати —  
Букун Бекободда нур яратди, вур,  
Ленин давронининг маш'алин ёқди.

Кремль нурлари — ёруғ юлдузлар!  
Фолиблар йўлини сиз ёритдингиз.  
Фарҳод тоғига ҳам чиққан йигитнинг  
Йўлини такрор Сиз порлоқ этдингиз.

Ғалаба бизларга мангу бир мерос,  
Коммуна йўлида чаманлар, боғлар.  
Киши баҳрин очар Фарҳод баҳори,  
Меҳнат баҳорию, олтин чироғлар!

*ТУРОБ ТЎЛА таржимаси*

## СОДИҚ ҚАЛАНДАР

### БИЗ УРАЛДА

*Повесть\**

Ботир жанг түс-түполони ичидә шундай қизиб кетган эдикні, бино томондан— „отиши тұхтатилсін!“ деб берилған командағы әшитиб ўзига келди. Лекин шу вақт унинг яқинидан „менинг ортимдан!“ деб команда берган иккінчи таниш овоз әшитилиб қолди, гранаталарни құлғы ростраб олиб югуришиб үтиб бораёттан бир гурух жангчиларнинг ортидан майдоннинг қоронғы бир бурчагига әргашиб кетди. Қоронғыда адашди. Қайси томонға юришини ўзи билмай қолди. У тикка қадам ташлаб борар әди. Шу вақтда қаршиисида унга томон келаёттан олтита немисни күрди. Бирдан құлдырағы гранатаны иргітди ва ўзи ерга ётиб қолди. Яна дарров үрнідан иргіб турди ва автоматини отиб ўзига йўл очабошлади. Немисларнинг майдон блан битта бўлиб ётган ўликларига қоқилиб бинонинг әшигига яқин келганды, чиллакдай учди. Бирдан иргіб турган әди яна қайта ийқилди. У шундагина яраланганини сезди ва бинога кирадиган әшикка томон тез-тез әмаклаб кетди. Ҳали майдонда жанг томом босилмаган әди, унинг қулоғига ҳар томондан келаётган оёқ товушлари, деворлар тегида ётган ярадорларнинг инграши, бинога кириб олган жангчиларнинг шовқинлари әшитилар әди.

Ботир бино деворнга сүялди. Тұғридаги уйният очиқ турған деразасига күзи түшди, бинонинг ичидә бекиниб қолған немислар деразадан күчага ташлаб қочишиб кетмоқда әди. Ботир дарров автоматига запас дискасини үрнатди да, қисқа очеред блан деразадан чиқиб бораётган немисларга қараб отабошлади. Немислар ўқ отилаётганини күриб туриб ҳам ўзларини деразага уришар, ўқ тегиб орқасига ағдарилиб тушишар әди. Охири немислар тұхтади. Ботир ҳам индамай қараб турди. Лекин немислар автоматнинг қаердан отилаётганини аниқ билолмас әдилар. Бир пасдан сўнг немислар яна деразага отилабошлади. Ботир ҳам чиққанлардан бирортасини тирик юбормади.

\* Боши журналнинг ўтгас сонларидан.

Ботир билаги толиб чап ёнига ағдарилган эди, чап оғеининг тиззадан пасти шундай қаттиқ оғридики, бутун бадани ўт бўлиб кетди. Чидалмаганидан тишини тишига қўйиб бутун кучи блан зўрға ўзини тутди.

Чорсида шовқин-сурон босилган эди. Бир минут бундан аввал ерни ларзага келтирган отишма ва портлаш овозлари босилган, лекин ҳар томондан ярадорларнинг инграшлари ҳамон эшитилиб турар эди.

Ботир зўрға әмаклаб эшик яқинига борди. Унинг қулогига бирорвнинг инграган ва йиглаб додлаган овози келди. Ботир атрофига аланглади, бурчакда ўзбекчалаб кимнидир йўқлаб, йиглаётган бир ярадорга кўзи тушди. У ярадор ўзбек бўлишидан ташқари, унинг овози Ботирнинг қулогига танишдай эшитилди. Ким экан бу? У ўз оғеининг оғриб турганига қарамасдан, судралиб зўрға унинг ёнига борди. Ярадор ерга чалқан ётиб, кўзлари хонасидан чиқиб кетган ҳолда „вой-дод“лаб йиглар эди. Ботир бу кўзларни дарров таниди. Бу кўзлар унга бир вақтлар раشك блан қараган таниш кўзлар эди. Ярадор бир нафас тўхтамай инграмоқда эди.

— Онажон... Вой онажон!...

Бу Қодирали эди. Ботир ўз-ўзига ишонмасдан ўнг тирсагини ерга тираб, ярадорнинг юқорига тикилган ёш тўла кўзларига қаради. У ҳам инграшдан бироз тўхтаб тепага қаради ва яна бирдан кўзларини чиппа юмди.

— Қодирали, сизга нима бўлди? — сўради секин Ботир, — қайерингиздан яраландингиз? Мени танидингизми?..

Қодирали жавоб бермади, кўзларини қаттиқ юмиб йиглар, юзларига ёшлари оқиб тушар эди. Ботир унинг деволдай оқариб кетган юзларига бир пас қараб тургач, елкасига кўтариб бинонинг ичкарисига олиб кирмоқчи бўлиб ўзига томон тортган эди, оғеининг оғриги шундай кучайдики, энди сра чидаш мумкин эмас эди. Лекин шу вақтда орқадан гувиллаб бир нарса буларга томон келабошлади. Ботир бошини ерга қўйиб кўзини юмди. Унинг юрагида аллақандай, лекин жуда севимли узоқ хотиралар учқунланди. Аммо бу хотиралар, бутун атрофни қоплаган оловлар, отишмалар, портлашлар, чинқиришлар блан дарров узилиб, ҳуши блан бирга хаёлидан кўтарилган эди.

## VI

Тўфаҳон Умар орқали Оля блан танишиб олди. Буларнинг дўстлиги кундан-кун мустаҳкамлана борди. Бир-бирининг ички сирлари, умид ва армонларидан яхши воқиф бўлган бу икки ўртоқ бирор кун бири иккинчисини кўрмаса, туралмайдиган бўлиб қолишиди. Оля Тўфаҳонга рус тилида ёзишни ва математикани ўргатди. Кузга бориб ҳар иккаласи ҳам бир мактабга ўқишга кирмоқчи бўлишиди.

Келажакдаги баҳт орзусида ёнган бу икки қизнинг дўстлиги борган сари қалинлаша борди. Буни ҳамма билар эди.

Кунлар ўтди. Ез ҳам тамом бўлди. Шимолдан эсган совуқ шамол дарахтларнинг баргларини тўқди. Куз етиб келди.

Бир кун Оля ёнма-ён ўтириб Тўфахонга рус тилидан ёзиши ўргатмоқда эди, Тўфахон қўлларини иягига тираған ҳолда бирдан жим бўлиб қолди, уининг катта-катта қора кўзлари жиққа ёшга тўлиб кетди. У дарслик китобини нарироқ сурисиб қўйиб секингина Оляга деди:

— Бугун мендан сўрамай қўяқол. Хўбми?

— Нега? Нима бўлди?

— Ҳечнарса... ўзим...

Дўстининг кўзларида фавқулодда ёш кўрган Оля бунинг сабабини билмасдан тинчиялмагандай, Тўфахон ҳам ўз юрагидаги дардини унга очиқ айтмасдан иложи йўқ эди.

Мана, Ботир блан ажрашганига таппа-тахт икки йил бўлди. Хатҳам анчадан бери яна йўқ. Ботирнинг „Сталинградга кетаётиман“ деб ёзган сўнгги хати келганига ҳам бир ярим ой бўлди. Шундан кейин на хат келди, на хабар. У, қавм-қариндошларини ҳам ўйлаб кетди. Мана яқинда Свердловскига келганига ҳам бир йил тўлади. Отаси ва онасини соғинади, уларнинг энди қандай аҳволда әканларини кўргиси ва билгиси келади. Онасининг йиглай-бериб бағри эзилиб кетгандир. Унинг меҳрибон кучоғига отилиб, ёшлигидагидай, кўкрагига бошини қўйиб эркалагиси ва юзларидан ўпкиси келади...

Октябрь ойининг ўрталарида икки ўртоқни бирдан район партия комитетига чақирдилар. Ҳечнасадан хабари йўқ икки дўст ҳайрон бўлиб район партия комитетининг секретари Березиннинг кабинетига киришди. Райком Секретари қизларни жуда хурсандлик блан қарши олди. Кўришиб, сўрашиб уларга дивандан жой кўрсатди. Нариги томондаги юмшоқ курсиларда пўлат қуючи-уста Илья Феодорович ва унинг ёнида ўз ёрдамчиси, қуручилар бригадасидан ўз илтимоси блан мартаен цехига ўтказилган ва бу ишда 6-7 ойдан бери ишлаётган Шодмон полвон ўтирас эди. Тўфахон диванга ўтирас экан, аввал Шодмон полвонга, сўнгра уйкинг уёқ-буёғига юриб тургас Березинга, кейин эса ёнидаги Оляга савол назари блан қаради. Ўртада бир нафаслик жимлик ҳукм сурар эди. Охири бу жимлик Березиннинг қизларга берган сўроғи блан бузилди. У қизларнинг яқинида тўхтаб, кулиб сўради:

— Қандай янгиликлар бор?

— Ҳечқандай... — қизариб жавоб берди Тўфахон.

— Ўйдан хат-пат келиб туриптими?

— Анчадан бери хат келгани йўқ, — жавоб берди ерга қараб Тўфахон, унинг юзларида бирдан — ма'юслик кўланкаси кўринди.

— Ҳа, ҳа, — деди ўз-ўзига Березин, — ундаи бўлса, бориб келиш ҳам ёмон бўлмас экан-да. Хўп, хўп. Чол-кампирларни кўриб келиш ҳам керак.

— Қанийди... — деб юборди Тўфахон бирдан ва унинг кўзларида шодлик учқунлари чақнаб кетди ва юзлари қизариб, чиройли кулиб Оляга қаради.

— Мана, сизларни Ўзбекистонга юбормоқчимиз, — деди Березин

аниқ қилиб ва столига бориб ўтиради.— Борасизлар яна қайтиб кела-  
сизлар,— деди жиддий қиёфада ва қутидан папирос олиб тутатди.

Бир пас жим тургач, яна деди:

— Ўзбекистондан хат олдик. Биздан мәҳмонлар чақиришипти. Заводдан, ўртоқ Нурматова, сиз борасиз, ўртогингизни соғиниб қолманг, деб Оля Протасовани ҳам сиз блан юборамиз, — Березин қўли блан Оляни кўрсатди, — пахта теришни кўрсатинг, шоликор ва боғ-узумзорларни кўрсатинг, Ўзбекистоннинг катта қурилишлари, каналлари блаи танишитиринг. Сиз блан яна мартенчиларимиздан Шодмон полвон ва ўртоқ Ковшов ва яна икки киши бирга боради. Мана, шу масалада сизларни чақирирган эдим.— У ҳаммани бир қўздан кечиргач, кулиб сўзида давом этди, — менингча, ҳозир Ўзбекистонга боришининг энг яхши вақти. Шу кунларда пахта теримининг энг қизғин пайти. Ҳали иссиқ; узум, қовин — тарвузлар, гарқ пишиб ётгандир. Унда сизларни жуда яхши кутиб олишларига ҳеч шубҳа йўқ. Эҳтимол, мен ўзим ҳам сизлар блан бирга борарман. Қандай? Ма'қулми?

— Ма'қул—деди Тўфаҳон ва қизариб кетди.

Шодмон полвон Тўфаҳонга алланарсалар деди, иккаласи бирдан кулиб юборишиди.

— Нима деди? — сўради Тўфаҳондан Березин.

— Бизлар, деди заводда ишчи бўлиб қолдик, пахта териш ҳам эсимиздан чиқиб қолгандир. Аммо, бизлар, деди, боргандада мәҳмонга ўхшаб ўтирамиз, половини, мевасини еб, чойини ичиб келаверамиш-да.

— Сизлар боргандарингда қўлдан-қўлга тегмай кетарсизлар — деди Березин кулиб,— совет ҳалқи ўз ишчи мәҳмонларини жуда хурмат қиласди. Айниқса, сизлардай ҳамқишлоқлари боргандада...

Тўфаҳон район партия комитетидан жуда хурсанд булиб чиқди. У ўз шодлигини изҳор қилиш учун сўз тополмас, Оля блан ёнма-ёни, индамай, хурсандлик ҳисларига берилиб борар эди.

— Олечка, қандай баҳт-ал — деди шодланиб Тўфаҳон ва Оляни қучоқлаб олди, — яна иккаламиз бирга борамиз, тушунгин, иккаламиз... Менинг ойимни кўрассан, қандай яхши, мәҳрибон... Вой ойижон, ойижон, сени ҳам кўрар кун бор экан... У бизни асрар қўйган узумлари блан зиёфат қиласди. Катта Фарғона каналини тамоша қиласмиз... Тошкентга ҳам тушамиз!

Ярим кечагача булар Серафима Йльиничнанинг уйида ҳархил орзу-ҳаваслари тўғрисида гапиришиб ўтиридилар.

Эртагиси Тўфаҳон кун бўйи жуда берилиб ишлади. Юзлари ёнар эди. Резицнинг қандай йўнаётганига диққат блан қулоқ солар ва Иван Павловичнинг сўзини ҳам яхши эшитмай қолар эди. Бу унинг Ўзбекистонга мәҳмонларни жўнаши олдидан ишлаган кунларининг энг охиргиси эди. Бугун кечқурун Оля ва бошқа—Ўзбекистонга бораётган мәҳмонлар блан шаҳардаги ҳарбий госпитальлардан бирига боришлари, унда ётган ярадорларни кўриш ва Ўзбекистонли жангчилардан бўлса, улардан хат-пат олиш ва уларнинг кўнгилларини сўраб келишлари керак эди. Бу, албатта ўз эл-юртими соғинган хар битта ярадор жангчи учун катта хурсандлик эди. Ўтган кун кеч-

қурун Березин кабинетига түпланган ҳамма кетучилар ва Березининг ўзи ҳам бу фикрини ма'қуллади. Аммо буни тартибли равишда ўтказишга қарор бердилар: кечки овқатдан кейин соат еттиларда завод клубига йиғилишиб, ўша ердан бирга госпитальга бориш керак, дейишган эди.

Клубга ҳаммадан олдин Тұфахон блан Оля етиб келди. Улар жуда ҳам хурсанд ва байрамдагидай ясанишган эди.

— Бу ўраб олганинг нима? — сўради Оля чироғлар блан ярқираб турган клубга кириб, скамейкага ўтиргач.

— Биласанми, ўртоқжон, оз бўлса ҳам шуни олдим. Бир банка олчадан қилинган мураббо, бир қути печене. Анча бўлди ўзимизнинг магазиндан олиб қўйган эдим.

— Худди иккаламиз маслаҳатлашгандай, мана менда ҳам шу. — Иккаласи бирдан кулиб юбориши.

Тұфахон қўлтиғидаги ўроғлиқ нарсани секингина олиб ёнига, скамейканинг устига қўйди.

— Мен яна папирос ва махорка олган эдим, билмадим докторлар уларни папирос чеккани қўядими, йўқми? Шунда ҳам олдим.— деди паст овоз блан Оля ва пастки лабини секингина тишлаб икки кўзини юмиб қўйди.

— Буни яхши қилибсан. Афсус мен билмабман-да, мен ҳам олганда яхши бўлар эди.

— Йўқ, ундаи эмас, ўртоқжон, папирос ва махоркаларни иккимизнинг тугуннимизга ҳам бўлиб соламиз,— деди Оля жойланиб, — барибир улар ўзаро бўлишиб чекади, лекин иккимиз икки палатага киришимизга тўғри келиб қолар.

— Йўқ, ўртоқжон, иккимиз бир палатага кирамиз,— деди бирдан Тұфахон—сарғиши қоғозга ўроғлиқ нарсани очаётган Оляга қараб.

— Хўп, майли, иккимиз бир палатага кирайлик,— деди Оля ўртоғининг райига қараб. Улар бир-икки минут ҳечнарса гапиришмасдан папирос ва махорка пачкаларини тугунларига бўлиб солабошлидилар.

Шу вақтда клубга узун бўйлик, қотма келган бир қиз келиб кирди. Тұфахон ўрнидан туриб, уни қарши олди.

— Салом, Зайнаб опа, салом!— Иккиси қулоқлашиб кўриши, аҳволингиз қалай, яхши юрибсизми? Ўзбекистонга бирга борасизми?—Хурсандлик блан сўради Тұфахон.

— Эе, сиз ҳам борасизми?— деди кулиб Зайнаб,— жудаяхши, жуда яхши. Бирга кетамиз бўлмаса. Шундай вақтда Ўзбекистонга бориш қандай баҳт-а?

— Шуни айтинг.

Зайнаб, скамейкада нарсаларни қоғозга ўраётган Оляга қараб қўяр экан, Тұфахондан сўради:

— Оля Протасова деган қиз шуми? Жуда яхши қиз дейишади?

— Ҳали таниш эмасмисизлар?— деди бирдан Тұфахон ва Оляга томон югуриб борди,—тур, ўртоқ, менинг опамла блан танишиб қўй,— деди-да, ўртоғини таништирди. Оля Зайнаб блан кўришар экан деди:

— Демак бирга кетамиз әкан-да? Жуда яхши!  
Учаласи ҳам скамейкага бориб ўтириши.  
— Эсингда борми, мен Уралга қандай қилиб келганимни сен-  
аитиб берган әдим?

— Ҳа, эсимда бор,—деди ҳайрон бўлиб Оля.

— Ўшанда эшелон бошлиғи поезддан тушириб қолдирадими,  
деб қўрқиб турганимда бир қиз мени ундан яшириб қолди, де-  
ган әдим-ку? Ана шу Зайнаб опам шу киши бўлади.

Қизлар кулишиб, қаттиқ-қаттиқ гапиришиб турганиларида клуб-  
га Березин келиб кирди. Учала қиз ҳам бирдан туриши. Улар  
блан бир-бир кўришгач, қизларнинг таклифига кўра Березин ҳам  
скамейкага ўтириди.

— Сиз ҳам биз блан бирга борадиган бўлдингизми?—сўради  
Оля Березиндан.

— Ҳа борадиган бўлдим.

Қизлар хурсандлик билдириши. Тўфаҳон қелиши керак бўл-  
ган кишиларнинг кечикканидан тоқатсизланиб, клуб эшигига  
томон ўғуриб кетди.

## VII

Ўзбекистонда биринчи металлургия заводи қурила бошлаган-  
лиги ҳақидаги келган хабар ишчилар яшайдиган баракларда ва  
завод цехларида меҳнат армиясидаги ишчилар ўртасида алоҳида  
хурсандлик ва шов-шувга сабаб бўлди, хусусан, Шодмон полвон  
пўлат қуючи бўлиб олганидан яна бир марта хурсанд бўлди.

У, пўлат қуючилик ҳунари тўғрисида, айниқса Уралга келган-  
дав кейин кўп мақтоворли гаплар эшилди. Бу касбдаги одамлар  
ҳам худди кўмир қазучи-шахтёр, денгизчи, нефтьчилар сингари  
ўз ҳунарларини, албатта, севар әдилар. Шодмон полвон биринчи  
кунларда анча ўйланиб юрди, иккиланди, уруш тамом бўлса, яна  
колхозга бориб, ота касбим деб кетмон чопадими, ёки Бекободда  
қурилаётган янги металлургия заводига кириб ишлайдими? Ёш  
ўспирин йигит, бундай ахволга тушмайди ҳам, унинг нима иш  
қилиши учун йўл очиқ бўлганидан, албатта, иккиланиб турмайди.  
Аммо Шодмон полвон ёш йигит әмас, ёши қирқлардан ошиб  
қолган, яхши-ёмонликни бошидан кечирган ва турмушда анча  
тажриба ортдирган бола-чақалик бир киши эди. Лекин унинг ўй-  
лари, иккиланиб юриши узоққа чўзилмади. Пўлат қуючилик ҳа-  
қидаги мақтоворли гапларни эшитиб, уларнинг ажойиб ишларини  
ва фронтдаги танкчиларнинг, яхши ишланган пўлатлар учун хат-  
ларида билдириган ташаккурларни, айниқса, Ўзбекистонда қури-  
лаётган металлургия заводига пўлат қуючи усталар кераклигини  
ўйлагандан кейин, пўлат қуючи бўлишга қарор қилган эди.

У бир кун клубда стахановчи ўзбеклар блан ўтказилган суҳ-  
батда, Ўзбекистон металлургия заводи учун сафларидан яхши му-  
тахассислар тайёrlашлари кераклиги ҳақида бўлган гапларни эши-  
тиб, шу ондаёқ бу ишни ўзи талаб қилиб ариза берди. Шодмон  
полвоннинг орқасидан Халил Расулов, Каримжон Исмоилов, Алим  
Ҳасанов ва келажакдаги ўз тақдирини Ўзбекистон металлургия

заводи блан боғлаган, шу ишга астайидил қизиқиб қолган яна бирнече стахановчилар мартинчилар цехига ўтказишни сўраб аризалар берабошладилар.

Шодмон полвон мартинчилар цехидаги энг яхши бригада, бутун шаҳарга данги чиққан машхур пўлат қуючи Илья Федорович Ковшовнинг бригадасига тушди. Ковшов, аслида Уралда узоқ йиллардан бери яшаб келаётган ишчи оиласидан бўлиб, пўлат қуючилик ҳунарини ўз отаси Феодор Игнатьевич Ковшовдан ўрганган эди.

Шодмон полвон мартинчилар цехига кириб иш бошлаган биринчи кунини ҳеч эсидан чиқазалмайди: улкан цех, шишага ўхшаган баланд шин, гуриллаган мартенлар, катта-катта чўмичларини кўтариб жумраклар тегига қуяётган шаржир-машиналар, қуюлаётган пўлат оқимлари, тинимсиз ишлаётган одамлар—ҳаммаси Шодмон полвонга чуқур та’сир қолдирди.

Уни шогирдликка қабул қилган тажрибакор пўлат қуючи Ковшов шундай деган эди:

— Пўлат эритиш—бу алоҳида қобилият талаб қилади. Ўзига хос, катта қобилият керак. Бундай қобилиятинг бор экан, ишни сидқидил блан севасан, унга кучингни аямайсан, кечалари ухламайсан. Бу ҳунарни ўрганиб олганингдан кейин, ҳарқандай касбга олмоштиргинг келмайди. Бордию бу ишгарайнг бўлмасачи, унда ҳечнарса чиқмайди, бу сутни қайнатиб сутгуруч пишириш эмас, пўлат эритасан, пўлат. Тушундингми?

Шодмон полвонда бу ҳунарни ўрганиш учун куч ҳам, қобилият ҳам етарлик эди. Үнга биринчи кундан бошлаб пўлат қуючилик жуда ма’қул бўлди, бутун юрагидан берилиб севиб қолган бу ишни ўзига бир умрлик ҳунар деб қабул қилди,—ҳақиқатан ҳам энди буни ҳарқанақа иш блан олмоштиргиси келмас эди.

Шодмон полвон аввал Ковшов бригадасида бир-икки ой шоттирд бўлиб ишлади. Уни Березин район партия комитетига чақириб, Ўзбекистонга мәҳмонга борасиз, деганидан икки ҳафта оддин у, Ковшовнинг ёрдамчиси даражасига кўтарилган эди. Ўзбекистонга жўнашининг охириги куни унинг учун ҳаяжонли кун бўлди, чунки бугун пўлатни охириги мартаба эритишлари ва синалган, ўрганиб қолган мартенини ишончли кишиларга топшириб кетишлари керак эди. Илья Федорович ўзининг смени бўлган мастерни яхши билар ва унга ўзидай ишонар эди. Шундай бўлса ҳам у, яна бир мартаба унинг кўзи олдида пўлатни эритиб, мартенинг қандай ишлаётганини кўрсатишни истар эди. У, ўзининг смени бўлган мастер Иван Алексеевич Мартенинко цехига келиб кирганда, буни очиқ айтишдан тортинди, чунки у буни кўнглига олиши мумкин эди. Шунинг учун у Мартенинко блан сўрашгач, кулиб шундай деди:

— Иван Алексеевич, рухсат қилсанг, яна бир мартаба пўлат қуйсан, чунки узоққа саёҳатга кетаяпман. Яна соғиниб юрмай.

— Хўп, хўп, марҳамат, Илья феодорович, эрит, сенинг ишингга яна бир мартаба назар солиш менга фойда-ку. Марҳамат қишло.

Ковшов Шодмон полвонга қараб, қани бошлайлик бўлмаса, дегандай имо қилди.

— Тўғрисини айтсам, сен кетгандан кейин қандай қиласман, деб ўйлаб қолдим. Илья Федорович? Сен келганга қадар бу чидаш берармикин? — деди Мартенинко қўлини пўлат эритадиган печь устига қўйиб.

— Яхши қарайсан-да! Эҳтиёт бўл! — Ковшов қаршисидаги пўлат қуючининг юзига тикилди, — биламан печъга дам бериш, ремонт қилиш керак, аммо ҳозир пўлат ҳамма нарсадан ҳам зарур. Яна қандай пўлат дегин, ҳарбий кема ва танкларнинг тўпхонасига ишлатиладиган пўлат. Тушундингми?

— Тушунаман, Илья Феодорович, — деди Мартенинко печънинг олди томонига юриб ўтди ва бирнечча кундан буён қизғиш тусга кириб қолган печънинг уёқ-буёғини айланаб қаради, — хўп, Илья Феодорович, айтганингдай ҳаракат қиласман. Тинч бориб кел!

Ковшов кулди.

— Ха, балли, отангга раҳмат, ана шундай дегин.

Мартенинконинг елкасини қоқди ва сўнгра ёрдамчиларига қараб:

— Қани, бошлаймиз! — деди.

Ёрдамчилари дарров лапаткаларни қўлга олиб ишга тушиб кетдилар.

Ковшов, ҳар галгидай бу сафар ҳам, печънинг яхши қизишини диққат блан кузатиб турди. Пўлатнинг ўз миқдорига бориб қўйилиши олдидан бир ме'рда ёқилғи бериб, иссиқлиқ даражасини баланд кўтариб бориш керак эди. Ёрдамчилар ҳар нафасда унга қараб-қараб қўйишар, унинг навбатдаги буйруғига тайёр эканликларини билдирап әдилар.

Ковшов, дам печънинг қопқогига, дам унинг иссиқдан қизариб кетган деворларига диққат блан қараб турган Шодмон полвонга, ёқилғини кўпроқ солишини буюрди ва бир пас унинг ҳаракатини кузатиб тургач, „жуда яхши“ дегандай бошини қимирлатиб қўйди.

Ковшов, пўлатнинг ўз миқдорига етиб эриганини билгач, Бегимқулга қараб қўлини кўтарди, пўлат қуючи мастернинг ҳарбир ҳаракатини кузатиб турган — шаржир-машинасини бошқаручи Бегимқул, шу оннинг ўзидаёқ шошилиб машинанинг кабинасига кириб кетди. Қуюш бошланди.

Мартенинко пўлатни қуяётган вақтида Ковшовнинг ёнида тикка туриб, унинг дам жиддий, дам ташвишли қиёфасини ва ёрдамчиларнинг қандай ишлаётганини ўзининг тажрибакор кўзлари блан кузатиб тураг әди.

— Сенинг манов полвонинг жуда иш берар экан-да, — деди Шодмон полвонни кўрсатиб.

— Бунга шундай а'ло сифатли пўлатлар қуюшни ўргатайки, ўзбек халқи раҳмат десин, — Мартенинко кулиб унга қараб тураг әди, — сен блан биз ўзимиздан кейин пўлат қуючи яхши мастерлар қолдиришимиз керак.

Қуюш тамом бўлиб борар әди, бирдан Ковшовнинг кўзи ҳамон

қипқизариб турган пеъзга тушди, бундай вақтда пеъзниңг бу хилда қизариши мүмкін эмас әди, у шошилиш блан иссиқлиқни кучайтиришни буюрди, ўзи әса пеъзга қулоқ солиб, қопқоғига диққат блан тикилди, иссиқлиқ яна күтарилиб, пеъзниңг гурилаши анча кучайды.

Қуюш процесси тамом бўлаборган сари Ковшовниң қиёфаси баттар жиддийлашиб борар әди. У шошилиб рубильникнинг ёнига борганда, бир чеккада индамай, бригаданинг ишини диққат блан кузатиб турган Березинга кўзи тушди. „У бунда нима қилиб турипти экан?“ — ўйлади Ковшов, аммо бирдан унинг блан бугун бир жойга боришлари кераклигини эслади. „Ҳа, айтгандай госпитальга боришимиз керак әди. Эртага Ўзбекистонга жўнаймиз ку!“ деди ўз-ўзига ва бугун клубга йиғилиш учун белгиланган муддат аллақачон ўтиб кетганини тушуниб бироз ўнгайсизланди.

Сўнгра бир мурватни буради-да, яна ҳамма нарсани унутиб юборди. Пеъзгаяқин борди. Кўзига кўк ойнагини тақиб, пеъзниңг қопқоғини очди ва қизариб турган металл тўлқинларига қаради.

— Шляк айлантирилсин! — буюрди у, — марганецни келтир! Оҳак солинглар!

Оғир юк кўтарадиган машинанинг машинисти ўзининг улкан чўмичини кўтариб, пўлат оқадиган жумракнинг тагига қўйди.

Шодмон полвон жумракни бураб юбориши блан зриган пўлат учқунлар сочиб, оқариб чўмичга оқиб тушабошлади.

Ковшов пўлат оқимига бир пас қараб тургач, пешонасидан терини сидириб Шодмон полвонниң елкасига қоқди:

— Қани, энди кетдик. Кутиг қолишиди, — деди.

Булар Мартенинко бригадасининг ишига муваффақият тилаб хайлрлашдилар ва Березин блан кўришиб цехдан чиқдилар.

Цех эшигига узоқ кутиб қолган ва, Ковшов блан Шодмон полвонга бирор ҳодиса рўй бердими, деб қўрқиб турган қизлар, буларни кўриши блан бирдан шодланиб қичқириб юборишиди.

— Бормисизлар? Нима бўлди?

— Ҳечнами бўлгани йўқ, қизларим, тинчлик. Фақат а'ло сифатлик пўлат қўйдик халос, — деди Ковшов, — лекин энди яна битта ишимиз бор экан. Биз Шодмон полвон блан ҳозир цехдан чиқдик. Бу аҳволда бизларни госпитальниң палаталарига ҳам яқинлаштирумайдилар. Бир юваниб, кийиниб олмасак бўлмайди.

Улар завод ҳовлисининг нариги бурчагидаги душга қараб кетишиди.

Кечқурун соат тўққизларда булар госпитальга кетишиди.

### VIII

Ботир ҳушига келиб секин кўзини очар экан, ҳайрон бўлди. Аввал ҳечнарса тушўнади ва хаёлига ҳам ҳечнарса келмади. Атроф кўзига оқориб кўринди. У тинмай тебраниб бораётганини пайқади, бу нима ўзи? Қзерга келиб қолган? Үнга нима бўлган?..

Кўз олдида тинмасдан-тебраниб турган бу оқ нарса унга қандайдир яқин кўринар, лекин бунинг нима эканини аниқ ажратолмас әди.

У бирдан пайқади: шип! Вагоннинг шипи! Аммо нима учук бунча оқ?

Унинг қулоғига тақиллаган овоз эшилабошлади: поезд. Ҳа, тұғри, поезд! Поезд ғилдиракларининг тақирылаши — енгил шамол ҳиллира б турған ойнадан қаттықроқ эшилабошлади. Бирдан паровоз қичқирди.

Поезд! Қачон поездга тушиб қолди.

— Ҳа-а-а!

Унинг күз олдиде чорси, немислар, отишмалар, дағшатли ҳужумлар, зина тегида ингреб ётган Қодиралы күринди...

Ботир оғир бир нафас олди ва яна құзини юмди.

Бир пасдан сүңг күзини каттароқ очди ва бошини күтариб атрофига түймай қаради.

— Ҳаёт! Ҳаёт! — овозининг борича қичқириб юборди ва яна естиққа үзини ташлаб ҳушидан кетди.

У әнді үзининг пешонасига секингина қүйилған юмшоқ құлни сезмас ва атрофидаги ярадорларнинг инграшини ҳам, поезднинг „тақа-туқини“ ҳам эшитмас әди.

У иккінчи күн үзига келди. Сестрани чақириб ундан секин сүради:

— Сестра, менинг акам қани?... Шаропов... Қодирали?.. Менинг блан бирга ярадор бұлған әди?... Қаерда у?...

— У ростдан ҳам сизнинг аканғаз бұлар әдими?... Туғишиған аканғизми?...

— Йүқ... Туғишиған әмас, броқ...

Ботир мийиғіда секин күлди.

— Энди ҳаммамиз ҳам ака-уқамиз,—деди сестра.

— Бу тұғри.

Сестра үзининг мәхрибон күзлари блан Ботирга бир пас қараб түрді-да, сүңгра әнгашыб секин унга деди:

— Уни олиб кетиши... Бошқа вагонга олиб кетиши... Ухланг. Күп гапиранг.

Ботир Сестранинг чиройли мәхрибон күзларига негадир тикилиб-тикилиб қарагиси келар әди, аммо қыз юмшоққина бир күлди-да, теңгина бурилиб, ойна пардасини тузатабошлади.

— Сестра, мен қаеримдан яраланғанман?

— Жим! Ухланг дейман! — деди юзига жиддийлик беріб қиз.

Поезд жуда тез кетиб борар әди. У бироз үйланиб ётгач үхлаб кетдя. Кечаси үйғонди. Поезд қандайдыр бир станцияда тұхтаб турар әди. Санитарлар вагондан замбілларда ярадорларни күтаришиб туширмоқда.

— Қаерга келдик, сестра? — сүради сал бошини күтариб Ботир.

— Свердловскига, — жавоб берди сестра.

\* \* \*

Улар шаҳардаги ҳарбий госпитальдар жойлашған катта бинолардан бирига келиб киришди. Бинонинг кенг йұлагыда ҳечкім

шўқ эди. Булар, қаерга ва кимга мурожаат қилишни билмай, бир пас ҳайрон бўлиб туришди. Йўлак шундай жимжит эдики, ҳатто, буларнинг пичирлашганлари ҳам, худди баланд-баланд гапиришгандай бўлиб эшитилар эди.

Тўғридаги катта печь орқасидан бир чол чиқди. У бир пас буларга қараб турди, сўнгра орқасига қайрилиб, кимнидир аста чақириди:

— Глаша! Нима қилаяпсан у ёқда? Бу ёққа қара. Мана, ҳали айтган одамларинг келишганга ўхшайди.

Чол секин-секин юриб келиб булар блан кўришди. Унинг қизарган кўзларидан тўйиб ухламаганиги билиниб турар эди. Шу вақтда катта гардероблар орқасидан оқ ҳалат кийган, ўрта ёшларда, тўлагина бир хотин чиқиб келди. У буларнинг харбири блан қўл олиб кўришгач, Ўзбекистонга кетадиган ва бугун буларнинг госпиталига келадиган меҳмонлар шулар эмасми деб сўради.

— Худди шулар, — деди Березин ва кечикиб келганлари учун узр айтди.

Хотин йўлакдаги диванлардан жой кўрсатиб, ўтиришга таклиф қилди ва ўзи бинонинг иккинчи қаватига чиқиб кетди.

Орадан уч-тўрт минут ўтмай, у иккита хотинни эргаштириб пастга тушди. Бу хотинлардан бири, медицина хизмати майори, жейин билишларича госпиталь начальники Вера Соломоновна Гринберг экан.

Энг аввал, буларнинг ҳаммаси биргаликда энг катта палаталардан бирига, ўнинчи палатага кирдилар. Бунда фақат тузалиб қолган ва қўплари тез кунда яна фронтга жўнаб кетишлари мумкин бўлган ярадор жангчилар эди. Меҳмонлар ҳали бошқа палаталарни кўрмаган бўлсалар да, бундаги ҳаётнинг бошқа бўлмалардагига қараганда анча жонли эканини дарров пайқашлари мумкин эди. Булар бу ердан чиқиб, иккинчи қаватга кўтарилдилар.

Поёндозлар устидан юриб, ўнг қўлга бурилдилар. Шу вақтда йўлакнинг чап томонидаги иккинчи уйдан қаттиқ кулги товуши эшитилди.

— Эшитайпсизми, мен буларга шовқин қилманлар деб ҳар кун неча марта оғоҳлантираман, — деди госпиталь начальники, — бошқа палаталарда оғир касаллар бор, хусусан, мана бу палатада, — у ўтиб бора туриб чап қўлдаги бир уйнинг эшигини кўрсатди. Эшикнинг тепасига қоқилган тўрт бурчак ичидаги „6“ раками ёзилган эди. — Бунда ётганларга ором керак. Хайриятки, уларнинг кулгиси фақат мана шу ерда, йўлакда баландроқ эшитилади, нари ёқдаги палаталарга етиб бормайди, — деб қўшиб қўйди меҳмонлар олдида ўзини оқлаган бўлиб начальник.

Вера Соломоновна ҳалиги кулги кўтариликдан уйнинг эшигини очди, қўлини эшик тутқичидан олмай, иккинчи қўли блан уй ичини кўрсатиб „марҳамат қилинглар!“ деди ва шу зайлда меҳмонларнинг бирин-кетин киришларини кутиб турди.

Ранги ўчиб, юраги тез-тез уриб кетган Тўғахон ҳаммадан кетинда кирди, Шунда ҳам ичкарига киришга жур'ат қилолмай, остонаяда туриб қолди.

— Марҳамат, марҳамат, келсинлар! — деди әшик тұғрисидаги ойнак тегида ётган, ранглари үчган бир ярадор узбек йигити,— қани, кираверинг.

— Кираверинг, нега тортиниб турибсиз, — деди ҳамон осто-нада тикка турған Тұфахонга госпиталь начальниги.

Тұфахон иоилож бир-икки қадам қўйдию, яна бирдан тұхтаб қолди. Атрофга бир кўз югуртди-да, ўз-ўзидан қизариб кетди. У, кўринишидан, ярадорларнинг қайсибирининг олдига бориши-ни билмас эди.

— Э, яхши қиз, мана бундай келиб ўтирангизэчи, — деди одеял тегидан ўзининг озғин қора қўлларини чиқариб ҳалиги ярадор, у, гўё Тұфахоннинг қўлидан ушлаб, ёнидаги курсига ўт-қизиб қўйғиси келар эди. — Агар бу касофат уруш бўлмай, бу учрашувимиз Самарқандда, бизнинг уйда бўлганда, сизни қандай кутиб олишни ўзим билар эдим-а. Қани, марҳамат, ўтириңг.

Ярадор йигит, узоқ вақтлардан буён кўрмаган энг яқин кишисининг дидорига етишгандай, қувониб сўзлар эди. Қиз аввал негадир бу йигит ёнига боришини истамай турди, кейин бирдан унинг юрагида қўзғолган меҳрибонлик, ватанини баббаравар туриб мудофаа қилган қаҳрамон йигитларга нисбатан бўлган ғамхўрлик, қизни курсатилган жойга ўтиришга мажбур этди. У, ярадорнинг кровати олдидаги курсига бориб секин ўтириди. У ўзи-га ладиллик беришга тиришиб кулди ва йигитлардан ҳол-аҳвол сўради.

— Олечка, кел менинг ёнимга, — деди Тұфахон ўзи ўтирган курсининг бир чеккасини кўрсатиб, ўзидан сал нарида тикка турған Оляга.

Аммо Оля ўртоғидан кечирим сўраб, бошқа бир ярадор жангчи ёнига, тумбочканинг нариги томонидаги кроватга томон кетди.

— Ҳали нега бунча қаттиқ кулдиларинг? — сўради кулиб Тұфахон ҳалиги йигитдан. Йигит, Тұфахон ўтириши блан бирдан жимбўлиб, қонсиз юзларини қизга ўгириб кўзларини унинг чиройли юзларидан олмай тикка қараб турар эди. У, хаёллари ичida қизнинг сўроғини яхши англамади шекилли, қошлини қимирлатиб, кўзларини бир-икки марта юмиб олдида, кулиб қиздан сўради:

— Нима дедингиз?..

— Нима бунча қаттиқ кулдиларинг, дейман, биз ҳали палаталарингга яқин келганимизда жуда қаттиқ култи кўтарилди. Шуни сўрайман.

Йигит жавоб бериш ўрнига, аввал, юзини ўнг томонга ўғириб, қўли блан бурчакда — Березин ва Шодмон полвонлар бориб ўтирган кроватдаги ярадорни кўрсатди.

— Ана, старший сержант Марченко. Кифтидан ўқ еган ва чап оғенининг товонини осколка юлиб кетган. Ҳозир анча тузалиб қолди. Яқинда унга жавоб берилса керак. Ўзи жуда қизиқчи йигит. Ҳали „Крокодиль“ деган рус журналидан бир қизиқ латифани ўқиб берди. Шунга кулган эдик. Ана, уни кўринг, меҳмонларни ҳам кулдираяпти, — деб қўшиб қўйди йигит, Марченконинг ёнида завқ қилиб кулишаётган Березин блан Шодмон полвонни кўрсатиб.

— Сиз ҳам оғир яраланганмисиз? — сўради Тўфахон.

Йигит Тўфахоннинг сўғогига жавоб берай деб турганда, чап томондаги кроватларда ётган ярадорлардан алланарсалар сўраб турган госпиталь начальниги бирдан уйнинг ўртасига келиб, баланд овоз блан ҳаммага мурожаат қилди.

— Хўш, ўртоқлар, мен кўриб турибманки, аллақачон ҳаммангиз ҳам бир-бирларингиз блан танишиб олдинглар, энди расмий нутқининг кераги йўқ чиқар?

— Танишиб олдик, бўлди! — бирдан кўтарилиган бирнече эркак овози унинг сўзини ма'қуллади.

— Яхши! Мен фақат госпиталимизга келган букунги меҳмонлар ҳақида бир-икки оғиз сўз айтмоқчиман. Мана, ҳозир сиз блан учрашиб турган меҳмонларимиз эртага Ўзбекистонга кетаётган вакиллардан иборат...

Шу вақтда уйнинг эшиги одатдагидан кўра қаттиқ очилиб, ичкарига шошилиб бир хотин кирди, у ҳам худди госпиталь начальниги сингари оқ халатда ва оқ беретка кийган чиройли бир хотин эди. У тез-тез юриб келди-да, Гринберг ёнига келиб тўхтади. У, госпиталь начальнигига зарур бир иш ҳақида бирор нарса айтмоқчи бўлса керак, кўзларини унга тикиб тилин чоғлади, лекин Гринберг кўпчиликка қараб гапираётгани учун унинг сўзини бўлишга ботиналмай лабини тишлаб қолди. Бир қарашдаёқ буни сезган начальник, сўзини тўхтатиб, савол назари блан хотинга қаради. Хотин начальникка яқин борди-да, секин, аммо аниқ қилиб деди:

— Олтинчи палатадаги ярадор Собировнинг аҳволи яна оғирлашди. Температураси қирқ...

— Хўп, бориб бир пас тинчлатиб туринг, Людмила Николаевна...

Гринбергнинг юзини тўсатдан жидлийлик қоплади ва бир нафас ўйлаб тургач:

— Боринг, эҳтиёт қилинг! — деди врачга ва унинг елкасига енгилгина қилиб қўлини текизиб қўйди.

Шу пайтда коридорда бирдан қаттиқ шовқин кўтарилиди. Қарсилаб эшик очилди, бирорнинг қаттиқ додлагани, сўнгра унинг гурсиллаб юргани ва бирдан гуп этиб ерга йиқилгани эшитилди...

Госпитал начальниги блан ҳалиги доктор хотин чиқиб кетишиди.

Ранги бўздай оқариб кетган Тўфахон ўрнидан туриб эшикка борди. Эшикни итарган эди, кимдир ташқаридан маҳкам бекитиб турган бўлса керак, эшик очилмади. Қаттиқроқ итарган эди, эшик қия очилиб, Гринберг кўринди ва у секингина Тўфахонга деди:

— Нима дейсиз, бир нафас сабр қилиб туринг.

Орадан уч-турт минут ўтгач, Гринберг Тўфахонни коридорга чиқарди ва ўзи эшик олдида туриб ҳамишагидай тинч ва ўзини тутган ҳолда, ҳаммага эшитиларлик қилиб деди:

— Старшина Прохоров. Харьковлик. Фашистлар унинг хотини блан олти яшар қизини балконга осиптилар. Уни њеч тутиб туралмаяпмиз. Икки санитаримиз кечаю-кундуз унинг ёнида навбатчилик қиласи. Боғлаб қўйиш мумкин эмас. Яраси оғир.

— Эх! Тезроқ яна фронтта борсам эди!... — деб қўйди сержант Марченко. — Уларга найза санчишдан сра чарчамас эдим...

Меҳмонлар ярадорлар блан яна суҳбатга киришиб кетдилар. Аммо ҳалиги Тўфаҳон блан гапиришиб турганда, ўзини қанчалик баҳтиёр сезган оғзин йигит, нима қилишини билмай, дам Тўфаҳон чиқиб кетган эшикка, дам ўзининг кровати ёнидаги тумбочка устига қизнинг қўйиб кетган совға-саломига қараб-қараб қўяр ва Тўфаҳоннинг тезроқ киришини бетоқат кутиб турар эди. Қиз кирабермагач, у тумбочка устидаги қофозга ўроғлиқ нарсани олди ва уни очмоқчи бўлган эди, назарида, Тўфаҳон кириб келаётгандай бўлди, нимадандир андиша қилиб қизариб кетди, сўнгра бирдан яна ҳалиги қофозга ўроғлиқ нарсани тумбочка устига қўйди.

Аммо Тўфаҳон қайтиб кирмади.

У коридорда ҳалиги госпиталь начальниги ёнига кирган сариф сочлик хотинни кўриб, беихтиёр, тўғри унинг ёнига борди. Тўфаҳон шундай ҳаяжонда эдики, энди рус тилида анча яхши гапирадиган бўлиб қолганига қарамай, доктор хотин қизнинг нима деганига аввал яхши тушинмади. Унинг ўзи ҳам шошилиб турар эди.

— Собиронинг олдига, олтинчи палатага кираман, дейсизми? — сўради доктор хотин.

— Ҳа, ҳа, Собиронинг олдига... Аввал менга шуни айтинг, — деди хотиннинг билагидан ушлаб Тўфаҳон, — оти нима? Отини биласизми?...

— Оти?... — Саволни такрорлади юриб боратуриб доктор хотин ва тепасида „б“ рақам ёзилган тўрт бурчак осиғлиқ эшикни очди. Тўфаҳоннинг саволига жавоб бермай секин деди:

— Марҳамат!

Доктор хотин Тўфаҳонни ичкарига киргизиб, эшикни секингина ёпди-да, коридорда тез-тез юриб қаёқладир кетди.

Тўфаҳон, нима қилишини билмай, атрофга алланглади: бу уйда ҳаммаси булиб тўртта кроват бор эди. Аллақандай дориларнинг ўткир иси думогига урилди.

Тўрда, ойнак тегида, пастаккина курси устида бир кампир пайпоқ тўқимоқда эди.

Тўфаҳон эшик олдида тикка туриб, кроватларда ётган ярадорларнинг юзларига тикилиб бир-бир қарайбошлиди. Нариги икки кроватда ётган ярадорлар рус эди. Буларнинг ҳар иккадаси ҳам жим ухламоқда. Учинчи ярадор грузин, ёки армани бўлса керак. Унинг кўзлари катта очилган, ҳаракатсиз, бир нуқтага тикилиб тургандай эди. Буларнинг башаралари ҳам нариги уйларда кўрган касалларнига қараганда қонсиз ва қўрқинчли... Тўфаҳон қайтиб чиқиб кетмоқчи бўлган эди, ҳалиги хотин ўрнидан туриб ўз курсисини Тўфаҳон яқинига қўйиб:

— Ўтириңг, қизим, — деди, — мен ипнинг учини қочириб тополмай турибман. Ўтириңг.

Тўфаҳон оғир нафас олиб бир-икки қадам олдинга босар экан-унинг кўзи нариги бурчакда девор ёнидаги кроватда ётган ярадорга тушди.

Халиги хотин секин-секин юриб бориб, ўша ярадорнинг қандай нафас олаётганига ғяңгашиб қулоқ солиб турар эди. Хотин бир нафас ярадорнинг ёнида тургач, яна оёқ учида юриб Тұфахон ёнига келди ва ма'юс бир оҳангда пичирлаб унга деди:

— Бунинг аҳволи жуда оғир. Вера Соломоновнанинг айтишига қараганда, бунинг ўнгғарилиши қийин... — Эх, болаларим, болаларим, — деди хүрсииб кампир ва тез юриб әшикка чиқиб кетди.

Тұфахон ярадорга яқынроқ бориб қаради. Қарадио, ҳайкалдай қотиб қолди. Бу ҳақиқатан Ботир эди...

Унинг күзлари юмиқ, вужудида ҳечқандай ҳаракат қўринмас эди. Тұфахон ўз күзларига ишонмай, бир-инки қадам олдинга босиб, ярадорнинг яқинига борган эди, унинг лаблари бурчагида ўрнашган кичкина холига кўзи тушди. Бу ўша таниш хол эди. Хусусан, у кулганда унинг бу қоп-қора холи қандай чиройли бўлиб қўринар эди. Бирдан чўчиб кетмасин дея, Тұфахон бор кучини йигиб ўзини тутди, нохос қичқириб юборишдан ёки „Ботир ака!“ деб унинг устига ташлаб юборишдан ўзини сақлаб қолди. Кўзларидан шовиллаб оқаётган ёшлар, оппоқ оқариб кетган юзларини ювиб тушмоқда эди. У ортиқ ўзини тутиб туралмади, кроватнинг бир чеккасига билаги устига бошини қўйиб, ўқсиб-ўқсиб йиғлай бошлади.

— Ҳай, ундаи қилманг! Яхши эмас, қизим! Менга қаранг, қўйинг, йиғламанг! Унинг ўз дарди ўзига етади, ортиқча койитманг. — Бош устидан вазмин эшитилган бу овоз бирдан уни ўзига келтирди, қўрқиб кетди, „ҳақиқатан ҳам унинг ўз дарди ўзига етади, кўнглини бузиб нима қиласман...“ ўйлади қиз.

Дасрўмоли блан кўзларини артиб ўрнидан турди. Ҳарорат ичida атрофида нима бўлаётганидан бехабар Ботир кўзларини очиб Тұфахонга қаради, танимади шекилли, кўзларини яна юмди.

— Ботир ака!. Ботир ака!. Яхшимисиз?! — деди секин Тұфахон энгашиб.

Юзини Ботирнинг юзига қўйиб яна „пиқ-пиқ“ йиғлайбошлаган эди, кимнингдир қўли уни, елкасидан аста тортиб, турғизди.

— Қўйинг, ундаи қилманг, ўртоқ Нурматова, нима қиласиз тинчлигини бузиб! — Тұфахоннинг қулогига Березиннинг овози эшилтиди. У ўрнидан турар экан, Шодмон полвон, Гринберг, Ковшов, Оля ва Зайнабга кўзи тушди. Булар ҳозиргина бу палатага кириб, нима ҳодиса бўлганига тушунмай ҳайрон бўлиб турган эдилар. У буларни кўриш блан дарров ўзини тутиб олди, дасрўмоли блан юзларини артиб, сочини тузатди. У яна ўпкаси тўлиб, ёш тула кўзлари блан Ботирга қаради. Ботир Тұфахонга ва кровати ёнидаги бошқа одамларга тикилиб қараб қолди. Унинг кўзлари борган сари каттароқ очилиб, сарғайиб кетган юзларига аста-аста қизиллиқ кириб борар эди.

## IX

— Хўш, ўртоқлар! Демак бизнинг ихтиёримиз-да фақат бир кун қолди, у ҳам бўлса, фақат эртанги кун, — деди Березин госпитальдан чиққанда, — йўл ҳозирлигиги кўриш керак! Шундайми?

Ҳечким ҳечқандай жавоб бермади. Фақат ҳаммадан олдинда Шодмон полвон блан бирга кетаётган Ковшов тұхтади-да, қайрилип Березинга жавоб қылди:

— Шундай, әртага йүл ҳозирлигини күриш керак.

— Тұғри. Үртоқлар, кимда қандай қийинчилик бұлса, ёки бирор масала тұғрисида маслаҳат керак бўлса, райкомга, менинг олдимга келсин, — деди булар блан хайрлашиб Березин.

Ҳечкимда ҳечқандай қийинчилик бўлмаса, лекин әртанги кун ҳақида ҳаркимнинг ҳам гапиришгиси келар эди. Суҳбат қизиб кетди. Одатда йўлга чиқучи одамларни қизиқтирадиган поезд билети, йўлнинг узоқлиги, Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги ҳавоси, ундаги бўлажак меҳмондорчиликлар ҳақида гурунглашиб борар эдилар.

Фақат Тўфаҳон блан Оля бу суҳбатга аралашмай, бир чекка да борар эдилар. Булар юришларини тезлатишмай, сал юриб, чап қўлидаги бир кўчага бурилиши.

Ҳаво совуқ эди. Қаршисидан эсиб турган куз шомоли шаҳар кўчаларида изғиб югурап, биноларга келиб урилар, томларнинг туникалари орасида ғувиллар эди.

Булар ўз ҳис-туйғулари ичидә қайнаб тошсалар-да, бир-бирига бир сўз гапирмасдан Тўфаҳон турадиган уйнинг эшиги олдида тўхтадилар. Оля индамай, хайрлашиш учун ўртоғига қўлинин узатди. Тўфаҳон аввал унинг қўлинин олиб сиқди-да, кейин уни маҳкам қучоқлаб олди.

— Жов ўртоқ, менга жавоб бер. Жуда кеч бўлиб кетди, — деди Оля.

— Нима?.. Жавоб? Мени ташлаб қаерга борасан? — деди гинали овоз блан Тўфаҳон уни қучоқлаб туриб.

— Йўқ, мени кечирасан... Бугун қоломмайман. Сен букун ўз юрагинг блан ўзинг ёлғиз суҳбатлашишинг керак. Буни мен се-зиб турибман...

Тўфаҳон жим бўлиб қолди.

— Ихтиёргинг... — деди бирпастдан кейин у.

Оля унинг қўлинин сиқиб юзидан ўпди.

— Тўфечка, тинч қол, фақат ортиқча ташвишланиб ўзингни қийнама. Йиғлама... Биламан, сен бугун туни блан йиғлаб чиқсан. Бунинг ҳеч фойдаси йўқ, фақат зарари бор. Менинг сўзимга ишон... У тез кунда тузалиб қолади. Биз әртага кетамиз, келганимизча, кўрасан, тузалиб кетади — дея қўшиб қўйди Оля. У, Тўфаҳоннинг госпитальдан чиқиб, уйга етиб келганча нима учун бир оғиз ҳам гапирмасдан келганининг сабабини билган эди.

Оля унинг қўлинин қўйиб юбориб, йўлига тез юриб кетди.

Тўфаҳон хаёл ичидә тикка қотиб турар эди.

— Оля!.. Олечка!.. Оля! — устма-уст қичқирди Тўфаҳон қўриб, — қайт, қайт; Оля! Эшитаяспсанми?!

Ҳечким жавоб бермади. Олянинг оёқ шарпаси ҳам эшитилмас эди.

Кўчани тўзғитиб тратуарга урилган шамол, қайтиб унинг кўкрагини совуққина силаб ўтди.

У бирдан Оля кетган томонга қараб югуриб кетди.

— Олечка!.. Оля!..

— Ҳа, нима дейсан?! Нима булди сенга?!—деде қоронғилик ичидан Олянинг овози чиқди. У яна Тұфахонга томон қайтиб келар эди.

— Мен сендан ажралиб қололмайман... Бизницида қол!.. деди ялингансимон Тұфахон ва ўртогини қучоқлаб олди.—Бугун ёлғиз қололмайман. Күрмаяпсанми қандай шамол бўлиб турипти. Вақт ҳам кетди. Шу вақтда қаерга ҳам борасан? Бизницида қол, жон ўртоқ!..

Оля индамай унинг белидан қучоқлаб олди ва иккаласи се-кин-секин уйга томон юришди.

Үйнинг ашиги очиқ бўлиб, йўлакда елкасида пўстин, Серафима Ильинична турар эди.

— Бу нима қилганларинг. Қачондан бери шовқин солиб овозларинг чиқади, ҳали киради дейман, йўқ, ҳали киради дейман, йўқ?.. Гапларингни уйга кириб гапиришсанглар бўлмайдими? Шу шамолда-я?.. Бу шамол қорни олиб келмаса, яхши эди,—деде қўшиб қўйди Серафима Ильинична кирап экан.

Қизлар бирмунча енгил тортди. Серафима Ильинична дарров овқатни иситди. Чой қўйди. Овқат вақтида у, булардан госпиталь ва ундаги ярадорлар ва қачон жўнашлари ҳақида берган сўроқларига хурсандлик жавобини олди. Қизларнинг ҳам кўнгиллари анчагина очилган эди.

Иккиси ҳам госпитальда тасодифий бўлган воқиа ҳақида Серафима Ильиничнага бир сўз айтмай, жойларига кириб ётишиди.

Серафима Ильинична Тұфахон тўғрисида ўйлиб, я'ни у яқинда уйига боради, қовми-қориндошларини кўради, қиз жуда хурсанд бўлади, деган ишонч блан уйқига кетди.

Аммо қизлар ҳамон уйғоқ әдилар.

— Сен шу тўғрида ўйлаяпсанми-а? — деди ахирни Оля чалқанча ётган ҳолда.

— Нима тўғрида?

— Биламак сенинг нима тўғрида ўйлаётганингни! Менга ҳара, сен ҳозир борсамми, ё бормасамми, деган ўйга тушиб қолдинг. Энди мен нима қиласман? Агар сен бормасанг, мен нима қиласман бориб? Йўқ, гап унда ҳам эмас, мени қўявер, сен ўзингнин ўйла... Шу ҳафта ичидан бориб келсанг, ёмон бўлмас эди. Ойингни, дадангни ҳам жуда соғингансан-ку? Ундан кейин, албатта, уларни ҳам ўйлаш керак... Сен қайтиб келганингча бу ҳам анча тузук бўлиб қолади. Тушундингми? Яна ўзинг биласан, менинг маслаҳатимни ўйлаб кўр. Уйингдагилар ҳам сени шунчалик соғингандир...

Тұфахон ҳечнарса демай, жимгина ўз хаёлларига берилди.

— Агар менинг ўрнимда сен бўлсанг нима қиласман? — Қани айтчи?— анча вақтгача жим ётган Тұфахон сўради ўртоғидан.

— Менми?— деди Оля Тұфахонга яна юзини ўгирди-да, бир пас ўйлаб туриб давом этди, — мен ҳам албатта, сен қан-

дай қилаётган бўлсанг, шундай қилар эдим, лекин мен сенга фойдасиз маслаҳатни ҳам бераётганим йўқ...

Тўфаҳон бошини кўтариб, қоронғида ялтираб кўринган ўтогининг кўзларига қараб турар эди.

— Шундайми? — Секин сўради Тўфаҳон.

— Албатта. Ўзинг ўйлаб кўр, мен сенга ўз юрагимдагини гапириаяпман...

Тўфаҳон бирдан ўтогини қучоқлаб олди ва анча вақтгача, шу ҳолда жим ётишди. Иккисининг ҳам юрак уришлари бирбирига эшитилиб турар эди.

— Йўқ, мен қоламан!... — деди бошини кўтариб Тўфаҳон ва оғир нафас олди.

— Үндай бўлса, ўзинг биласан. Ихтиёринг, майли қол!..

Масала Тўфаҳоннинг ройига қараб ҳал бўлди. Оля ҳам бошқа илож қиломас эди. Иккиси ҳам бироз енгил тортди.

Суҳбат энди бошқа мавзу'ларга кўчди.

— Эҳ, Олечка. Ўзбекистонга борганингда, ўзинг ҳам кўрарсан, қандай чиройлик ва хуш ҳаво жой... — деди бошини тирсагига қўйиб Тўфаҳон, — унинг гўзал боғларини, чамандай пахтазорларини, тўлиб оқаётган сувларини тамоша қиласан... Сен баҳтлисан... Энди мен ҳам баҳтлиман... Агар... Агар ҳамма нарса мен кутгандай бўлса... Агар у омон-эсон тузалиб кетса...

— У тузалиб кетади...

— Олечка, бизнинг колхозга борганингда, — деди шошилиб бошқа бир оҳангда Тўфаҳон, — албатта бизникига тушинглар. Ҳа, ҳа, бизнинг уйга. Тузукми? Жон ўртоқ, шу эсингдан чиқмасин!..

— Хўш, ойинг, даданг сени сўраса, нима дейман?..

Тўфаҳоннинг сра уйқиси келмас эди.

Эрталаб ҳам булар бир-биридан ажрашгиси келмай, анча вақтгача гапиришиб ўтирилар. Охири Оля йўл ҳозирлигини кўриш учун уйига кетди, Тўфаҳон эса, Березин ёнига, раёнкомга томон йўл олди.

Райком секретарининг кабинетига кириб, Березин блан кўришгач, секин курсига ўтириди. Бошини эгиб ма'юсгина ўтирган Тўфаҳоннинг сўлғин рангига тикилган Березин қизнинг аҳволи паришон эканини дарров пайқади.

— Хўш, нима бўлди, ўртоқ Нурматова? — меҳрибонлик блан сўради Березин.

Қиз бир хўрсиниб олди.

— Қани, нима ҳодиса юз берди?.. — қайта сўради Березин.

— Мен ҳозир Ўзбекистонга боролмайман, — деди у эўрга.

Тўфаҳон бошини кўтариб, жавоб кутгандай унинг кўзига термилди.

Березин кечаги воқиадан яхши хабардор бўлганлиги учун уи зўрлаб ўтирмади.

— Шундайми? Бу қарорингиз қат'ийми?

— Қат'ий, ўртоқ Березин, аммо мени кечиргайсиз?..

— Хўп, — деди у ерга қараб, — ихтиёрингиз... Аҳволингизни тушуниб турибман. Аммо чол-кампирларни ҳам бир бориб кўриб келсангиз, ёмон бўлмас эди...

Березин ўрнидан туриб қизнинг яқинига келди:

— Майли, хафа бўлманг, биз ўзимиз уларга сизнинг саломингизни етқизамиз, аҳволингизни айтиб бериб, кўнгилларини кўтарамиз... Ўзингиз ҳам яқинда уйингизга бориб қоларсиз.

Тўфаконнинг, Березинга миннатдорчилик билдириб, жовдираб турган кўзлари жиққа ёшга тўлган эди.

Тўфакон Ўзбекистонга кетаётган вакилларни узатгани станцияга чиқди. Дўстларини узатиб, тугилиб ўсган юртига кетаётган поезд орқасидан қараб қолди. Состав кўздан йўқолгач, платформадан юриб бориб кўчага чиқди ва тўғри госпитальга қараб йўл олди.

(Охири бор)

ПҮЛАТ МҮМИН  
**ҚУЗИБОЙ ЧҮПОН**

Тоғ ёқалаб кетган кенг яйлов,  
Құзичноқлар, қүйлар үтлашар.  
Ортла чүпон: „Қуррэй-қуррэй“ деб,  
Секин-секин қирма-қир ошар.

Катта нажир...  
Кирнинг, яйловнинг —  
Силкинади елда майсаси.  
Жон жонинің тағы да  
Гоҳо чүпон чалған най саси.

Каппа-каппа уришар үтни  
Кенг үтлоқда құзилар-қүйлар.  
Уларга ҳам ёққандек бұлар  
Най тарқатған ёқимли күйлар.

Қүйларига Құзибой чүпон  
Әхұе, тоза завқланиб қарар.  
Әрқалайди құзичноқларни  
Панжаси-ла юнгларин тарар.

Эсга тушар шу пайт узоқ йил...  
Тоғ бағрида бүлган воқиа:  
Бирдан бўри олди бир қўйни  
Чўпон қувар қияма-қия.

Учар эди құшдек ғизиллаб,  
Ундан олдда чопар Олапар.  
Ит етдию, бўрини ҳиппа  
Томогидан олди шу сафар.

Шунда келди яна уч бўри  
Улар ўтга ташланди шу дам.  
Етиб кела Құзибой ака  
Сўйил блан савар дам-бадам.

Икки бүри қирда ўша кув  
Құзібойнинг зарбидан ўлди.  
Ботирлиги тоққа, ҳар әққа  
Қишлоқларга күп довруқ бўлди.

Чўпон тикар бургут кўзини  
Тўрт томонга ва қўйларига.  
Бўрилардан сақлайди омон  
Чўпон кетмас ҳечам нарига.

Қўзібойнинг қўйлари зотдор  
Ҳаммаси ҳам жиққа-жиққа мой.  
Кўтаролмас нақ думбасини  
Бунга хурсанд чўпон Қўзібой.

Чўпон ўтган ота-бобоси  
Қўзібой-чи ҳозир қирқ учда.  
Қотма тани чайир бақувват,  
Иигитлардан қолишмас кучда.

Беш бармоқдай билар қўйларин,  
Ҳарбиридан доим хабардор:  
Қора совлиқ нечта туғару,  
Қанча ёшда ҳўв, ола қўчқор.

Қўзібойнинг ҳалол ишидан,  
Мамнун яшар бутун колхози.  
Ўтган йили эшигтганмисиз?  
Минг совлиқдан олган минг қўзи.

Орден олган Қўзібой ака  
Юрт ишига баланд ҳиммати.  
Шу сабабдан район, қишлоқда  
Ҳамма ерда бордир қиммати.

Колхози ҳам зап яшнаб кетган,  
Шаҳар каби обод қишлоғи.  
Қўзібойнинг, ҳар колхозчининг  
Мой устида доим пичоги.

Қўзібойнинг қўйлари зотдор,  
Ҳаммаси ҳам жиққа-жиққа мой.  
Кўтаролмас нақ думбасини  
Бунга хурсанд чўпон Қўзібой.

Тоғ ёқалаб кетган кенг яйлов,  
Қўзичноқлар, қўйлар ўтлашар.  
Ортда чўпон: „Қуррэй-қуррэй“ деб  
Секин-секин қирма-қир ошар.

# ТУЙГУН

## ОДДИЙ ОДАМНИНГ УЛУФВОРЛИГИ

*Очерк*

### 1

Ба'зан бир саёхатномаларни ўқиганим бор! Ўтмиш сайёхлар „азим шаҳар“ларни кезиб чиққанлар. Уларнинг таассуроти, „харобот аҳли“нинг дарвишлиги, қаҳатчиликнинг — қашшоқлиги кулфатини елкасига кўтарган шаҳар ва атроф қишлоқнинг вайроналигидан нари ўтмаган. Сайёхлар нима ҳам қила олсинлар. Саёхатномаларда замон ўз суратининг ифодасини топган!... Дарҳақиқат, одами ӯз тақдирига ташлаб қўйган ўтмиш асрларнинг ғамгин ва қашшоқлигига ажабланмаймиз. Лекин гап бунда эмас. Мен тамом бошқа тўғрида гапирмоқчиман.

Суҳбатимиз йигирманчи январьда эди... Пўлотжон деган танишмуга зарур бир иш чиқиб қолди. Ўқучим балки уни танимас. Ўзи стахановчи, ишчи. Бирнече станокда ишлайди. Бундоқ кишилар бизда сон-саноқсиз. Унинг берган адресига қараб қидирдим, шаҳарига етдим. Кўчасининг исми Фалаба. Шаҳарнинг нарироғида жойлашган. Шу баҳона блан шаҳарчанинг ҳам бирнече кўчасини айландим. Ниҳоят излаган жойимга келиб етдим.

Пўлотжон аканикига кирмасдан бошқа бир нарса фикримдан ўтди. Мен хато қилганман. Хатомни з'тироф қилишим керак. Бу шаҳарча ҳақида хабарим бор. Шаҳарчани—катта шаҳарларда бўладиган беш-олти обод маҳалла-кўча дуркумидан иборат деб тасаввур қиласардим. Чунки бу жойларнинг революциядан илгариги ҳолатини биламан. Баланд-паст тепаликлар, ўнқир-чўнқир йўллар, заҳкаш, ботқоқ ёввойи ерлар, онда-сонда, тагини қурт кемираётган бир неча дараҳт, ниҳояти киши табиатини ланж қиласадиган шу манзараларнинг бир четида кесакдан қурилган чамаси ўттизга етар-етмас хонадонли Аслбоб қишлоғи... Мана, бу жойнинг ўтмишдаги бор-йўғи, шу.

Мана шундай ташландиқ ерларда, бироз муддат орасида шаҳар қомат ёшини ким хаёлига келтирипти. Менинг бу шаҳарчани бирнече кўча ва маҳалла дуркумидан иборат деб янгиш фарз қилганимнинг ҳам сабаби ана шунда.

Ғалаба күчасининг ўзидагина икки юздан ортиқ биноларни күришингиз мумкин. Ўтмишда йигирма йил ичидан битта уй қуролмаган кишиларни биламан. Ҳали мен шаҳарнинг қиёфатини, театр-кинолари, асфальт ётқизилган йўллари, боғлари, ҳатто завод-фабрикалари тўғрисида ҳикоя қилмоқчи эмасман. Аммо, лекин анчайин кишиларда ўзларининг хусусий енгил машиналари, уйларида рояль-пианинолари борлигидан ҳабарим бор. Муҳим ҳодиса шундаки, бу кишилардан кўпчилиги, фабрик-завод цехларида, станокларда ишловчи ишчилардир. Пўлатжон ака шулардан бири.

Мен Пўлотжоннига кирганимда, унинг оиласидан ташқари яна икки оғайниси бор эди. Булар блан танишдим. Суҳбатга келганим учун узр сўрадим. Суҳбатдошлардан бири Каганович номли заводнинг ишчиларидан Сергей Максимович Плотников, иккинчиси машҳур пахтакорлардан „Вильямс“ колхозининг раиси Мавлон Қўшаев.

Суҳбат мавзу‘и оддий. Лекин бунда кишиларимизнинг жасорат блан қараб илгари интилаётганликлари каби улуввор кучнинг мазмуни бор.

Сергей Максимович уй олдида турипти. У, ишлаётган заводнинг эллик йиллик тўйи яқин. Завод Коллективи беш йилликни тўрт йилда бажаришга ишончи комил. Унинг ўз цеҳи ундан ҳам олдинроқ. Пўлотжон бўлса, „бизнинг комбинат ҳам шундай“, деди. Унинг сўзини Мавлон Қўшаев бўлади. Бизнинг колхоз беш йиллик пахта ва қурилиш планини тўрт йилдан ҳам олдинроқ муддатда бажармоқчи. Сергей Максимович яна сўз қўшади, ўз цехининг, Ленин хотирасига бағишлаб йигирма биринчи январьда январь планини тўла бажаражагини айтади.

Мен икки оғайнини суҳбатини батамом кўчирмоқчи эмасман. Қилган ва қилинадиган иш тўғрисидаги бу суҳбат—биргаликда умумий иш олиб бораётган, юксалган ҳалқ руҳининг ифодаси. Ленин шаҳрининг чақириғига унинг жавоби. Бу чақириқ бутун мамлакатга тўлқин ёйди. Ҳалқ янада гўзалроқ келажатини тезроқ яқинлаштириш учун бир муваффақиятга иккинчисини қўшади. Янги тажрибалар юзага келади. Уни илҳомлантирган нарса шу. Унинг бир намунаси, тоғдан шаҳарга „ўтинкашлик“ блан умр кечирган Пўлотжоннинг букунги баҳтиёр ҳаёти. У, айтади, мен, деди ўтмишни эслаб ўтирумайман. У, чанглар каби эди, учиб кетди. Булут эди, тарқалди.

Мен, деди, Пўлотжон, букунги кунимнинг завқи келажакка умидимни янада қувватлироқ, жўшқинроқ орзуладар блан гуллатмоқда. Мана ўзингиз ўйланг. Шаҳарча ҳақида гапириб ўтирумасам ҳам бўлади. Мана шу кўчамизни олинг. Нима учун унга Ғалаба деб исм қўйдик. Мен фронтда олишаётган кунларимда бу данг-ғиллама бинолар қурилди. Бузмоқ ҳамманинг қўлидан ҳам кела беради, аммо лекин қурмок учун ақл ва қувват керак. Фашист бузарди. Биз бўлсак қуардик.

Биз Ғалаба қозонган кунларимизда, шу шаҳарчамизнинг сўнгти кўчаси битди. Биз бунга Ғалаба деб исм бердик.

Пўлотжон ака чинакам ҳам ҳақли. Уёқда кураш, бунда қурилиш, ўз келажагига қаттиқ ишонган халқина шундай қилаолади. Бундай кишиларғина тараққиётнинг мурватини бир нафас ҳам бушаштирмайди. Чинакам ҳам шаҳарча, Лениннинг улуғ ғалабалари тантанасига минглардан бир ёдгор бу!

Шундай. Хусусий ўтиришлар—ойлавий ма'ракаларда давлат, халқ манфаати мавзу'идаги баҳслар, фикр юргизишлар кўпдан бери халқимиз учун одат бўлиб қолди. Бу нарса, Пўлотжонлар каби оддий ишчининг илми бўлганидагина ҳам эмас, (ҳатто сұхбатида бўлган кишилар уни инженер деб гумон қиладилар) тарихни ҳаракатга келтирган давримиз, оддий одамнинг қадр-қийматини, меҳнатини ижодий қувват юксакликка кўтарган совет тузумимизнинг моҳияти блан изоҳлаш керак. Кишиларимизнинг кучи ҳам шунда.

Сұхбат, меҳмондорчилик одогига етди, ниҳоят қўзғолдик, эшик олдида Мавлон Қўшаев ҳаммамизни тўхтатди.

— Мен сизларнинг сұхбатларингда бўлдим, деди, Мавлон Қўшаев коридорга чиқатуриб, жуда хурсандман. Аммо лекин кела-си кун, худди шу куни бизда катта тўй. Тўйдан кейинги сұхбатни бизда ўтказайлик, шунга ва'даберинглар,—деяркан, менга қараб сўзини давом этди, сиз ҳам албатта, муллака, бизда бўласиз, мен сизга ўз ҳаётимизни гапириб ўтирамадим, бориб кўрасиз. Шояд китобингиз учун биздан ҳам жичча ҳисса чиқса.

Мавлон Қўшаевнинг кейинги жумласи ҳаммамизни қаҳ-қаҳлаб кулдирди. Аммо б эбир-биrimizgасавол аломатида қарадик. Қарашимизнинг сабабини тушунди шекилли, изоҳлаб кетди.

— Тўйимиз, деди Қўшаев, йигирма иккинчи февральда бўлади, бу кунда ҳаммамиз маҳаллий советларимизга сайловлар ўтказамиш. Аммо, лекин унгача, келаси кун биз, келаси кун, область советимизга номзод кўрсатамиш... сизларники өртагами?..

Биз, эрта номзодлар кўрсатишимишни айтдик ва Мавлон Қўшаевнинг таклифини қабул қилиб, тарқалдик. Ярим кеча эди. Шаҳар чироғлари улкан биноларни нур блан ўраб олган чоғ.

Оппоқ қоре да ётади, электр шу'лалари бинолар аксини унга урмоқда. Кинонинг сўнгги сеансасидан кишилар чиқмоқда. Унда „Ленин Октябрьда“ фильмни қўйилаётган экан. Қаердан музика садоси, бу садода кураш ва ғалаба қўшиғи янграйди. Шаҳарни бошқа бир фурсатда айланиси чиқиши фикри блан, траллейбус бекатига келиб қолганимни сезмайман. Кетар олдида тўймас кўзларим блан шаҳарчага яна бир тикилдим. Оддий одамнинг улуғворлиги ва қадрини тантана қилгандай ажойиб шукуҳ ва гўзал манзаралари блан товланмоқда бўлган бу шаҳарча—улкан Тошкентнинг бир қаноти—тўқимачи ишчилар шаҳарчаси эди.

Тўқимачилик комбинати гудок чалди. Мен ҳам машҳур „Вильямс“ колхозида бўлиш орзуси блан тоқатсизланаман.

## II

У, мени даврага таклиф қилди истиқболимга чиқди. Менга бир нима демоқчи. Лекин ўйчан. Унинг ўйи, юзидағи қувончга

халал бермади. Лампочкалар тұрғанын нури блан күзларни қашастирап. Ұзоқ-йироқлардаги үйлардан электр шуласи ялтилаган игнадак күринар. Қаршымда клуб. Ортида бөг, унинг йўларида ҳали олтин куэзинг баргларидан из бор. Қишининг авж олган палласи. Аммо, қишлоқ юрагида баҳор...

— „Мен, шу пайтда бошқа ҳақда ўйлаб кетдим,—деди сўзида давом этиб, Мавлон Қўшаев.— Менинг бу масалага ўзга фикрим бор. Қарилликка баҳтли ёшликни, ёшликка гуллашни та’мин этган совет ҳукуматимиз тўғрисида гап бораётитти. Агар совет ҳукумати бўлмагандан, мен ким эдим... На оила, на қариндош бор, япроқлари узилган дарахтга ўхшардим. Мен, ҳозир бир йилда олган меҳнат даромадимни бир замонлар ўнбеш йилда олиш тўғрисида хаёл ҳам қилолмас эдим. Бу, соадатга мени совет ҳукумати етказди. Бу блангина менинг баҳтим чекланмайди. Гап бошқа тўғрида. Ҳали мен гапириб бераман. Ўз қўзингиз блан кўрасна. Ҳозир менинг айтадиган гапим, пахта планини аллақачон бажарганим тўғрисида ҳам эмас. Мен, олдимизда турган маҳаллий советлар сайловини ўтказишда ўз ҳиссамни қўшиш тўғрисида ўйлаяпман. Ахир, совет ҳукумати, биз сайлаб қўйган вакилларимиз бизнинг баҳтиёрларимиз учун нимаики керак бўлса, ҳаммасини бажармоқдалар. Нима учун мени, сайлов ма’ракамизга ўз ҳиссамни қўшиш тўғрисида ўйламаслигим мумкин. Менга ҳурмат кўрсатиб, бир колжозчимиз нима деди, денг? „Сиз, деди, Мавлон ака, кўп чарчадингиз, бироз дам олинг. Кечқурун зиёфатга бош бўлиб турсангиз бўлгани“ дедия, йўқ! Бу, менга ҳурмат эмас. Зиёфатда ҳам бўлишимиз мумкин. Аммо лекин пландан ташқари ва’да берганимиз минг центнерга яқин пахтани берганимиз блан иш тамом-ми?— Йўқ. Биз сўнгги кўсакдаги пахтани ҳам қолдирмадик. Ҳали— менинг орзу-умидларим кўп. Мен орзуларни рӯёбга чиқараётган замонда яшаяпман. Келаси йил юз центнерчи звенолар, аллик-олтмиш центнерги бригадалар етиштирмоқчимиз. Мана шундай ишлар тўғрисида ўйлаш, ишлаш— сайловга ҳиссам, ўзимга ҳордиқ олиш бўлади. Кучимга-куч қўшади. Мени ҳурмат қиласман деган киши, менинг блан бирга бўлсин.

Сизга ростини айтайми, ўтмишимни ўйлаб кетганимда, ҳозирги ишпимдан хижолат бўламан, биз яна ҳам ўн баравар ортиқ ишлashingиз керак, бригадаларни эмас, балки ёппасига колхозни юз центнерчи қилишимиз керак. Ҳамма нарса бизнинг ихтиёримизда бор. Мана ўзимни олай, бир замонлар, ахир мен ким эдим. Ҳали айтдимку. Революциядан илгариги ҳолимга маймунлар йиғларди... Мен батрак эдим. Виждони— тун, кўнгли даҳшат, макр-жийла блан қулфи дили очилдиган Расулбой деган қулоқникида қорол эдим. Менга уй-жой тўғрисида ўйлаш— афсона эди. Ҳатто бошдан сидириб олгандаи юракларимиздан орзу-ҳавасларимизни сидириб олардилар. Менинг отам ўз уйини похса деволдан олти йилда қураолмаган. Мен отамдан мirosдай Расулбойга қул бўлиб қолдим. Ҳозир аранг ёдимда. Бир куни кучугига овқатни кечроқ берганим учун мени масхара қилиб оғилхонага қамагани эсим-

да!.. Унинг кулгиси заҳардай, қаҳри тикан, ҳаракатида—топталган, қумнинг чангини кемирган илондай түлғониш бўларди.

У, мени ҳам отами қувгандай ҳаётдан қувмоқчи бўлди. Қуволмади. Фақат қишлоқдангина қувди. Ленин шаҳрининг қуёши менинг кўзларимни очди, мен Расулбойларни ҳаётдан қувдим!. Менинг баҳтиёргилим ўша кундан бошланди...

Хақни айтишим керак. Москвадан чиққан ҳарбир сўз бизнинг баҳтиёргилимизга қаратилди. Фикримиз гўё, тилимни гўё қилди. Совет давлатининг роҳатига еткизди. Маҳаллий советларимизга вакиллар сайлаганда, биз янада баҳтиёргилимиз учун, Москвамиз учун овоз берамиз. Москвачасига ишлайлик дейман. Шу кунларда менинг тўғримда сўрасангиз, давлатимизнинг қудратиниянада ошириш учун қўлимидан келган ҳиссани қўшиш завқи блан тўлиб тошаман. Менинг ўйчанлигим — эртага қиласидиган ишимни тезроқ бажариш завқи блан тўлганимдандир. Мен баҳтиёргилим, келажакка яна ҳам тезроқ бориш учун овоз бераман. Менинг саодатимни, баҳтиёргилимни билмоқчи бўлсангиз, Москва шу'лалари блан келажагимни яна ҳам порлоқ өтган шу қишлоққа қарант. Ўз кўзингиз блан кўринг.

\* \* \*

Эски замонларда бу қишлоқни билармидингиз, „Хонобод“ деб атаганлар. Бу, фақат орзугина бўлган, аслда қишлоқ—паришон кафтархонага ўхшарди. Мавлон Қўшаев та'бирича „хона ҳароб“ бўлган. Нообод ерлар, қингир-қийшиқ йўллар, узоқларда ўрмалаб оқаётган ёввойи тошқирғоқ дар'ё ва пахса деволлардан иборат бўлган ма'юс ва ғамгин қишлоқ эди. Вайрона ўтмишдан гувоҳлик бериб туручи ёлғиз қолган битта новча чинор „мана мен!..“—деб турипти. Шундан бўлак қишлоқ харобасининг излари йўқ. Мавлон Қўшаевнинг саргузаштидан сўнг, мен ўтмишини тасвирлаш ниятида эмасман, унинг саргузашти—қишлоқнинг ҳам саргузашти. Мен „азим шаҳар“ларни қоплаган бурунги фаторот уйлар, эгри йўллар, ҳаёти хира кўлбалар, „жин чироғ“, ёки шамчатнаб ёнган ер тўлаларни хотирлаб кетдим. Аммо, лекин ҳозир тамом бошқа бир дун'ёни кўрсатиб турган манзара олдида турибман: кумуш саҳролар жилоланади. Бурунлар ўзидан баланд нарсани кўрмаган новча чинор устига гидростанция кўланка солиб турипти. Садаф қор блан қопланган боғлар, янги каналлардан сув ичадиган бўлиқ ерлар, қуёш тифи блан ўйновчи чаманзорлар, Ильич чироғи блан безанган нақшдор уйлар, менда ҳамон, тўқимачилар шаҳарчаси таассуротини бойитмоқда. Қишлоқда турганимни эсдан чиқарибман.

Бизни клубга олиб борган озода йўллар, чиройли скамейкалар, тўғри ва текис ўтказилган гулзорлар, кўприкчалар, шийпонлар, мармар ва тош қаланиб ишланган булоқлар қишлоқнинг шаҳар даражасига кўтарилиганига гувоҳ. Агар оддий колхозчилардан биря менга „ҳордиқ учун ҳамма нарса ўзимизда бор“ деб фахрланиш туйгуларини билдирганида, иккинчи бир колхозчининг „биз-

нинг далаларда булбуллар каби хушхон лекин учрамайдиган қушлар кўрина бошладилар” деганида, унинг табиатида, ҳиссиётида нозиклик борлигини айтишга ҳақлидирман. Чинакам ҳам, кишиларимизнинг муомиласида, табиатида, сеэгиларида нозиклик, фикри тозалик, ниҳоятда зўр маданиятларини кўрсатадиган кўп аломатлар борлигини айтишим мумкин. Аммо, мен тамом бошқа бир хислат тўғрисида гапирмоқчиман.

Бир қатор оддий колхозчиларнинг суҳбатларида бўлдим, ажойиб воқиа шундаки, бу суҳбатлар кишиларимизнинг қанчалик фикри ма’новий юксакликда турганлари тўғрисидагина эмас, гап, уларнинг кундалик газетхонликларида, сиёсий ва бадиий адабиётга қизиқишлиарида, ёки кино-театрларга қатнашишлидагина, ҳатто уйларидаги приемникдан тарк қилмай кундалик жаҳон сиёсати блан танишиб боришларида ҳам эмас. Булар, кишиларимиз учун оддий машғулот бўлиб қолди. Балки уларнинг маданияти — турмуш ҳақида, яна гўзалроқ келажак ҳақида олижаноб фикрлашларида, ўз фикрларини колхоз, жамият ҳаётининг манфаатларига мослашларида ниҳоят, буқунги мақсадларини келажакка маҳкам боғлай олганликларидадир.

Йўқса қайси бир асрлар тарихи, кишиларда меҳнат ва ақлнинг бунчалик юксак фазилатлар яратганига гувоҳлик беролди! Ўзбек қишлоғида, давлатманд хонодонлар, дангиллама иморатлар, ўн йиллик мактаблар, клублар, кутубхонаси, докторхона, дорухонаси, боқча, яслалари, бутун-бутун телефонлашган ҳусусий уйлари блан шаҳар даражасига кўтарилганини қайси бир давр хаёл қилаолди! Буларни, Мавлон Кўшаев айтгандай, совет ҳукумати берди.

### III

Клубда жамоат жам. Ҳали ўринларга ўтирилганича йўқ. Мавлон Кўшаев, ким биландир гаплашиб қолди. Менинг диққатимни бир гуруҳ жамоа ўзига тортди. Унга яқинлашдим.

Улар қизгин суҳбатда, мавзу’—Мавлон Кўшаев. Колхозчилардан бири, Мавлон Кўшаевнинг кеча ҳосилот советида гапирган гапига э’тиroz билдиromoқда. Мавлон Кўшаев, пахта ҳосилини кўтаришдан асосий сабаб коллективнинг тайрат ва муҳаббат блан агрономия қоидаларига риоя қилиш бўлди, депти. Йўқ, деди, даврадаги бир колхозчи. Бунга сабаб нима, тақсир, бизнинг ҳаммамизни тўплаб агротехника қоидаларини ўқитган Мавлон акам өмасмилар, Аграномдан нималари кам? Иккى юз етмиш гектар ернинг ҳарбиридан ўттиз беш центнердан пахта беришимизга Мавлон акамнинг кўшган ҳиссалари оз бўлдими. Ҳақни айтиш керак да. Рұксор, Асқаров ва бошқа бригада звеноларда қирқдан тортиб тўқсон центнергача пахта берган эканлар. Бунда Мавлон акамнинг ҳам хизматлари катта. Бирнеча йиллардан бери ҳосилни ҳам кўтариб сурункасига планимизни бажариб келганимизни айтмайсизми...“

Бу жонли фикрларни даврадагилар самимият блан тасдиқлар

ва менинг қаҳрамонимнинг янгидаш-янги хислатларини сўзлар әдилар. Буларни тафсилий ёзмоклик учун бошқа бир фурсат то-парман. Ҳозир сұхбатимизни Мавлон Кўшаевнинг ўтириш түғри-сидаги таклифи блан тутгатдик.

Инғилишда бошқалардан кечрок қолиб келаётган қайси бир аёлнинг ёқимли овози ташқаридан жаранглади.

Пахта экдим бой бўлдим,  
Тўлиб чиққан ой бўлдим.  
Сталиннинг даврида  
Қўлим тўла мой бўлдим.

Бу самимий қўшиқда ҳамманинг кўнгли ифода қилинган әди. Шу тобда бирор кириб келди. Мавлон Кўшаев ўз ёвидан жой берди. Бу киши— нормаларни синдириб, ҳар гектар еридан тўқ-сон центнерга қадар пахта берган звено бошлиқларидан—Рухсор опа әди.

Бошқа иотиқлар қатори, Мавлон Кўшаев ҳам сўз олди. У жуда қисқа ва дона-дона гапирди.

„Мен“, деди, Мавлон Кўшаев, бутун колхозимиз фикрини гапирмоқчиман. Бу менинг ҳам фикрим. Айтингларчи, ота-бобо-ларимиз шундоғ ҳаётни кўрганми? Баҳор шаббодаси майсаларни ер тагидан рўёбга чиқаргандай, биз рўёбга чиқдик. Ким бизни рўёбга чиқарди... Бизни чинакам қанотига олиб парвариш қилган ким... кимлар... улуғ рус халқи, улуғ Ленин халқи... Улуғ Ленинизм, букунгি Ленинизм — Улуғ Сталин... Мен мана шулар учун овоз бераман, улуғ Сталин учун овоз берамиз...

Гур этиб бутун халқ обека турди. Кремль соати жом чалар пайт. Ер ўки бизнинг мамлакатимиздан ўтаётган чоғ... Кишилар, дераза орқали колхоз шаҳарчасига, унинг кенг осмонига назар солди. Ёмғир ва’да килиб онда-сонда кўринган қиши булути кўкда елканли кема каби юзиб ўтиб кетди. Очик ва мусоффо кўк, зангорранг гўзалликларни қучоғлаб олган ҳашаматли „Вильямс“ қишлоғи... беқасам, шоҳи, атласларга бурканган кишилар... Ҳамма си бир-бирларининг кўз ўнгиди. Ҳамма нарса ўз ихтиёрларида...

„Вильямс“ колхози

## **ҚИЗИЛ АРМИЯ ТҮГРИСИДА ХАЛҚ ҚҰШИҚЛАРИ ВА ДОСТОНЛАРИ**

“Узбек совет фольклорининг достон, ашула-құшиқ жанрларида Қизил Армия ва унинг қаҳрамонлари түгрисида күп асарлар яратылғандыр.

Халқ ижодчилари ўз асарларида Қизил Армиянинг Улуғ Октябрь ғалабаларини ва совет ватанимизнинг тинчлигини сақловчи қудратли күч сифатида күйладилар.

Совет халқининг асл фарзандлари ватанимиз мудофааси йўлида доим тайёр эканликлари, уларга совет халқининг муҳаббати, партия, совет ҳукуматининг раҳбарлиги ва, ғамхўрлиги, совет халқи ҳамда Қизил Армия жангчилари ўргасидаги мустаҳкам алоқа Қизил Армия ҳақидағи фольклор асарларининг асосий тематикасини ташкил этади.

Ўзбек Совет фольклорида Қизил Армиянинг, қаҳрамонлик ва ватанпарварлик фаолиятлари түгрисида яратылган асарлар ашула-құшиқларда ўзининг бадиий аксини топди. Қизил Армия Ўзбекистонда гражданлар уруши йилларида босмачиликни тор-мор этишда маҳаллий аҳоли блан бирликда жуда катта қаҳрамонлайлар кўрсатганы бизга ма’лум.

Мана шу тарихий, жанговар эпизодлар ашула-құшиқларда, достонларда куйланиб келди. Босмачилар ҳаракагига қарши курашган Қизил Армияга самимий муҳаббатни ўзида акс этдиргани бир құшиқда халқ шундай куйлайди:

Бизнинг боғда шафтоли,  
Шохлари қайрилган.  
Босмачилар дастидан,  
Она-қиздан айрилган.  
Дўпир-дўпир от чопар,  
Қизил аскар келипти,  
Рангимизга қон кирди,  
Душман бағрин тилипти.

Бу құшиқдан босмачиларнинг халқقا кўрсатган жабр-зулмларига қарши нафрат-ғазаб мотивлари ва меҳнаткашларнинг Қизил Армияга бўлган самимий муҳаббати куйланади.

Мана шу тарихий курашларнинг бир қисмини ўзида бадиий равишда акс эттирган халқ достони „Очил дов“ достонидир. Бу асарни талантли халқ шоири Фозил Йўлдош ўғли ижод этгандир.

Достонда Фозил шоир ўзи кўрган-билган ва жонли гувоҳи бўлган тарихий воқиаларни, ўз хофизасида сақлаган фактларни достон қилиб айтиб куйлаб келгандир. Достон ўз ичига Самарқанд ва унинг атроф район-қишлоқларида Совет ҳукумати қурилгандан сўнг, ўша даврда эксплоататорлар синфининг қолдиқлари ёрдами блан учоқ қишлоқ, районларда Очил босмачи шайкасининг пайдо бўлгани ва уларнинг тинч аҳолига кўрсатган жабрзуллари реал тасвир қилинади.

Достонда Қизил Армиянинг меҳнаткашлар оммаси блан биргаликда Очил босмачи шайкасининг тор-мор этилиши ва ўша қишлоқ, районларда совет ҳокимиятининг мустаҳкамланиши бадиий образлар орқали тасвирланади. Достон шундай бошланади: „Октябрь инқилоби бўлиб, шўро ҳукумати қурилиб, ишчи деҳқондар, эзилган меҳнаткаш халқлар озодликка чиқиб яшайдиган замон бўлгандан кейин, қадимги амалдор, муллалар чекка-чеккадан йиғилиб, шўро ҳукуматини йўқотмоқнинг маслаҳатини қилиб, шўро ҳукуматига қарши отланиб чиқабошлади“. Шундан сўнг, Фозил шоир Қизил Армиянинг жанговарлигини, қаҳрамонлигини тасвирлашга ўтади,

„Шўро ҳукуматига душман бўлган, бу ҳукуматни йиқитиб кўхна ҳукуматни қурмоқчи бўлиб юрган, халқни уриб-сўкиб, талаб ётган босмачиларни йўқ қилмоқ, Шўро ҳукуматининг катта иши бўлиб, қизил аскар бу ишга бел бойлаб, халқининг тинчлигини ўйлаб, кеча-кундуз босмачини йўқотмоқни бир-бирига сўйлаб, босмачининг қасдига белини маҳкам бойлаб милтиқ, анжом, ёвярогини шайлаб, белига бойлаб, ўтдай жайнаб юрган...“

Хукуматдан, комиссар, командирдан буяруқни олиб, қаерда босмачи бўлса излаб бориб, тўп-тўп бўлиб элга бўлиниб, өлни қараб босмачини сўраб, қаттиқ кунда ҳукумат блан халқнинг ишига яраб юрган қизил аскарлар эди. Босмачини излаб, шердай хезлаб, бир тўп қизил аскар Янгиқўрғонда эди...“

Очил босмачининг шайкаси Қизил Армия отрядлари томонидан қаттиқ зарбага учрагач, қишлоқма-қишлоқ қочади. Босмачилар қочиб, яширган жойларини меҳнаткаш ҳалқ вакиллари қизил Армия қисмига келиб хабар берадилар. Босмачилар қишлоқдаги тинч аҳолининг мол-мулкини талаб яна қочадилар. Босмачиларнинг халққа кўрсатган зуллари достонда шундай тасвир этилади:

Кўп қишлоқдан ўтаяпти,  
Буни кўрган камбағаллар,  
Гувиллашиб қолаяпти.  
Хотин-қизлар бўғчасин об,  
Пана ерга қочаяпти,  
Бу одамми? бир бало! деб,  
Хотин-қизлар қўрқаяпти.

Қизил Армия отрядлари ва маҳаллий меҳнаткашларнинг, ташаббускорликлари, қаҳрамонликлари ҳақида Фозил шоир куйлади. Қизил Армия отрядларининг босмачилар устига қаҳрамонларча юришини шоир достонда шундай тасвирлайди:

Бедов отлари диркиллаб,  
Милтиқ, ўқ, анжом ширқиллаб,  
Агар душман буни кўрса,  
Кетар юраги зирқиллаб,  
Қизил аскар жўнади.

Йўлда отлар ўйнайди,  
Сувлиқни тишлаб чайнайди,  
От устида қизил аскар,  
Гулгун бўлиб яшнайди,  
Қизил аскар жўнади,

Фозил шоир бу достонда Қизил Армиянинг босмачиларга қарши олиб борган жанговар курашларини тубандагича куйлади:

Сойда бир дам туриш бўлди,  
Бирор майдон суриш бўлди.  
Босмачи блан уруш бўлди,  
Юраклиги хўп иш бўлди.

От остида калла қолди,  
Қийматбаҳо салла қолди.  
Очил айтар: „Не ерларда,  
Ғамлаб қўйган тилла қолди“.

Аскар ишин кўрсатди,  
Ўнгу-сўлин туман тутди,  
Неча оту, неча йигит,  
Бу урушда сулаб ётди.

Қизил аскар сатта ботир,  
Кун ботса ҳам қўймаётир.  
Босмачини юргизмайди,  
Кўринганин отаётир.

Қизил ачкар ғайрат қилди,  
Кеч бўлганин энди билди.  
Босмачини қувиб, суруб,  
Очилни кўкракдан урди.

Шундай қилиб қизил аскарнинг кучи блан, милицияларнинг қуввати блан, әл одамининг ёрдами блан босмачиларнинг тухуми қуриб, әл тинчиб, ободонлик бўлиб, шўро ҳукумати ривож олиб, кундан-кун олға босиб, эндиги зомонлар бўлиб кетди — деб, Фо-

зил шоир достонини тугатади. Бу достондан бошқа, япон самурайларини Ҳасан кўлида тор-мор эгган Қизил Армиянинг жанговар эпизодларини ўзида акс этдирган достонча—Пўлкан шоир томонидан 1940 йилда ижод этилган „Ҳасан кўл“ асарини кўрсатишмиз мумкин. Пўлкан шоир Қизил Армиянинг япон самурайлари устига жанговар юришини шундай тасвирлайди:

Қизил аскар титроқ солди жаҳонга,  
От ўйнатди тушиб катта майдонга,  
Қил тамоша, Сталиннинг аскарин,  
Жазо берар япондайин ёмонга.

Доим олдинда юрар командир,  
Қизил аскарлар чиқмас сўзидан.  
Тоғдай керилиб турар командир,  
Мардлик ўқилар нурли юзидан.

Тоғлар титрайди саловатидан,  
Кушлар ўтмолмас мингган отидан,  
Денгиз чайқалар куч-файратидан  
Мард қизил аскар борар ортидан.

Шундай қилиб, Қизил Армиянинг, ватанпарварлик, қаҳрамонлик хислатлари ўзбек халқ ижодчиларида репертуарида катта ўрин олди. Фозил шоир, Ислом шоир, Қурбон ота ва бошқалар жуда кўп қўшиқлар яратиб халқ орасида айтиб'кўйлаб келдилар.

Бу халқ ижодчиларининг асарларида айниқса Улуғ Ватан уруши йилларида янада жанговарлик, ватанпарварлик мотивлари куччайди. Масалан Фозил шоир „Армия“, „Жаҳон тинглагай“, „Эр йигитлар, майдонга!“ қўшиқларини, Ислом шоир эса, „Жангнома“, „Қаҳрамоннома“ шे'р — қўшиқлар тўпламини нашр этдирди. Бу қўшиқлар, термаларда халқ ижодчилари Қизил Армиянинг Ватан уруши фронтларида кўрсатган қаҳрамонликлари, әришган ғалабалари, айрим жангчи ва командирларнинг жанговар фаолиятлари тўғрисида кўйлайдилар. Фронтдаги жангчилар блан ўзбек халқининг жонли, мустаҳкам алоқаси — бадий образларда кўйланди. Жангчиларга бағишлиган қўшиқлар уларда жанговарлик фаолиятини оширди. Фронтда янгидан-янги ғалабага олиб келди ва уларда ботирлик — қаҳрамонлик руҳини кўтарди.

Фозил шоир „Жаҳон тинглагай!“ қўшиғида Қизил Армиянинг қаҳрамонлиги ҳақида шундай кўйлади.

Билмайдими СССР да шерлар кўп,  
Самолётчи, асл жангчи өрлар кўп,  
Найза тутиб саф-саф бўлиб йигналган,  
Ота-ўғил булар жангда синалган,  
Эр йигитлар, қилас оҳанг хуружда,  
Кўрсатамиз ёвга қирғин урушда,  
Йулбарс каби ёвни тикка босамиз.  
Олдамчи тулкининг бошин кесамиз.

Фөзил шоир Қызыл Армиянинг душман устидан тўла ғалаба қозониши аниқ ва муқаррар әканлиги ҳақида куйлади:

Совет ҳалқи фашистларни мажақлар,  
Сўнгра тарих бўп қолади бу гаплар  
Қўшлар ўйнаб, эркин учар ҳавода,  
Адолатли совет тургай дун'ёда.

Фөзил шоирнинг Улуф Ватан уруши майдонларида немис фашистларга қарши қаҳрамонларча жанг қилаётган жангчи, командирларга бағишлиб айтган „Эр, йигитлар, майдонга!“ қўшиғи жангчиларни янада янги ғалабаларга чорлади.

Ислом шоир Совет Иттилоғининг қаҳрамонлари, маршалларимиз, қаҳрамон жангчи-командирларимиз тўғрисида бирқанча қўшиқлар ижод этди. Ислом шоир, “Ботир аскарим” ше’рида шундай куйлади:

Ватаниннинг ортиб ери, гуллади жойи,  
Гулаору-чаманзор қир била сойи,  
Бунинг учун йўлбошчидир у улуф доҳи,  
Севар албат ўз гулзорин, ботир аскарим!

Эй Салин, сен бор учун равшандир башар,  
Эй Салин, сен бор учун орзулас тошар,  
Эй Салин, сен бор учун ҳамма ҳам яшар,  
Севар албат ўз ватанин ботир аскарим.

Қаҳрамон учучи лейтенант Бундюк ҳақида куйлаган қўшиғида Ислом шоир Ватан уруши бошланган чоқларида Бундюкнинг бир ўзи тўрт душман самолёти блан жанг қилганини тасвирлайди:

Ёв қидириб учди ботир қарчиғай,  
Тамоша қилгани ботмай турдя ой,  
Тошни тошга уриб ерда оқар сой  
Ёв қиргани Бундюк учар осмонда.

Ёвларни тўзғитиб қайтди постига,  
Қойил қолди командир Бундюк дўстига  
Унвон берди, қизил байроқ ҳуснига  
Ёв қийратиб Бундюк учар осмонда.

Ислом шоирнинг учучи Бундюк ва бошқа жангчи, командирларга бағишлиб ижод этган қўшиқларининг эўр аҳамияти бордир. Қызыл Армияга бўлган муҳаббат, фронт блан мамлакат ичкарисининг мустаҳкам алоқаси, ўзларининг энг яқин дўстлари, севганилари тўғрисида куйланган қўшиқлари қисқа, чиройли ва бадий, лирик қўшиқларки, буларда ҳалқнинг фикр ва түйғулари куйланади. Биз бу ўринда Қызыл Армияга бағишлиланган ҳалқ қўшиқларидан ба'зи намуналарни келтирамиз: бу қўшиқларниң кўпчилиги Улуф Ватан уруши йилларида ижод этилгандир.

Ариқ бүйини ўяй,  
Гулзорларга сув қуяй,  
Қызсан деманг аяжон,  
Аскарликка қўл қуяй

Тегирмонни тошиман,  
Қиз болалар бошиман,  
Борсам агар войнага,  
Аскарлар қўлдошиман.

Менинг ёrim командир,  
Тани соғлом, омондир,  
Аскарликни севмаган,  
Киши менга ёмондир.

Қизил аскарларимиз  
Жуда кўп беададдир  
Ҳарбир сепган уругим,  
Шуларга бир мададдир.

Бизнинг қизил аскарлар,  
Асло қўрқмас донгдорлар,  
Унинг ёрдамчиси биз  
Миллион-миллион лашкарлар.

Чигит эқдим еримга,  
Хабар бердим ёrimга,  
Аскарликдан келаркан  
Ёrim пахта теримга.

Менинг ёrim қаҳрамон  
Душманга бермас омон,  
Босқинчи фашистларнинг  
Пўстига тиқар сомон.

Қизил Армия ва унинг жанговар юришлари тўғрисида ашула, қўшиқ, достон жанрларидан бошқа эртаклар, ҳикоялар, эсадаликлар яратилган. Броқ бу жанрдаги материаллар ҳам ёзучилар ва фольклористлар томонидан етарли равишда ўрганилмаган. Улуғ Ватан урушига қатнашган ҳар бир жангчи, командир жуда бой жанговар эпизодларга эга. Мана шу хотираларни тезда ёзиб олишимиш керак. Чунки фольклор асарлари Улуғ Ватан уруши ийларида жуда кўп яратилди. Лекин етарли равишда тўпллангани йўқ. Бу асарлардан ёшларимиз жасурлик-ботирлик, хислатларини ўрганадилар, уларда душманга қарши нафрат-ғазаб туйфуси ошади. Бундай қўшиқлар ёшларимизда Ватанга бўлган муҳаббатни яна ҳам кучайтиради.

АФЗАЛОВ

# ТАНГИДА ВА БИБАЙОГРАФИЯ

## ЯНГИ КИТОБЛАР ҲАҚИДА

ВКП(б) Марказий Комитетининг адабиёт ва са'нат тұғрисида чиқарған қарорлари ва ўртоқ Ждановнинг „Звезда“ ва „Ленинград“ журналлари ҳақида қилған докладидан кейин утган шу озгина фурсат ичида совет адабиёти зёр юксалишлар томон илдам қадам ташлаб бормоқда, шу жумладан ўзбек совет адабиёти ҳам бирмунча муваффақиятларга әришди. Унинг саҳифалари гоявий мустаҳкам, бадий юксак асарлар блан бойиди. Шу қаторда, болалар адабиёти ҳам хила ўсди. У, янги авторларга ва бирнече салмоқдор асарларга зга бўлди.

1947 йили Ўзбекистон Давлат нашриёти болалар учун анчаги-на бадий асарлар нашр этди. Булар ичида: Сталин мукофотининг лауреати, шоир Faфур Гуломнинг „Ше'рлар“, шоир Уйғуннинг „Ҳадия“ номли түпламлари, Қуддус Мұхаммадийнинг „Ўқучига эсдалиқ“ деган китобчаси, „Қизил галстук“ (коллектив), „Янги йил“ (коллектив), бирнече фольклор, ҳалқ әртаклари ва кўпгина рус болалар адабиётидан таржималар ҳам бор. Бу китобларнинг кўпли ўз оригиналълиги ва гоявий, бадий пишиқлиги блан ўқучиларга мавзур бўлди.

„Қизил галстук“ (коллектив) ше'р, ҳикоя ва пьесалар 133 бет, 1947 йил.

Ўрта ва катта ёшдаги болалар учун аталган бу түпламнинг дастлабки варақалари Совет Иттифоқининг гимни, Ўзбекистон Совет социалистик Республикасининг гимни ва машҳур болалар ёзучиси Сергей Михалковнинг „Совет Иттифоқи пионерларининг қўшиғи“ ше'ри блан очилади.

Озод ва баҳтиёр яшаш деб оталар  
Жангларда кўп қон тўқдилар.  
Ленин блан Сталин бизга бу ватани  
Курашда барпо этдилар.

Узоқ йўлга отлан, ҳарвақт йиғ кучинг сен  
Коммунистлардан ол ўрнак.  
Ўқи ва меҳнат қиля, яша ҳалқ учун сен,  
Совет пионери—дов'юрак.

Шунингдек, ватанга, халққа мұхаббат, меңнат ва илмға иш-тиең, Ленин-Сталин партиясына садақат, қаҳрамонлік ва кураш мотивлари бу китобнинг асосий мундарижасидир.

Бу тұпламга шоир Faфур Fuлом, Шайхзода, Уйғун, Миртемир, Темир Фаттоқ, Шукур Са'дулла ва бошқа бирқанча ўртоқларнинг асарлари, А. Фадеевнинг „Еш гваодия“ романыдан парча, С. Михальковнинг „Қизил галстук“ пьесасидан, В. Катаевнинг „Полк ўғели“ номлы асаридан парчалар ва бошқа бирнече рус авторларидан таржималар ҳам киритилган.

Бу тұпламнинг табриклашға лойиқ бүлгән дастлабки ютуғи шуки, бу китобға қатнашған ўзбек авторлари ичида; Faфур Fuлом, Шайхзода, Темир Фаттоқ каби шоирлар янғы асарлари блан қатнашиб, тұпламнинг қиymатига қиммат құшишгандар.

Шоир Faфур Fuлом ўзиининг болалар учун өзгән аввалғи шे'рларидан соддалиғи ва равонлиғи блан фарқ қиласидан бу янғы ше'рида ёшларимизнинг фаровон ҳәттини күйлайди.

„Тонг отар құшиғи“ ше'рида шоир бир үқуци болани тасвирилайди: бу тасвирида у, ёш совет авлоди блан қуёш ўртасида ма'наи ұхшашлик, бирлік, ҳамжиғатлик күради.

Сен блан баравар  
Уйғонардим, эй қуёш.  
Тонг отардан кечгача  
Сен ҳар күн менга йўлдош.

„Бу тасвиринг ма'навий ва ғоявий құдраты мана бу мисра'ларда яна очиқроқ акс өтади:

Даричамдан мўралаб  
Китобимни ўқиб боқ.  
Унда Сталин бобом  
Юзингдан ҳам ёруғроқ.

Я'ни бу ёшлик Сталин авлодидир. Шунинг учун ҳам у, қуёш блан тенглашаолади.

Шоир баҳтиёр Совет ёшләри, пионерләри, комсомоллари ва уларнинг келажаклари ҳақида шундай тасаввур қиласиди:

Улуг Ленин наслининг  
Кичкина фарзандисан  
Келажакнинг әгаси  
Фарзанди, дилбандисан.

Сиз иккөв баҳтимизсиз  
Үлим билмас зўр авлод.  
Ва сизнинг қўлингизда  
Коммуна юрти обод.

(„Авлоддар“)

Ёш бўғинларимиздаги бу ботирлик ҳиссиётлари, Ватанга содиқлик ва унинг ҳимоясига отланиш каби туйғулар, бу тўпламдаги бирнечча асарларда ҳам ўз ифодасини топгандир.

Чегарада тураман  
Қўлимда милтиқ олиб.  
Юрагимга ботирлик  
Мардлик меҳрини солиб.

(Уйғун „Чегарачи“)

Жон амаки қўрқоқ эмасман  
Гостеллодай тантиман ўзим.  
Бўронларни писанд қилмасман  
Пионерлик—тўғри бу сўзим.

(Миртемир „Жон амаки олакет менى“)

А. Фадеевнинг „Ёш гвардия“сида ҳам, Шайхзоланинг „Женя“ достонида ҳам, С. Михалкевнинг „Қизил галстук“, Миртемирнинг „Олег ва ўртоқлари“, В. Катаевнинг „Полк ўғли“ асарлари ва тўпламдаги бошқа бирнечча асарларда ҳам шу асосий мавзу', ёшларимиздаги ватанпарварлик туйғулари куйланади.

Улуғ Ватан уруши кунларида немис босқинчилар қўлига асир тушиб қолган 13 яшар пионер Женяни фашист жаллодлар дорга осаркан, Женя ўзини дадил тутиб, шундай дейди:

— Яшасин менинг Вата...  
Бўғилди сўнг жумласи.  
Етмади бўғин битта,  
Ва тиқилди нафаси

(Шайхзода „Женя“)

Мана шу азамат Женяларнинг ватандоши, сафдоши Зоялар, Олеглар ҳам ўша жаллодлар қаршисида ўзининг совет боласи ёканлигини, мустаҳкам ғоясини, пионерлик қудратини, ботирлик ва озодлигини намойиш қиласди.

Жаллод деди:—ёшсан, увол  
Отиласан бошинг ҳам кетар.  
Жавоб айтар Олег дарҳол:  
„Эй, сен эски муттаҳам,  
Билганингни қил эй ғаддор,  
Кўрққан ким бор ўлишдан,  
Үлган яхши такрор-такрор  
Сенга қарам булишдан!

(Миртемир „Олег ва ўртоқлари“)

— Ялбарма, офицер, бўлмайман таслим,  
Қамчин азобларинг менга кор қилмас.  
Енгилмас, сотилмас улуғ рус насли  
Евимга дилимда марҳамат бўлмас.

(Ёнғап „Москва қизи“)

Ёшларимизнинг ўқишига, меҳнатга меҳр, садоқатлари, меҳнатдаги билим олишдари моҳирлик, жасорат ва матонатлари ҳам тўпламнинг асосий мавзу'ларидандир.

Синфга кираман дадил,  
Ўлтираман партамда адил,  
Дарс олишга иштиёқим зўр,  
Мактаб менга жонажон, ҳузур.

(Ш. Са'дулла „Сентябрь тонги“)

Қалдирғоч қанотидек,  
Хатни қияди Омон.  
Хат эмас ўқишида ҳам  
Олмайди: икки-ёмон.

(Кудлус „Яша, Омон“)

„Қизил галстук“ тўпламида шу каби муваффақиятлар блан бирга камчиликлар ҳам йўқ эмас. Дастробки кўзга ташланадиган нарса тўпламдаги оригиналъ проза асарларининг камлиги ва бўлган уч-тўрт ҳикоянинг ҳам етарли гоявий ва бадиий қувватга эга эмаслигидир. Бу ҳикояларда („Уч саиёҳ“, „Маҳмуддинг ҳикояси“) олинган мавзу' ҳарқалай актуал маваузалардир. Лекин ундаги воқианинг унча катта бўлмаслигига қарамай, ортиқча мулоҳазалар ҳисобига ҳикоя ўқучини зериктиарлик даражада чўзилган, воқиа сиқиқ ишланмаган ва асарнинг бадиийлигига камроқ ётибор берилган.

Худди шунингдек, ше'рларда ҳам сюжет ва актуал темалар кам. Тумтароқ, такорий ва бўш мисра'лар кўп. Кўп ше'рлар табиат ҳодисаларига, фаслларга бағишлиданади. Бу ҳам албатта шу куннинг актуал мавзу'лари эмас. Бундан ташқари ба'зи ше'рлар („Темирчи қиз қўшиғи“) болаларга муносиб бўлмасада тўпламга киритилаберган. Тўпламдаги асарларнинг жуда кўпи бирнечча бор босилган ва китоблардан олинганлиги ҳам китобнинг оригиналлик қийматига зарар етказган.

Умуман олганда, „Қизил галстук“ тўплами ёшларимизнинг бадиий ўқишлирага материал бўлаолиши ва пионерлар ташкилотининг 25 йиллигига муносиб совға сифатида табриклашга лойиқ бир тўпламдир.

2. „Янги йил“ (коллектив) ше'р, ҳикоя, эртак ва топишмоқлар. 132 бет. 1947 йил.

Бу тўпламнинг исми ва ўз ичига олган ба'зи асарларнинг характеристидан ма'lумки, бу китоб янги йилга, болаларнинг арча байрамларига бағишлилангандир.

Бу тўпламдаги асарлар ичida шоир Faфур Fуломнинг „Сталин халқининг байрами“, „Билиб қўйки, сени дун'ё кутади“, Уйғуннинг „Арча“, „Қишлоғ“, „Кор бобо“, „Холиқ қўрқоқ“ ше'рлари, Ш. Са'дулланинг „Мен чавондо“ ше'ри, эртаклари ва бирнечча ше'рий парчалари, Куддуснинг „Ўсимликлар орасида“ каби асарлари бор. Колган асарлар русчадан таржима бўлиб, Максим Горь-

кийнинг „Чумчукча“ ҳикояси, „Аҳмоқ Иван“ эртаги ва Маршак-нинг машҳур „Ўн икки ой“ деган янги йил эртаги, Андерсенning „Арча“ ҳикояси ва бошқалар киритилган.

Faafur Fулом „Сталин ҳалқининг байрами“ ше'рида мамлакатимизнинг улуғвор байрамлари ва баҳтли ёшларимизнинг бу байрамлар ҳақидаги таассуротларини ва орзуларини тасвирлайди.

Улуғ байрам, энг олдинда жасур байроқдор,  
Ёмғур ювган лола юзи каби беғубор,  
Гердайиб мен ҳам  
Колонналар қаторида кетгим келади.

Танкларнинг туёқлари ерга ботаркан,  
Командирга сұқум кириб қараб қоламан.  
Теэроқ улғайиб  
Шу қаторда бүй ўлчашни қиласман орзу.

Тез улғайиш, жангчилар қаторига кириш каби орзулар блан тұла бу баҳтиәр совет ёшларининг мамлакатимиздаги қадр-қиймати шоирнинг „Билиб қўйки, сени дун‘ё кутади“ ше'рида яна яхши ифодасини топгандир.

Ўйғуннинг бу тұпламдаги ше'рлари китобнинг мазмунига мос, я‘ни янги йил мавзу‘ида ёзилған ше'рлардир. Уинг „Арча“ ше'ри болалар учун жуда характерлы ва тұпламнинг маңсадини күзатучи материаллардан биридир.

Арча-арча жон арча,  
Сени севади барча.  
Бизлар ҳам севиб жондан,  
Сени қорли ўрмондан  
Уйга олиб келамиз,  
Шохларингга иламиз  
Түрли ўйинчоқларни,  
Электр чироғларни,  
Қатор қилиб ёқамиз  
Сүңг ҳуснингга боқамиз.

Қиши тасвири ва қишида болаларнинг ўйин ва тамошалари ҳам Ўйғун ше'рларидан ёрқин бүёқлар, ҳаётій ва содда ифодаларда жуда чиroyли акс этади.

Хар томонда оппоқ қор.  
Совуқ ҳукм суради.  
Еғочлар оқ кийимда,  
Хаёл суриб туради.

Гоҳ қор бўрон ўйнашар,  
Гоҳ чана қўйишади.

Гоҳ яхмалак отишиб  
Завқига тўйишади.  
Гоҳ қордан одам ясаб  
Қўйишар йўл бўйига,  
Гоҳ тўпланиб боришар,  
Арчахоннинг тўйига.

(„Киш“)

Болаларнинг энг севимли тўйи арча байрамидир. Бу кунни улар ошғич кутадилар. Мана шу кунларнинг тасвири уларниң адабиётларида ҳам чиройли ифодаларда акс этгандир.

Бизлар соғиниб ҳар нафас  
Кутдик сени йил бўйи,  
Ёдимиздан кўтарилилмас  
Шодли янги йил тўйи.

(Ш. Са'дулла „Янги йил“)

Шоир Уйғуннинг „Қор бобо“ шёри айниқса болалар ҳаётига мос ва болалар учун ёқимтой. Бу ше'р қисқагина сюжетга эга бўлиб, мазмунида болани она сўзига Қулоқ солишига, тарбияга ўргатади.

Онам—деди—дарсиянги ўқи,  
Эшик совуқ чиқмагил зинҳор,  
Унамасдан чиқиб кетдим мев,  
Фижирларди босганимда қор.  
Аммо тездан қулоқ бурнимни,  
Кимдир бирор чимчилаб олди,  
Қўзларимга ёш чиқиб, юзим,  
Қулоқ, бурним ачишиб қолди.

Максим Горькийнинг „Чумчукча“, Натишиннинг „Эй, оға“ әртаклари, В. Асиеванинг „Унитилмас сўз“, Гайдарнинг „Номус“ дикоялари ва Уйғуннинг „Холиқ қўрқоқ“ ше'ри ҳам мана шундай тарбиявий мавзу'ларда бўлиб, болаларни ўқишга, меҳнатга, ботирлик ва қўрқмасликка ўргатади. Бу асарларни мавзу' өтибори блан тўпламнинг муваффақияти деса бўлади.

Янги йил тўпламининг асосий мундарижаси шулардан иборат. Энди шу ерда бир икки савол туғилади. Тўпламнинг мақсади нима? Агар бу китоб янги йил ҳодисалари ва арча байрамлари ҳақидаги асарлар тўплами бўладиган бўлса, нима учун бошқа мавзу'даги асарлар ҳам киритилган? Бордию, китоб турли темадаги асарлар тўплами бўладиган бўлса, нега бошқа мавзу'лардаги оригиналъ асарлар кўпроқ киритилмаган?

Ҳақиқатан ҳам тўпламнинг умумий мундарижасидан чиқадиган хулоса шундай. Тўпламда бир аниқ мақсад, бир турли мавзу' кузатилмаган. Гарчи шундай мавзу' танланмаган экан, қишиш ҳақидаги зўрма-зўраки киритилган таржималар ҳисобига турли темадаги ғоявий ва бадний пишиқ оригиналъ асарлар киритилса яхши бўлар эди·ку.

Бундан ташқари түпламда ғоясиз, ғайри бадий ва қуруқ табиат тасвиридан иборат асарлар ҳам йўқ эмас. Бунинг устига бу китоб ғализ ва мубҳам мисра'лар блън тўла.

Толҳивич ўйнарди юраги тошиб,  
Кўнгли тўлган боғбон наққошларидан.

Шамол ҳам кўз қисиб ташлаб кеталмас  
Ўйнашар иккиси галма-гал қучиб

(Кудус „Ўсимликлар орасила“).

Айниқса түпламдаги Ш. Са'дулланинг „Янги йил кечаси“ өртаги болаларнинг руҳига тўғри келмайдиган, аллақандай илоҳи қувватга ишонтиручи ўта афсона бир нарсадир. Бу өртак Ш. Са'дулла томонидан ше'р блан қайта ишланган. Бунда воқиа шундай: Бир она қўрқинчли бир тунда бешикдаги боласини ухлатиб ўтирганда, унинг олдига қорбобо кирадиу, шу блан бола олтин бўлиб қолади. Она муҳтоҗликдан боланинг бир бармоғини кесиб олади. Келгуси йил қорбобо келиб болани яна ўз ҳолига келтиради.

Бу афсона аслида бошқача эди. Бу воқиа қорбобо блан эмас, лайлатул қадир ўтиши блан юз берар эди. Бунда бўлса лайлатул қадир ўрнига қорбобо олиниб болалар назарида севимли бўлган қорбобони илоҳий, қўрқинчли бир куч қилиб кўрсатилади. Бу асар болаларга ҳечнарса бермайди. Аксинча афсоналар орқали болаларни қорбободан ҳам қўрқишга, ундан қочишга да'ват қиласади.

Тўпламдаги кўпгина топишмоқлар ҳам бор. Булар таржима этилганми, янгидан тўқилганми ҳар ҳолда, уларнинг бир қисми яхши ўйланган, пишиқ ишланган, равон ва болаларнинг тезда топиши учун қулайдирлар. Лекин ба'зилариңинг соҳталиги, айтилган гапларнинг яширилган нарсага муносабати йўқлиги топишми оғирлаштиради ва боланинг фикрини чалғитади.

Бир тўл чангаль ичидা  
Бир япроқ қизил гул

Буни ким ҳам қирғовул эканлигини топаолади. Ёки:

Бир нарса бор дун'ёда оғзи узун,  
Бир соатда айланади ернинг юзин,  
Санаб кўрсам кўп одам танир экан,  
Танимайман деса ҳам босган изин.  
(радио эмиш).

Ез бўйи юради,  
Қишда роҳат суради.

(Айнқ эмиш).

Умуман, бу тўпламдан хурсанд бўлган ёш ўқучилар янги йилда ҳам бу авторлардан мукаммал, камчиликлари тўлатилган янги китоблар кутади.

ЎТКУР РАШИД

# МУҲИНДАРӢИЖКА

Бет

В. Мураделининг „Улур дўстлик“ операси тўғрисида ВКП(б) Марказий Комитетининг 1948 йил 10 февраль қарори . . . . .	3
ШАЙХЗОДА. Юлдуз. Ше'р . . . . .	9
Н. ОХУНДИЙ. Эрк посбони. Ше'р . . . . .	10
УЙФУН, ИЗЗАТ СУЛТОН. Навоий. Пьеса . . . . .	12
М. ТУРСУНЗОДА. Фарбада келгаян „меҳмон“. Ше'р . . . . .	60
ҲАКИМ НАЗИР. Раиснинг хатоси. Ҳикоя . . . . .	62
ШОНАЗАР. Номзод. Ше'р . . . . .	67
М. ОСИМ. Йигитали. Ҳикоя . . . . .	68
М. БИКАДОРов. Олтин чироғлар. Ше'р . . . . .	88
С. ҚАЛАНДАР. Биз Уралда. Повесть . . . . .	91
П. МҮМИН. Кўзибой чўпон. Ше'р . . . . .	110
ТУЙФУН. Оддий одамнига улуғворлиги. Очерк . . . . .	112
М. АФЗАЛОВ. Қизил Армия тўғрисида ҳалқ қўшиқ ва достонлари . . . . .	119
ТАНҚИД ва БИБЛИОГРАФИЯ	
ЎТКУР РАШИД. Янги китоблар ҳақида . . . . .	215

**РЕДКОЛЛЕГИЯ:** Одбек (мас'ул мударрир), Гафур Ғулом, Яшин, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Шайдзода, Ж. Шарафий, М. Ашрафий, Сами' Абдуллаев. Мас'ул секретарь: Ма'руф Ҳаким.

На узбекском языке

465542

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

№ 2

Орган Союза советских писателей Узбекистана

Объединенное издательство „Правда Востока“ и „Кызыл Узбекистан“

Ташкент—1948

„Шарқ Юлдузи“ редакциясининг адреси:  
Ташкент, Биринчи май кўчаси, уй № 20. Телефон 33-881.

Босма рухсат этилди 13/III-1948 й. Р 01792. Қоғоз формати 60×92/16. Босма листи 8,25.  
Бир листда 47000 ҳарф. Тиражи 6000. Изд. № 288. Бадоси б сўм.

Ташкент. „Қазил Узбекистон“ ва „Правда Востока“ шамриёти босмахонаси. Заказ 212.

+

-

x

5 c.

2955